

1972/10



ГУЛИСТОН

10  
1972



Ҳар йили Тошкент давлат консерваториясини юзлаб истеъодли ёшлар битириб чиқади. Опа-сингил Нигора ва Озода Иброҳимовалар ҳам бу олий санъат даргоҳида уқиб, маҳорат сирларини ўргандилар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Ягона оилада

# БАЛЛОҒАТ

Ҳаёт данак бўлса —  
 дўстларим мағиз,  
 Шаҳдамдир ҳаётда дўстлар одими:  
 Биттаси директор,  
 Ўзгаси раис,  
 Ундан ҳам бошқаси райком ходими.  
 Ҳаёт бетинимдир,  
 Унг билан сўлга  
 Сувларни тарқатиб йўртгандек дарё.  
 Биз эса,  
 тўрт ёндан чиқсак-да йўлга,  
 Учрашиб қоламиз ғўзалар аро.  
 Пахтазор осмони —  
 мисоли тандир —  
 Сингитиб пиширар халқим нонини.  
 Заҳматқаш дўстларим боши баланддир  
 Деҳқоннинг жонига улаб жонини.  
 Бу жумла бироз хом...  
 Миришкор йўлин  
 Чегаралаб қўймоқ дуруст эмас-да!  
 Пахтамиз тўдаси дўстларим дилин  
 Ишчи қалбига ҳам этар пайваста.  
 Йигирманчи йиллар эсланса бир дам,  
 Яланғоч далалар билан ёнма-ён  
 Учоғи совинган фабрикалар ҳам  
 Кўзимиз ўнгида бўлар намоеъ.  
 Дастгоҳлар мудраркан оғир сукутда,  
 Бошланиб кетарди жўшқин мажлислар.  
 Катъий қарор қилиб янграрди юртда  
 Ишчининг кўксини тирнаган ҳислар:  
 «Тўғри, биз юлунмиз!  
 Ем бўлдик битга!!  
 Фарзандларимизнинг қорни эса оч!!!

Аммо,  
 биз  
 хорижда тўқилган читга  
 Мутлақо,  
 мутлақо эмасмиз муҳтож!»  
 «На чора...  
 Олармиз пахтани тилаб...  
 Лекин ягонадир ишчи талаби —  
 Фабрикаларимиз турсин гувиллаб  
 Инқилоб ватанин юраги каби!»  
 «Пахтакор!  
 Жанг чоғи ҳар лаҳза қиммат,  
 Сендадир,  
 биродар,  
 ғалаба изни!

Сен бугун далада кўрсатсанг ҳиммат,  
 Биз сўнг кўрсатамиз санъатимизни».  
 Бу нидо

Аму ва Сирнинг бўйида  
 Топгач акс садосин,  
 Авжланиб илдам,  
 Йигирма тўртинчи йилнинг майида  
 Янгради партсъезд минбаридан ҳам.  
 Муқаддас заминни пахтакор йигит  
 Омоч ва кафти-ла айлагач тавоф,  
 Уша кун тупроққа тикилган чигит  
 Ишчи нидосига бўлганди жавоб.  
 Бир сўздан яратиб бўлмас қасида,  
 Қўшди у жавобга ўз сўзин йиллар:  
 Фарғона канали трассасида,  
 Мана,

юз эллик минг кетмон ярқиллар...  
 Мана, бўлаётир йўлимиз сўлим,

Мирзачўл боғлари кўкка интилиб...  
 Мана...  
 Энг муҳими, ўстирди элим  
 Ўз ўглин

ўзидан ўктамроқ қилиб!  
 Хулласки, соғинчдан толиққан кезлар,  
 Тарихми, тақдирми

бергандай садо,  
 Йўлга чиқамизу тўрт ёндан дўстлар,  
 Учрашиб қоламиз ғўзалар аро.  
 Орамиз йироғу

ошнолик қалин,  
 Узоқ ҳол сўрашининг йўқдир кераги,—  
 Дўстлар кайфияти қандоқ эканин  
 Пахтазор ранг-рўйи

айтиб беради.  
 Ўзбеклар қўлининг тафти бор бугун  
 Жаҳонда бошланган хайрли ҳар ишда;  
 Оплоқ пахтамызга интизор бугун  
 Завод-фабрикалар ҳатто хорижда.  
 Кўкка кўтараман дўстларимни мен,  
 Улар ҳам кўнглимини кўтармоқ истар:  
 «Тарихда қоласан шеъринг ила сен,  
 Биз эса — хизматда...  
 Хизматда бизлар!»  
 Йўқ, азиз дўстларим.  
 Халқ эрур уммон!  
 Уммон-ла тирикдир чинакам инжу!!  
 Бахтимга ўзининг бўлини соғ-омон,  
 Сиз-ла барҳаётман!!!  
 Эътиқодим шу.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!




№ 10 (70) 1972

Октябрь

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти


Ўзбекистон  
 Компартияси  
 Марказий  
 Комитетининг  
 журнали

1925 йилдан  
 чиқа бошлаган



## 4.550.000

Улуғвор рақам. Муносиб соғна. Шарафли вазифа...  
 Республикамиз далаларида 4.550.000 тонна «оқ олтин»  
 учун кураш қизғин давом қилмоқда. Совет Иттифоқи пахта-  
 кор республикалари партия-ҳужалик активи йиғилишининг  
 КПСС XXIV съезди қарорларини ҳамда СССРнинг 50 йилли-  
 гини нишонлаш юзасидан пахта етиштириш ва давлатга со-  
 тиш соҳасида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш  
 тўғрисидаги резолюцияси белгиланган вазифаларни шараф  
 билан адо этиш — юксак бурчимиз.  
 Байрам ҳирмонияга барақа!





7.000 тоннали юбилей хирмони кўтаришга аҳд қилган Самарқанд обла­сти­даги «Жомбой I» совхози коллектив машина теримга катта эътибор бермоқда. Суратда: совхоз директори Эргаш Нурматов механик ҳайдовчи Сиддиқ Абдужалилов билан машиналар терими олдидан пахтазорни кў­дан кечирिशмоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.




Хирмонга барака!

В. СИРОТКИН фотоси

# 4 550 000

Фурсат ганимат


В. СИРОТКИН фотоси



Янгийўл районидagi Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз Иттифоқимизнинг улкан тўйини улкан меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Суратларда: 1. Механик-ҳайдовчи Номозали Йўлдошев мавсумда 150 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қил-

ган. 2. Колхоз раиси Усар Жўраев (чапда) гентаридан 40 центнер ҳосил олаётган бригаданинг бошлиғи Тошканбой Темиров билан пахта даласида.

С. БЕЗНОСОВ фотолари



# ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИ

**П**ахтанинг оқлиги кўнгили поклиги, дейди халқимиз. Чиндан ҳам пахта ўзбек халқининг неча асрлик ҳалол меҳнатидан далолат беради. Пахта ўзбекининг нурафшон ҳаёт йўлига ўхшайди. Пахта — ўзбекининг пешана тери, қувончи, ташвиши ва бахти. Ўзбекистонни жаҳонга танитган ҳам «оқ олтинимиз».

КПССнинг XXIV ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездларида пахтачиларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. КПСС МК ва Ўзбекистон КП МК Пленумларида тўқзинчи беш йилликда республикамизда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг аниқ режалари белгиланди. Биз шу кўрсатмаларга оғишмай амал қилиб, олдимизга кўйилган вазифаларни бекамۇ кўст адо этамиз.

Совхозимиз яқиндагина, Ленин юбилейи йилда ташкил этилган. Умумий экин майдонимиз 5.264 гектар. Шундан 4.400 гектарида пахта экилади. 740 гектар майдонига беда экилган. Хўжалигимиз деҳқонлари тўқзинчи беш йилликнинг биринчи йилида улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатга пахта топириш планини 143 процентдан ошириб бажардик. 7.770 ўрнига 11.123 тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олдик. Ҳосилдорликни гектар бошига 25,1 центнерга етказдик. Бир центнер пахтанинг таннархи 30 сўм 98 тийинга тушди. Пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик махсулотларидан совхоз 2.038 минг сўм даромад олди.

Шундай савол туғилиши мумкин, хўш, мўл-ҳосил олиш учун нималарга амал қиланайти? Бизнинг, ишни шудорлашни пухта ўтказишдан бошлаш лозим. Чўқур ҳайдалиб, мезғирда ўғитилган ерга экилган чигит ўз вақтида, тўқис униб чиқади. Мўл-ҳосил олишининг яна бир муҳим омилли — ғўзага вақтида ишлов бериш ва сугоришидир. Ишлов бериш жараёнда ғўзалар икки марта азотли ва икки марта фосфорли ўғитлар билан озиклантирилади. Бундан ташқари, яна бир қанча шартлар борки, пахтадан юқори ҳосил олишни ўйлаган деҳқон уларга албатта амал қилади.

Пахтанинг меҳнати оғирлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо бугунги кунда: «Уртоқлар, пахтани кўлда териш оғир, машина жонинг рохати», деб тарғибот юритиш кулгили бўларди. Чунки қишлоқ хўжалигида техниканинг кенг жорий этилаётганлигини, унинг шарофатини эндиликда ҳамма яхши тушунади. Лекин республикамизнинг айрим хўжаликлариде ҳамон қўл меҳнатига зўр берилмоқда. Мирзачўл шараитида эса бу айниқса зарарли бўларди. Бизнинг шараитимизда деҳқон меҳнатини энгиллаштирувчи асосий восита техникadir. Биз чигит экишдан то ҳосилни йиғиб-териб олишгача, ҳамма ишни механизация воситасида амалга оширамиз. Кўриниб турибдики, пахтага кам меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олиш мумкин. Даромад, албатта, шунга яраша бўлади.

Бу йил биз техника ремонтига баравақт киришдик. Эскиларда бир таъбир бор: озикли от ҳоримас. Бу ҳикматли гап ҳозирги кунда бошқачорак мазмун касб этган. «Техникаси пухта деҳқон ҳоримас», дейиш мумкин. Шунга биноан биз бу йил машиналар ремонтига алоҳида эътибор бердик. Мавжуд 133 пахта териш, 37 кўсак териш, 50 подбор машиналарни, 30 кўсак чувиш машинаси, 5 юк ортувчи, 35 юк ташувчи трактор, 50 тележкани август ойи ичида сифатли ремонтдан чиқардик. Бу ишга совхознинг бош инженери К. Баратов бошчилик қилди. Юқорида айтганимиздек, Мирзачўл шараитида механизациясиш изқ улмайди. Шу сабабли биз чигит қадалган пахта майдонларини аввал бошданок машина теримига мослаштирамиз. Ғўза қатор оралари вақтида бегона ўтлардан тазаланadi.

Булутор совхозимиз пахта теримини 14 кунда тугаллади. Бу ишга тажрибали механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳаммаси жалб этилган эди. Бу йил ҳам механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Эрта кўкламданок 250 механизаторга иш тақсимланди. Улардан 162 киши пахта териш машиналарининг ҳайдовчиларидир. 1971 йилда ҳар бир терим агрегати ўртача 91 тонна пахта терган бўлса, бу йил ана шу рақам 100 тоннага тўғри келади. Ялли теримга баравақт тушиб,

давлат планини октябрнинг ўрталарида бажарамиз. Социалистик мажбуриятимизни эса ноябрнинг бошларидаёқ адо этишга аҳд қилганамиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Пахта териш кампанисига группа усулини кенг жорий этамиз. Биз бу усулдан унумли фойдаланмоқдамиз. 1972 йилги терим мавсумида совхозимиз бўйича 30 та группа туздик. Ҳар бир группада тўрт-беш терим агрегати бўлиб, уларга етарли тележка билан биттадан юк ташувчи трактор бириктилди. Механизациялаштирилган пахта терими жараёнида группа усули жууда қўл келади. Талай энгилликлар туғилади. Биринчидан, терилган пахта хирмонга олиб чиқилмай эгат бошида турган тележкага тўкилади. Бу қўл меҳнатини камайтиради. Иккинчидан, группа усули жорий этилмасдан олдин ҳар бир картада биттадан, баъзан иккитадан терим агрегати ишларди. Ҳар бир агрегатга алоҳида техника ажратиларди. То тўлган тележкани пунктга олиб бориб бўшашиб келгунча терим агрегати тўлган бункерни бўшатолмасди. Кўпинча хирмонга тўкаверарди. Эндиликда, группа усули жорий этилиб, бир картада тўрт-беш агрегат ишлайди. Шунча агрегатнинг терган пахтасини биргина трактор пешма-пеш пунктга элиб туради. Демак, техника кучини беҳуда исроф қилмасликнинг аниқ амалиоти туғилади. Учинчидан, агрегатларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш осонлашди. Тўртинчидан, меҳнатни улзуксиз оқим усулига мослаб уюштириш, яъни, бункер — тележка — қабул пункти тарзида уюштириш мумкин бўлади. Афсуски, баъзи хўжаликларда группа усулининг афзалликларини тўғри тушуниб етмай, уни кенг қўлламаёттирлар.

Биз бу йил механик-ҳайдовчиларимизга намунали хизмат кўрсатиш учун бешта автомашина ажратдик. Ҳар бир машинада икки слесарь, эҳтиёт қисмлар ва ҳайдовчилар учун зарур бўлган барча нарсалар муҳайб. Механик-ҳайдовчининг меҳнати унумли бўлиши учун агрегат энгилги, ёлар билан ўз вақтида таъминланиб турилади. Бизнинг бу йилги пахта хирмонимиз катта. 13.200 тонна «оқ олтин» теришга бел боғлаганамиз.

Бу йил об-ҳаво шараити пахтачилар учун нуқуллади келди. Баҳор, ёз ойларидаги сурункасига ёққан ёмғир, ҳавонинг паст келиши ғўзаларнинг ривожига пухта етказди. Бироқ, табиат инжиқликлари катта хирмон кўтаришимизга ҳалал беролмади. Совхозимиз ишчиларининг фидокорона меҳнати туғайли пахтаимиз вақтида очилди, теримга баравақт киришдик.

Йил охирида совет халқи уқтани тўйни — СССР ташкил этилганининг 50 йиллигини тантанали байрам қилди. Бу қутлуг айёми бизнинг коллективимиз ҳам муносиб тўёна билан қутиб олади.

**П. ҚУЛМАТОВ,**

Сирдарё область Пахтадор районидаги Собир Раҳимов номли 29-совхознинг директори

- Бригаданинг даромад олиш даражаси қандай?
- 45 процент!
- Ялли даромад-чи?
- Утган йил 80 минг ўрнига 126 минг сўм бўлди. Бу йил 150 минг сўмдан ошадди.
- Бригада аъзолари қанчадан маош олишяпти?
- Сувчиларнинг маоши 200, механизаторларники эса 220 сўм.
- Бир иш кунининг қиймати-чи?
- 6 сўму 80 тийин.

Саволларимизга бурро-бурро жавоб бераётган бу киши бухгалтер ёки экономист эмас, оддий табелчи. Иштихон районидаги «Меҳнат — роҳат» колхозининг табелчиси Убайдулла ака Бобонов. Ундан тежамкорлик ва иқтисод қилишни, хўжалик ҳисоби ва таннархни, норматив ё бригада фондими — қисқаси, иқтисодий мавзудаги ҳар қандай аҳоли-га қониклари жавоб олсам.

Бундай табелчилар Самарқанд областида оз эмас. Икки ой доминида ўндан ортик табелчи билан учрашиб бригадалар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилдик. Улар ўзлари ишлайдиган бригаданинг ҳар бир тийин кирим-чиқимини истиқбол ва бошқа иқир-чиқиларини кўзга туғдиқдек акс эттирдилар. Иқтисодий мавзуда қизгин баҳс қилдилар.

Булар орасида Поийриқ районидаги «Москва» колхозининг табелчиси Оқбой Сатторов (у илгор ҳисобчи-

## БРИГАДАНИНГ КЎЗГУСИ

лар учун таъсис этилган кўча вицепели бир неча бор қўлга киритган), «Оқдарё» совхозининг табелчилари Ҳамро Мавлонов, Турсун Саримсоқов, Иштихон районидаги «8 Март» колхозининг табелчиси Бобониз Бўриев ва бошқалар бор эди.

Бу иқтисодий фаолият табелчилар ишида жиддий бурилиш ясади. Бу ташаббус экономикани пухта ўрганишни тақозо қилиб қолди. Ушанда колхоз правленеларига табелчилардан «Мендан экономист қиммайди-ганга ўхшайди. Табелчиликдан бўша-тишларининг сўрайман» деган мазмунда аризалар туша бошлади. Уларни ишдан бўшашти эмас, балки ўргатиш керак эди. Нозик ва мураккаб бўлса-да, шундай йўл танланди: қишлоқларда иқтисодий билимлар университети иш бошлади, барча ҳисоб-китоб ходимлари (табелчи ҳам) кеқчурун ўқийдиган, иқтисодий билимлар асоси бўйича имтиҳондан ўт-диган бўлдилар. Икки йилда улар-

нинг малакаси анча ошди. Хўжалик ва бригаданинг йиллиқ, квартал ёки ойлик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш, таннарх ва рентабелликни ҳисоблаб чиқариш, тежамкорлик учун курашиш улар учун анча осонлашди.

Аммо бу иқтисодий ташаббус фақатгина уларнинг малакасини ошириш билан чекланмасди, балки табелчиларнинг мавқеини ҳам оширишни тақозо қиларди.

Табелчилар аввал эрталаб занг чалиб колхозчиларни ишга чорлар эдилар. Бундай усул нолийик деб топилди. Энди табелчи ҳаммадан эрта ишга чиқадими далада шийпонга ёки пайкал бошига келиб ўтиради. Бригаданинг қайси аъзоси соат нечадан неча минут ўтганда чиққанлигини дафтарга ёзиб қўяди. Кечкурун эса ким неча соат ишлагани ва нормани қандай бажаргани, шу билан бирга, меҳнатига қанча ҳақ олишини ҳисоблаб, эълон қилади.

Бу кўрсаткичларни дала шийпони-

даги иқтисодий бурчакда акс эттиради. Табелчи уйга бориб ҳам тинчи-майди, дарс тайёрлайди, ҳисоб-китоб ишларини якунлайди. Бу касб мавқеини оширишда табелчидан дафтарининг аҳамияти катта. Энди табелчи билан ҳамма ҳисоб-китоб қилишга мажбур. Табелчининг сўмасида «Дала дафтари» ва «Бригаданинг кирим-чиқим дафтари» бор. «Дала дафтари»да бригаданинг экин майдонлари, гектари, экин турлари, қайси далага қачон, қанақа ўғитдан қанча солини-ланлиги ва унинг эвазига қанча ҳосил олинганлиги акс эттирилади. Кирим-чиқим дафтарида эса бригаданинг плани, мажбурияти, қанча ўғит олинганлиги ва давлатга қанча махсулот сотганлиги акс эттирилади. Бу дафтарларда бригада ва унинг аъзолари фаолияти кўзга туғдиқдек акс эттирилади.

Табелчининг масъулияти ошди. У шундай иш тутмоғи керакки, бригаданинг бирорта аъзоси ранжикмасди. Ҳисоб-китоб ишлари изчил ва тўғри бўлисин. Бундан ташқари, у ўз билиминини мунтазам ошириб борсин. Ҳозир асосий йиғилишларга табелчилар ҳам таклиф этилади.

Буғунги табелчи кечаги югурдак эмас. У иқтисодий билим билан қуролланган, масъулиятини чуқур ҳис қиладиган зукко ва ҳозиржавоб кишидир.

**Нуратилла РАҲМАТОВ**



Ягона оилада

# АРМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ



Халқ достонининг қаҳрамони Сасунлик Давид — арман халқининг тарихий тинсоли.

А. Е. КОЧИНЯН,

Арманистон Коммунистик партияси  
Марказий Комитетининг биринчи  
секретари

## МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ПЎЙДЕВОРИ

Арманистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари мамлакатимиздаги қардош халқлар оиласида порлоқ жамият — коммунизмнинг моддий-техника негизини яратиб ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Арманистон ишчилар синфи Ватан олдидаги ўз бурчинини шараф билан адо этди. Республика саноати жадал ривожланмоқда. Утган беш йил мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиш суръати 12 процентага етди. Мухим халқ ҳўжалиги аҳамиятига эга бўлган мустақкам энергетика базасини яратиб вазифаси асосан ҳал этилди. Бир қанча қудратли иссиқлик электр станциялари қурилиши тугалланди. Баланд тоғликларда гидроэлектростанциялар тизмасини бунёд этиш ишлари тез суръатлар билан бормоқда. Йирик атом электр станцияси қурилиши бошлаб юборилди. Беш йилда Арманистонда электр қуввати ҳосил қилиш икки баробардан зиёд кўпайди. Бу халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини, айниқса машинасозлик, кимё индустрияси ва рангли металлургия сингари йирик тармоқларни янада жадал раванқ топтиришига имкон берди.

Машинасозликнинг замонавий шахобчаларини ривожлантиришда, маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишда, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга изчил жорий этиш натижасида республика саноатида муҳим ўзгаришлар юз берди. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида аниқ асбобсозлик, электроника ва радиотехника сингари замонавий тармоқлар маҳсулотининг салмоғи янада ошди. Маҳаллий хом ашё ва бой полиметалл маъданлар записидан комплекс фойдаланиш соҳасида қилинган илмий тадқиқотлар бир қанча янги ишлаб чиқариш тармоқларини вужудга келтиришига имкон берди. Нефелилли сенинтлар ва перлитлар саноат кўли билан қайта ишланиб, қимматбаҳо кимё

маҳсулотлари, қурилиш материаллари, жумладан, оптик ойна ва цемент олимоқда. Маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган, олтин олинадиган йирик маъдан комбинатлари ва бошқа корхоналар қурилмоқда. Математик олимлар ёрдамида республикада юксак сифатли электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Биологлар билан ҳамкорликда саноат микробиологияси барпо этилди. Физиклар ва кимёгарлар ишлаб чиққан тавсияларни саноатга жорий этиш туйфайли квант генераторлар, кўпгина мураккаб усуналар, самарали шифобахш препаратлар, қимматли полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлга қўйилди.

Республика қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Сўғорилмадиган экин майдонлари анча кенгайди. Қишлоқ ҳўжалигининг узумчилик, мевачилик, сабзавотчилик сингари етакчи тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республика колхоз ва совхозлари узум, мewa, сабзавот, картошкадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Арманистонда кейинги йилларда меҳнаткашлар фаровонлиги тобора ормоқда. Республикада бевосита халқ моддий фаровонлигини оширишга алоқадор бўлган озмиқ-овқат саноати, енгил ва маҳаллий саноат, манший хизмат соҳалари жадал ривож топмоқда. Шу йилларда жон бошига тўғри келмадиган реал даромад, меҳнатнашларининг иш ҳақи кўпайди, шунингдек, жамоат фондлари ҳисобидан оладиган даромадлари ҳам анча ортди. Аҳолини турар-жой билан таъминлашдек муҳим ижтимоий проблемани ҳал этиш юзасидан катта ишлар қилинди. Беш йил мобайнида республикада умумий майдон олти миллион квадрат метрга етадиган турар жой фойдаланишига топширилди. Шу даврда тахминан ҳар уч онладан бири янги квартирага кўчиб ўтди ёки ўзининг турар жой шаронтларини яхшилаб олди. Мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, шифохоналар, ишчи профлакторийлари, маданний-манший хизмат муассасалари ва бошқа объектлар қурилиши кўлами ўсиб бормоқда. Бизда ўтган ўн беш йил ичда қанча мактаб қурилган бўлса, кейинги беш йилда ҳам шунча мактаб бунёд этилди.

Кўп миллатли совет социалистик маданиятининг ажралмас қисми бўлган шаклан миллий, мазмунан социалистик руҳдаги арман маданияти янада камол топмоқда. Совет халқлари миллий маданиятларининг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитиши республикаларимиз маданияти гуллаб-яшанишининг гаровидир. Қардош халқларимиз ҳамжиҳатлиги совет социалистик маданиятимизининг характерли хусусиятидир. Ана шу интернационализм, совет халқларининг муқаддас ва бузилмас дўстлиги — жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи, моддий ва маънавий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида эришаётган барча муваффақиятларимизнинг пойдеворидир.

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)





Исфањис коннинг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ашот Мядкянян — тўнқизинчи беш йиллик зарбдори.



Ереван. В. И. Ленин номидаги майдон.

В. СЕВОЯН фотолари

«Меҳмоннавозлик» деб аталган бу ҳайкални К. Нурижинян яратган.

Нафосат.



## БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Беш йилликда реал даромад аҳоли жон бошига 35 процент кўпаяди.

Маиший хизмат кўрсатиш кўламини 2,4 марта, шу жумладан, қишлоқ аҳолисига 2,8 баравар ошириш кўзда тутилмоқда.

Республикада 161,8 минг ўқувчини бағрига оладиган янги мактаб бинолари қад кўтаради. Мактабгача болалар муассасаларидаги ўрни ўтган беш йилликдагига нисбатан 12,4 мингтага ортади.

Беш йиллик давомида 117 мингга яқин олий ва махсус ўрта маълумотли мутахассис ишлаб чиқариш корхоналарига йўлланма олади. Айниқса, ҳисоблаш техникаси, кибернетика, радиоэлектроника каби соҳалар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилади.

Оммавий кутубхоналар сонини 1970 йилдаги 1.262 ўрнига 1.343 тага етказиш мўлжалланган. Беш йиллик охирида республиканинг аҳоли яшайдиган барча қисмида янги клуб ва кутубхоналар қурилиб, ишга туширилади.

\* \* \*

1975 йилгача Арманистон ССРда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 60—63 процентга кўпаяди. Электр қуввати ҳосил қилиш 1,7 баравар,

автоматлаштириш ускуналари ва воситалари ишлаб чиқариш 2,2, цемент — 2,6 мебель — 1,9 баравар ортади.

Электр қуввати ҳосил қилишни мўлжалдаги миқдорга етказиш учун 800 минг киловаттдан зиёд қувватга эга бўлган атом электростанцияси қурилади.

1975 йилда Арманистон ССР машинасозлик корхоналари 1970 йилдагига нисбатан тахминан икки марта кўпроқ маҳсулот чиқаради.

Арманистон ерлари табиий қурилиш материалларининг туганмас манбаидир. Беш йиллик давомида уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни 1,5 баравар кўпайтириш мўлжалланган.

Арман тўқимачилари ип-газлама етказиб беришни 23 процент, ипак газламалар ишлаб чиқаришни 47 процент оширишга аҳд қилганлар.

\* \* \*

Республика 1975 йилда 1970 йилдагига қараганда боғдорчилик маҳсулотларини 27,5 процент, чорвачилик маҳсулотларини 35 процент кўп етказиб беради.

Янги суғориладиган 50 минг гектар ердан 2,5 минг гектарда узумзор, 6 минг гектар қисмида мевазор боғлар барпо этишга қарор қилинган.



Жаҳонга машҳур олим, совет фанининг фахри академиги В. Амбарцумян Арманистон ССР Фанлар академиясига бошчилик қилмоқда.



Аветик ИСААКЯН

### Ватаним


Баҳор гулларига фарқ бўлган юртим,  
Бағринг иссиқ, меҳринг мусаффо.  
Тўкин далаларга ҳаёт уфурдинг.  
Ширин нафасингга тўймайман асло.

Янғроқ сўзинг билан этасан мафтун,  
Чарос кўзинг билан чорлайсан ҳар вақт.  
Баҳордек навқирон, кўркам ва гулгун  
Жамолинг кўрмоқлик мен учун не бахт!

Она! Истиқболинг қуёшдек аён,  
Шеъримда бор унинг камалак ранги.  
Куч ва қудрат тўла ҳур Арманистон,  
Гўзал тилимизнинг мағрур жаранги!

Иджеван районидagi «Айгсовет» совхозининг ишчиси, СССР Олий Советининг депутаты Зоя Алавердян шонли юбилей йили социалистик мусобақасида пешқадамлик қилмоқда.

Раздан Тоғ-қимё комбинатининг цемент цехи ишлаб чиқараётган маҳсулот истеъмолчиларга манзур.



# КУЧЛАРИМИЗ КЎРИГИ

**Б**из бажарётган ишларимиз ҳақида ҳисоб бериб боришга, ибратли тажрибаларни кенг оммалаштириб, йил кўйлаётган камчиликларни биргаликда бартараф этишга одатланганмиз. КПСС Марказий Комитети май Пленумининг партия ҳужжатларини алмаштириш тўғрисидаги қароридан шу талабни қўйиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтилган.

Бирлашмаимизнинг барча бошланғич партия ташкилотларида Пленум қарорини муҳокама қилиб чиқди. Муҳокамада қатнашган коммунистларнинг сўзларини тинглаб, қабул қилинган қарорлар билан танишган, партия сиёсатини ишларимиз нақадар тўғри тушурилганини ҳис этди. Коммунистлар партия ҳужжатларини алмаштиришни муҳим ташкилий-сиёсий тадбирлардан бири деб билмоқдалар. Партиямиз ўз шахсий состави ҳисобини аниқ пухталаш, кучларни мақсада мувофиқ тарзда жойлаштириш, партия сафларининг софлигини сақлаш учун шундай тадбирни ўтказишга азму қарор қилди. Бу тадбир ҳозирги шароитда кўйлаётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашад.

Дарҳақиқат, давр тараққиёти, талаб ва имкониятлар даражаси эндиликда коммунистлар фаолияти ва ташаббусини янада оширишни, партия интизомини тобора мустаҳкамлашни, коммунизм курилишида коммунистларнинг авангардлик ролини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш лозимлигини тақозо этмоқда. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида биз энг аввало ўз кучларимизни кўриқдан ўтказамиз. КПСС XXIV съезди қарорлари белгиланган вазифаларнинг қандай бажарилаётганлигини текшириб кўрамиз.

Партия ташкилотимиз ҳисобида 440 дан ортиқ коммунист ва партия аъзоларига кандидат бор. Улар 14 та цех партия ташкилоти ва 48 та партия группасига уюшганлар. Биз асосий эътиборни коммунистларнинг ҳаётда ва меҳнатда КПСС Уставига қатъий риоя қилишларига, ҳар соҳада бошқаларга намуна бўлишларини таъминлашга қаратмоқдамиз. Бўлиб ўтаётган партия йиғилишларида коммунистларнинг ишлаб чиқаришда тугатган ўрни, хулқ-атвори ва авангардлик роли ҳам муҳокама қилинмоқда. Бундай йиғилишларда коммунистлар ўз зиммаларидаги вазифаларни қандай бажарётганликлари ҳақида коллектив олдига ҳисоб бermoқдалар.

Исмоил Байрамов бирлашмаимизнинг энг ташаббускор, ишчан ва серғайрат коммунистлардан бирдир. Меҳнатсеварлиги билан эл-юрт

Партия ҳужжатларини алмаштириш муҳим ташкилий-сиёсий тадбир сифатида ўтказилиб, партияни янада мустаҳкамлаш, коммунистларнинг фаолиятини ва интизомини ошириш вазифаларига бўйсундирилсин. Бу иш ҳамма партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашга, уларнинг КПСС XXIV съезди ҳўжалик ва маданий қўрилиш соҳасида ўртага қўйган вазифаларини бажариш борасидаги ишларини кучайтиришга кўмаклашиши лозим. Партия ҳужжатларини алмаштиришдан икки партия турмушини янада активлаштириш, партия раҳбарлиги методини такомиллаштириш, омма орасидаги гошвий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши савиясини ошириш учун тўла-тўқис фойдаланиш зарур.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг «Партия ҳужжатларини алмаштириш тўғрисида» деб чиқарган қароридан

ҳўрматига сазовор бўлган бу коммунист топширилган вазифаларни сидқидил адо этади. Бирлашма партия ташкилоти ва маъмурияти ишбилармон, ташкилотчи деҳқон Исмоил Байрамовга юксак ишонч билдириб, иккинчи бўлимга раҳбар этиб тайинлади.

Бир неча йилдирки, коммунист И. Байрамов ишончимизни тўла оқламоқда. Унинг ташаббуси билан неча ўнлаб гектар адирларга сув чиқарилди, боғ-роғлар барпо этилди. Ердан унумли фойдаланишнинг самарали йўллари топилди, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш йўлида талайгина янгилликлар яратилди. Иккинчи бўлим ишчилари СССРнинг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, бу йил бирлашма кўча қизил байроғини уч марта қўлга киритдилар.

Бирлашма партия комитетининг аъзоси Азиза Эшонова ҳам коллективимизнинг энг ҳўрматли, энг актив коммунистларидан. Азиза Эшонова кўп йиллардан бери «Янгийўл» совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Илгор коллектив юбилей йилида махсуслот етказиш планини бирлашмада биринчи бўлиб бажарди.

Ўз сафига 44 нафар коммунистини бирлаштирган «Янгийўл» совхозни партия ташкилотига ети йилдан буён ишчан эконоmist Дмитрий Мун бошчилик қилмоқда. Партбўри йиғилишларида коммунистлар томонидан зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги вақти-вақти билан муҳокама қилиб турилади. Бу тадбир коммунистлар активлигини оширишда ва илгорлар тажрибасини оммалаштиришда қўл келмоқда.

Бизда ўз иш форма ва методларини давр талабларига мувофиқ такомиллаштириб бораётган ташкилотлар оғз эмас. Консерва заводи, учинчи ва бешинчи бўлимлар бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга моҳирлик билан раҳбарлик қилиб, меҳнат коллективларининг муваффақиятли ишлашини таъминламоқдалар.

Партия ҳўжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида биз ўз босиб ўтган йўлимизга яна бир бор назар ташламоқдамиз. Ютулқлар ҳам, нуқсонлар ҳам яққолроқ намоён бўлмоқда. Камчиликларни бартараф этиш йўлларини изламоқдамиз.

Бирлашма партия комитети ва маъмурияти бу йил барча имкониятларни ҳисобга олган ҳўлда иш олиб бermoқда. Йил бошиданок асосий эътиборни биз кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жўйжойга қўйишга, техника воситаларидан оқилона

фойдаланишга, икки резервларни тўлароқ ишга солишга қаратди. Парник ҳўжаликларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлади. 54 та насос станцияси тўла ремонтдан чиқарилиб, далазларга сув таралди. Ток устини очиш, кўчат экиш, пайкаларга ишлов бериш жараёнлари ёппасига механизациялаштирилди. Бўлимлар, бригадаларга мусобақалар янгидан ташкил этилди. Мусобақа якунларини ҳар ўн кунда муҳокама қиладиган бўлди. Шу тариқа 29 минг тонналик катта кирмон учун кураш кенг қулоч ёйди.

Партия ҳўжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида коммунистлар билан яққамаякка ўтказилаётган сўхбатларда йиллик топшириқни бажаришда ким қанча ҳисса қўшаётганлиги маълум бўлмоқда. Сўхбатлар давомида коммунистларнинг онги, билими, қобилияти ва дунёқароши ҳам синовдан ўтказилмоқда. Айни вақтда бундай сўхбатлар муҳим тарбия воситаси хизмати ҳам ўтамоқда.

Коммунистларнинг кўпчилиги ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳўлда шахсий фаолиятларини намоийиш этмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш, кишилардаги ташаббускорлик ва активлик ҳиссини ўстириш билан боғлиқ бўлган масалаларда партия ташкилотларига қимматли маслаҳатлар бermoқдалар.

Коммунистлар маслаҳати билан биз бу йил бирлашмада биринчи марта махсус қишлоқ ҳўжалиги хўнар мактабини очишга муваффақ бўлди. Ҳозир бу мактабда 120 йиғит-қиз ўқимокда. Янги ташкил этилган цехда эса оқималардан кунига 30 тоннага етказиб шарбат олинмоқда. Бу тадбир мена исрофгарчилигига чек қўйди.

Партия ҳўжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида коммунистларнинг ташаббуси билан яна бир қанча янгилликлар амалга оширилмоқда.

Биз ўтган ойларида партия сафларини тўлиқ ҳисоб-китобдан ўтказди. Янгийўл район партия комитети билан бамақсад партия ҳўжатларини синчковлик билан текшириб чиқди.

Келгуси йилдан бошлаб биз партия ҳўжатларини алмаштиришга киришамиз. Бу кучларимизга катта кўрик бўлади.

Савдамин КАРИМОВ

Усмон Юсупов номидagi аграр-саноат бирлашмаси партия комитетининг секретари

# НУР ОҚИМЛАРИ

**С**

ўнги йилларда бу ҳақда кўп гапириладиган бўлиб қолди. Энергосистема ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган одам бунинг бежиз эмаслигини яхши тушунади.

Хўш, энергосистема нима!

Ишлаш тартиби умумий бўлган ҳамда электр қуввати ҳўсиль қилиш ва тақсимлашнинг узлуksизлиги орқали ўзаро боғланган электр станциялари, кичик станциялар, электр ва иссиқлик узатиш тармоқлари энергосистемани ташкил этади.

Маълумки, қудратли электр станцияларига яраша улкан истеъмолчилар ҳам керак. Яқин-атрофдаги истеъмолчилар таъминлангач, ортиб қолган энергия қаёққа сарфланади? Уни ўзоқдаги шаҳар-қишлоқларга узатиш керак. Шунинг учун эса бирин-кетин юқори кучланлиши электр узатиш тармоқлари пайдо бўла бошлади. Бу тармоқлар электр энергия узатишга қолмай, балки эндигина вужудга келатган ягона энергосистеманинг узвий қисмлари ҳамдир.

Энергосистеманинг яратилиши ҳалқ ҳўжалигиде катта аҳамиятга эга. Энергосистема энергетика ускуналари ва жиҳозларидан тежамли фойдаланиш, тармоқларда энергия исрофгарчилигининг камайишига шароит яратди, истеъмолчиларини элетр энергияси билан муттасил таъминлаш имконини берди.

Энергосистемалар тараққиёти жараёнида шундай мураккаб система вужудга келадими, уни ҳатто тирик мавжудотга таққослаш мумкин. Инсон баян касалланганидек, энергосистема ҳам «касалига» чалиниши мумкин. Агар одам ўз танасидagi бирор жараҳатни вақтида даволатмас ва илдиэ отиб битун организмга таҳдид солади. Энергосистемада ҳам шундай: юз берган бирор кичик авариянинг вақтида олди олинмас, катта фалокатга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Бу ўринда 1965 йили АҚШнинг шимол-шарқий штатларида ва Канаданинг баъзи районларидаги энергосистемаларда юз берган ва тарихга «буёқ зулмат» деган ном билан кирган фалокатни мисолга келтириш мумкин. Кэноэ энергосистема тармоқларидан бирда ток меъёридан жуда ошиб кетади. Ток энергияси марказидан тўртта тармоқ бўйлаб оқа бошлади ва электр каналлари орқали Нью-Йорк ҳамда Канада томон йўналади. Генераторлар фаолияти издан чиқди, тармоқлар бирин-кетин ўчди. Система мўтадил ҳўлатни йўқотди. Оқибатда 30 миллион аҳолиси бўлган катта территория электр энергиясидан маҳрум бўлади, хоналарда чирок ўчди. Нью-Йорк лифтлари, газ насослари, водопровод издан чиқди, алоқа тўхтади.

Бу фалокатнинг сабабларини совет мутахассислари изохлаб беришди.

Системада мутлоқ авария юз бермаслиги қийин, албатта. Лекин унинг олдини олиш мумкин. Системанинг бирор қисмида авария юз берса, уни дарҳол ақратиб қўйиш керак. Автоматика мана шуну назарда тутиб қўрилади.

Шу нарсани қайд этиш керакки, совет энергосистемаларида АҚШдагидай фалокат ҳеч қачон юз бермаган. Чўнки бизнинг энергосистемаларимиз юқорида зикр қилингандай, фалокатнинг олдини олишга, яъни тармоқни автоматик равишда узиб қўйишга мўлжаллаб қўрилган.

Дохийлик В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатни ёппа электрлаштиришни орзу қилган эди. Тарихий ГОЭЛРО плани Владимир Ильичнинг бевосита раҳбарлигиде юзага келган эди. Мана эндиликда дохийимизнинг орзуси тўла-тўқис амалга оширилди. Бепеён юртимиз электр нури чароган этган мамлакатга айланди.

Нурафшон Ватанимизда азамат ГЭСлари тўташтирган ягона энергосистема вужудга келмоқда.

# Б

ўрибой Шерматов келаси йили қирқинчи баҳорни кўради. У ўрта мактабини тугатгач, институтга киришга ҳаракат қилмади. Тўп-тўри заводга келиб, пайвандчи Солиқон Қирғизовага шогирд тушди. Устасининг айтганларига бекуму кўст амаал қилди. Йиллар ўтиб, мана энди ўзи ҳам уста пайвандчи бўлиб танилди. Алжон Содиков, Абдуваҳод Акбаров каби ёшларга ҳунар ўргатди.

Бўш вақтларида мустақил мутолаа қилди. Об-лаstdаги «Коммунист» газетаси қошида очилган ишчи-деҳқон муҳбирлари университетини тамомлади. Серғайрат муҳбир бўлиб ётишди. Газетанинг 10 мингичи сончи чиқиси муносабати билан бир гуруҳ журналистлар, матбаачилар қаторида Бўрибой Шерматов ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий аълиги билан мукофотланди.

Бўрибой Андижон машинасозлик заводининг преслаш цехида мастер. Фаол жамоатчи. Икки

си. Виктор Масляков, Владимир Бахарев, Владимир Какуюв ҳам меҳнат фаолиятини шу заводда шогирдликдан бошлаганлар. Халқ ҳўжалиги институтини сиртдан тугатгач, заводда раҳбарлик лавозимларида ишлашмоқдалар.

Ҳозир Андижон машинасозлик техникумини ҳар йили 30—40 ишчи тамомламоқда. Техникум ташкил этилган—1959-60 ўқув йилидан буён уни 2.000 ишчи битириб чиқди. Бу йил заводнинг 130 дан ортққ ишчиси шу техникумининг сиртққ ва кенчи бўлиmlларида, 20 га яқин ишчи эса олий ўқув юр்தларида ўқимокда.

«Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги моддий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади, бинобарин, коммунизм қурилиши вазибалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади», дейилган КПСС программасида.

Ишчиларнинг маданий, техника савиясини ва билимини оширишда маданият университетлари муҳим аҳамият касб этади. 1959 йили Москва олимларининг ташаббусига қўшилган Ташкент олий ўқув юр்தларининг бир гуруҳ ўқитувчилари пойтахтнинг Куйбишев районида халқ универси-

Утган йили Андижон машинасозлик заводиди рационализатор ва иxtирочиларнинг тақлифлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 85.000 сўм тежалди. Солиқон Қирғизовнинг шогирди Қаримжон Мударрисов «ВР-В» маркали насоснинг қисиларини йиғиш учун мослама тайёрлади. Эндиликда биргина ишчи 180—200 тадан қисм тайёрлай олади. Ишчилардан Веннаим Солодухин, Қаримжон Турдиевининг рационализаторлик тақлифлари ҳам заводга катта иқтисодий фойда келтирди. Ҳозир заводда рационализатор ва иxtирочилар сон юздан ортққ кетди. Улар бу йил 90.000 сўм тежашга аҳд қилдилар.

Ҳозир завод йилга 13—14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Тўққизинчи беш йилликнинг охирига бориб эса 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бунда рационализатор ва иxtирочиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлиши шубҳасиздир. Бу катта ишларнинг ҳаммаси матонат, қатъият ва узоқ вақт мобайнида изланиш тусфайли қўлга киритилмоқда.

Коммунистик партияимз ишчи-деҳқонларнинг билим олиши, айнакиса, иқтисодий билимлар билан қуролланишга ғамхўрлик қилмоқда. Хар бир завод, фабрика, колхоз, совхоз, қурилиш, транспорт корхонаси умумий ва махсус билим ўқоғидир. Йил сайин ишчилар билимдон мутахассис-

## ДАВР ШУНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

марта шаҳар Советига депутат қилиб сайланди, уч йилдан бери завод касба союз комитети раисининг ўринбосари. Яқинда Бўрибой завод қошидаги техникумини тугатди. У мутахассис ишчи муҳбир сифатида область ва республика газеталарига мақолалар ёзиб турибди.

— Ҳозирги замон ишлаб чиқаришга мураккаб техниканинг жорий қилиниши ҳар бир ишчидан муттасил равишда ўз билимини, иш малакасини ошириб боришни талаб этади,— дейди завод директорининг ўринбосари Ориф ака Содиков.

Ҳақ гап. Андижон машинасозлик заводиди меҳнат фаолиятини шогирдликдан бошлаган, эндиликда ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишган ишчилар жуда кўп. Заводга шогирд сифатида ишга келган Қобилжон Мўминов тез орада юқори разрядли ишчи бўлди ҳамда Пахтачилик институтини сиртдан ўқиб тугатди. Исмоилжон Раҳимов, Акбарали Ҳайдаров ҳам шу институтни тугатиб, цех бошлиғи бўлдилар.

Оддий ишчи Михаил Егоров машинасозлик техникумининг кенчи бўлиминини тугатди. У кўп шогирд етиштирган, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. У цех партия ташкилотининг секретари, шаҳар партия комитети бюросининг аъзосидир. Слесарь Василий Тимохин ҳам ўрта махсус маълумотга эга, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзо-

тетларини ташкил этган эдилар. КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги замон широтида партия пропагандасининг вазибалари тўғрисидаги қарори чиққаннан кейин, яъни 1960 йилдан эса ҳамма ерда маданият университетлари иш бошлади.

Андижон машинасозлик заводидидаги медицина билимларини ўргатиш университетини 15 йил ичиди 2.000 дан ортққ киши битирди. Университетни тамомлаганлардан Қобилжон Мўминов, Абдукарим Абдуллаев, Мамасодиқ Солиев каби ишчилар заводда ва маҳалларда ўтказилаётган тозалик ойликларига бошчилик қилмоқдалар. Корхонада меҳнат эстетикаси жорий этилмоқда. Заводда «Меҳнат юқори унумли бўлишидан ташққ қиройли ҳам бўлиши керак!» деган шпор ҳукмирон. Корхона территорияси кўкназорлаштирилмоқда.

Билимдон ва малакали ишчилар янглик яратиш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технoлогик жараёнларини тақомиллаштириш, иқтисодий фойда ҳақида ўйланмоқдалар. Рационализаторлик ва иxtирочилик тақлифларининг кўплаб тушаётганлиги корхонани комплекс механизациялаштириш, автоматлаштиришга имкон яратмоқда. Андижон саноат корхоналарида бундай ишчиларнинг сафи тўбора ўсмоқда. Автоматлаштириш ва механизациялаштириш меҳнатни энгиллаштиради. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортади.

ларга айланмоқдалар. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленумида қайд этилганидек, 1969 йилда республикаимздаги ҳар 1.000 ишчининг 216 таси олий ва ўрта маълумотга эга бўлган бўлса, ҳозир бу рақам 326 га етди. Агар бундан беш йил муқаддам Андижон облаstdа ҳар 1.000 ишчидан 238 таси ўрта маълумотли бўлган бўлса, ҳозир бу рақам 371 га етди. Облаstd халқ ҳўжалигида 17.315 олий маълумотли, 19.130 ўрта махсус маълумотли ходим ишламоқда. Шундан саноат корхоналарининг ўзидида 683 олий ва 2.323 ўрта махсус маълумотли мутахассис меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимиз ишчилар синфи йил сайин сон ва савия жиҳатидан ўсиб аҳолининг кўпчилигини ташкил этмоқда, янада қудратли ишлаб чиқариш, ижтимоий-снсий кучга айланмоқда. Касба союзуларининг XV съезидида ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, ҳозирги совет ишчилар синфи революцияда: аввалги пролетариатдан, СССРда социализм ғалаба қозонган ўттизинчи йиллардаги ишчилар синфидан ҳам фарқ қилади. Ҳозирги илгор ишчи чуқур билимли, кенг маданий савияли, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўладиган кишидир.

М. ЖУРАБОВ

Ҳозир мамлакатимизда олтимишдан ортққ энергосистема бор. Район энергосистемалари ташкил этилгандан сўнг уларни бириштириш бошланди. Натижада, СССРнинг Марказий Европа қисмида ягона энергосистема майдонга келди. Урта Осиёда ҳам бир қанча энергосистемалар мавжуд. Яна янгилари қурилмоқда. Яқин йиллар ичиди улар ягона Урта Осиё энергосистемасига бириштирилади.

Невабтда СССРнинг Европа қисми, Урта Осиё, Ғарбий ва Шарқий Сибирь энергосистемаларини бириштириш ва Совет Иттифоқининг ягона энергосистемасини вужудга келтириш вазибаси турибди.

\* \* \*

Урта Осиё ва Жанубий Қозогистон энергосистемаларининг пайдо бўлишида Иттифоқимизнинг Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қарамоғиди Урта Осиё электр тармоқлари қурилиши — «Средаэлектросетстрой» трестининг роли беқийсдир.

Энди Урта Осиё ва Қозогистонда қурилган ҳамда қурилаётган электр узатиш тармоқларининг лойиҳалари билан қисқача танишиб чиқайлик.

«ТошГРЭС — Сирдарё ГРЭС» тармоғининг узунлиги 178 километр бўлиб, уни трестнинг Самарқандда жойлашган 48-механизациялашган колонна ва Тошкентдаги 71-механизациялашган колоннаси келгуси йилда битказиб, фойдаланишга топиришга қарор қилинган.

Шу йил ишга тушиши лозим бўлган 500 киловольт кучланилиш электр узатиш тармоғи «ТошГРЭС — Чимкент» бўлиб, узунлиги 111 километрдир. Тармоқнинг трестнинг Чимкентда жойлашган 49-механизациялашган колоннаси бунёд этмоқда. Бу тармоқ Жанубий Қозогистон районларидаги нефть, кимё саноати корхоналарини қўшимча электр қуввати билан таъминлаш имконини беради.

«ТошГРЭС — Сирдарё ГРЭС» тармоғи қурилиши бу билан тугамайди. У Сирдарё ГРЭСидан 500 киловольт кучланишга эга бўлган «Андижон» кичик станцияси томон давом эттирилади. Сўнгра шу беш йилликда фойдаланишга топирилиши лозим бўлган машҳур Тўхтағул ГЭСига бориб тушади. Мазкур тармоқларнинг ишга туширилиши Урта Осиёда биришган энергосистемани юзга келтиришга муҳим аҳамият касб этади.


Урта Осиё электр тармоқлари қурилиши трестининг бошқарувчиси, ўзбек энергетикасининг ташкилотчиларидан бири Садриддин ака Калоновнинг иш фаолияти билан танишган, кенг кўламдаги ишларни бошқаришда оқил раҳбар иродасига бўйсуниш гоят муҳим экан, деган фикрга яна бир қарра амин бўлди. Садриддин Калонов хонасига кириб-чиқаятган инженер-техник ходимларнинг кети узилмайди. Таъбир жоиз бўлса, бу хонани Урта Осиё электр тармоқлари қурилиши трестининг юраги, дейиш мумкин. Мазкур хонада Урта Осиёда ягона энергосистемани юзга келтириш бўйича қанчадан-қанча муаммолар ҳал этилмоқда.

Гоат муҳим, давлат аҳамиятга эга бўлган турли-туман масалалар юзасидан мулоҳаза юритиш, кўрсатма бериш ва қарор қабул қилишга тўғри келади. Кўпинча бирор иш юзасидан қарий қарорга келиш учун узоқ Қозогистон чўллари, Ўзбекистон пахтазорларини кезиш, Тожикистон дөвонларидан оғиш, ишчи бевосита объектларга бориш лозим бўлиб қолади. Энергетика қурилиши объектларидаги иш суръати, планининг белгиланган муддатда бажарилиши ана шу кўрсатма ва қарорларнинг қанчалик оқилона ва лухталлигига боғлиқдир.

Трест амалга оширадиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми уч ҳисса ортди. Трест томонидан Урта Осиё ва Жанубий Қозогистон ерларида қуриб, эксплуатацияга топирилан энергетика объектлари сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ҳозирги замон талабига тўла жавоб беради. «Ташкент — Урганч — Дундул», «Навоний — Бухоро», «Бухоро — Қарши», «Тошкент — Чимкент» «Охангарон — Наманган» сингари энергия тармоқлари фикримизга далил бўла олади.

Коммунистик партия белгилаб берган янги беш йиллик режаларига биноан Урта Осиё ва Жанубий Қозогистоннинг электрлаштириш бўйича келгусида қилинадиган ишлар беҳад катта. Яқин йилларда Урта Осиё тарихида биринчи марта 500 киловольт кучланилиш қудратли электр узатиш тармоқлари ва бир қанча йирки трансформаторлик кичик станциялар қуриш кўзда тутилади. Бу улкан ишларни амалга ошириш учун эса янгилик ахтариш, изланиш давом этмоқда.

Ҳўжмакбар ШАЙХОВ



СССР Соғлиқни сақлаш министри, академик Г. Н. Петровский шоғирди Шокир Алимовдан ҳамisha маслаҳатларини аямайди.

# ОЛИМНИНГ ОРЗУЛАРИ

## Замондошларимиз



Олим насалликка ҳужумнинг янги режаларини ўйламоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

### САДОҚАТ

Янги келган хатларни кўздан кечириётган Шокир ака конвертлардан бирини очди. Изириб, илтижога тўлиқ хат: «Хурматли Шокир Алимович! Сизнинг дарагингизни эшитгач, мен яна ҳаётдан умид қила бошладим. Врачларнинг айтишича, сил касалига йўлиқибман. Аҳволим жуда оғир. Ердамнингизни аямасиз деб ўйлайман. Кўчқордай ўғлим бор, ҳали ёшман, яшагим келади. Умид билан С. М.»  
Шифокор шу заҳотиёқ жавоб ёзишга кири-

шади: «Салом, ҳурматли С. М. Хатингизни олдим. Сира ташвишланманг. Саломатлигингизни яна жойига келтирамиз. Тез етиб келинг, сизга жой тайёрлаб қўйдик.»

Шокир ака навбатдаги хатни қўлига олади: табрикнома экан: «Қадрдон Шокир Алимович! Сизни байрам билан қутлайман, ҳамма истакларингизнинг амалга ошувига тилақдошман. Шу улғу айёмда сизни эсламасликка ҳаққим йўқ. Чунки менга шифохонангизда даволанувчиларнинг ҳар бирига меҳрибонлик қилганингиздек меҳрибонлик қилгансиз. Эҳтиром билан У. Л.»

Хатни стол устига қўяркан Шокир ака жилмади. Ахир, у бундай мактублардан қанча-қанчасини олмади. Улар мазмунини жиҳатидан икки турли: ё кимдир соғайиб кетгани учун шифокорларга миннатдорчилик билдиради, ё касалдан фориғ этишларини илтимос қилади. Бундай хатларга Шокир ака дарҳол жавоб ёзади, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Бу унинг ҳам шифокорлик, ҳам инсоний бурчи. Мана қирқ йилдирки, у ўз бурчига содиқ.

### ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Урининг қирқ йилини тиббиёт равнақиға бағишлаган Шокир Алимовнинг таржимаи ҳоли кўпчиликидан фарқ қилмайди. 1912 йили Тошкентда боғбон оиласида туғилди. 16 ёшда Бек-обод районида муаллимлик қила бошлади. 1935 йили Самарқанд медицина институтини имтиёзли диплом билан тамомлади. Устози, йирик олим Ваҳид Павлович Серебреников маслаҳатига кўра сил касаллигини муқаммал ўрганашга киришди. Ўзбекистондаги сил касаллигини тадқиқ этувчи ва даволувчи муассасаларда ординаторликдан бош врачликкача бўлган лавозимларни босиб ўтди. Силни даволаш бўйича тўплаган тажрибалари асосида кандидатлик диссертациясини ёқлади.

1943—1946 йилларда Шокир Алимов Тошкентдаги сил касалига қарши илмий-текшириш институтининг ассистенти, кейин катта илмий ходим вазифаларида ишлаб, 1951 йилдан буён шу институтга директорлик қилмоқда.

Наманган областидаги «Пахтали кўл» номини олган Иттифоқимиздаги дастлабки меҳнат воситасида даволаш шифохонаси ҳам Шокир Алимовичнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Санаторийда олиб борилаётган ишлар ҳаммага — даволанувчиларга, саёҳатчиларга, чет эллик меҳмонларга бениҳоя манзур бўлмоқда.

Бир юз элликдан ортиқ илмий асар ёзган медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Шокир Алимовнинг халқ саломатлиги йўлидаги жонбозликларини партиа ва ҳукуратимиз муносиб тақдирлади. Атоқли олим Ленин ордени ва «Хурмат белгиси» ордени ҳамда бир қанча медаллар билан мукофотланган.

Шокир Алимов 56 фан доктори ва фан кандидатининг ишига раҳбарлик қилган. Шу беш йиллик давомда олимнинг шоғирларидан яна 10 киши фан доктори ва 27 киши фан кандидати унвонини олиш учун диссертация ёқлайдилар.

Шифокор олтиш баҳорни кўрди, аммо ҳалигача ўз ишини навақиронларга хос жўшқинлик, иштиёққа тўлиб амалга оширмоқда.

### ФИКРЛАР ТУТАШГАНДА

Режалар!.. Шокир ака дастлабки режалари амалга оша бошлаган пайтларни жуда яхши эслайди.

1957 йил эди. Ушанда фахрланиш лозим бўлса-да, Наҳотки унинг иши халқаро аҳамиятга эга бўлса! Наҳотки, бутун жаҳондан йиғилиб келадиган йирик олим ва тадқиқотчилар қаторида ўтирса, уларга қарата маъруза ўқиса! Ахир, у сил касаллигини янги усуллар воситасида даволаш йўллари жорий этишга ҳаракат қилаётгани билан, медицинада катта бурилиш ясагани йўқ-ку!

Жаҳондаги 74 мамлакатнинг сил касаллиги бўйича шифокорлари кашфийтларини, тадқиқотларини ўртага ташлайди, тажриба алмашади. Бу — жуда яхши! Аммо унинг «Ўзбекистонда силга қарши қўрилаётган тадбирлар ва медицина фанининг бу борадаги ютуқлари» тўғрисида қиладиган доклады муваффақиятли қаримкан! Яхшилаб тайёрланаверсин-чи, бу ёғи Ҳиндистонда маълум бўлади...

1957 йили Деҳлида бўлиб ўтган Фтизиатрларнинг IV халқаро илмий анжуманида Шокир Алимов «БЦЖ» препарати ҳақида, шу дорини билан чақалоқларни эмлаш ва улар 7, 10, 17 ёшга етганда қайта эмлаш болалар ўртасида сил касаллигини деярли тугатиши мумкинлиги ҳақида гапириб берди.

Шокир Алимовнинг маърузаси тингловчиларни ҳаяжонга солди, улар нотикни қизгин табриқлаб, изланишларини тинмай давом эттиришни маслаҳат бердилар. Чунки бошқа мамлакатларда бу борадаги ишлар ҳали жуда орқада эди. Конференцияда сўзга чиққанларнинг келтирган рақамларидан маълум бўлишича, Нигерияда сил билан касалланганларнинг 20 проценти батамом шифо топган. Қолганлари шаҳарлардан узоқда истиқомат қилишлари, шифохоналарда ўрин етишмаслиги туфайли даволаниш имкониятидан маҳрум. Малида эса соғлиқни сақлаш бюджетининг 8 процентигина мазкур соҳага сарфланади.

Шокир Алимович биз билан суҳбатда шуларни эслар экан, қиёслаш учун қуйидаги рақамларни келтирди:

— Ҳозир республикаимизда 100 дан ортиқ диспансер, 20.000 уринли касалхона ва шифохона бор. Уларда 1.200 дан кўп фтизиатр врач ишлайди. Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатилган ғамхўрлиги ишларимизни тагин ҳам юксалтиришга хизмат қилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг шу йил 1 сентябрдан эътиборан врачларнинг иш ҳақини ошириш ҳақидаги қарори шундай ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Деҳли конференциясидан кейин қайси мамлакатда илмий анжуман ёки конгресс чакирилса, Шокир Алимовни ҳам таклиф этишади. Олим бу анжуманларнинг ҳар бирига сил касаллигини даволаш бўйича қўлга киритилган бирор янгилик билан боради. Шокир Алимов 1959 йили — Истамбул, 1961 йили — Варшава, 1963 йили — Рим, 1964 йили — Қоҳира, 1965 йили — Мюнхен, 1967 йили — Амстердам, 1969 йили — Нью-Йорк анжуманларида иштирок этиб, жаҳон олимларининг диққатини тортадиган илмий маърузалар ўқиди. Бошқа мамлакатларда олиб борилаётган ишларни ўрганиб қайтди.

Илмий анжуманлар илгор фикрларни туташтиради. Дарҳақиқат, икки хил зарядли электр симллари туташганда чарақлаб чироқ ёнгани каби, турли мамлакат олимларининг фикрлари туташганда саломатлик чироғи янада ёрқинроқ порлайди.

### МЕҲНАТ — ШИФОКОР

Ҳамма нарсаининг ибтидоси — меҳнат. Инсон меҳнати шарафласа, меҳнат инсонни шарафлайди. Меҳнат қилмаган одам бевақт қувватдан қолади, эрта қарийди. Лекин инсон баъзан шундай оғир дардга йўлқиб қоладики, унинг меҳнат билан шугулланиши мутлақо мумкин эмас. Илгарилари сил касаллигини ҳам шу ҳисобга кириштирарди. Шокир Алимов буни рад этди. Рад этдигина эмас, балки сил касаллигини меҳнат воситасида даволаш мумкинлигини исботлаб, бу усулни жорий қилди.

Ҳамма иш жисмоний машқлар билан шугулланишнинг фойдасини текширишдан бошланди. Жисмоний машқлар беморларнинг ўпка, юрак ва бошқа аъзолари фаолиятини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум.

Беморлар саломатлигига қараб радиотехника, дурадгорлик, тикувчилик, бухгалтерия ҳисоби ишлари билан шугулланса бўлмасмикан? Бу — беморнинг соғайишига яхши таъсир этиш билан бирга, унинг асабини мустаҳкамлайди, руҳий, маънавий жиҳатдан унга далола бўлади. Қолаверса, бемор янги бир касб эгаллайди.

Тажрибалар, тадқиқотлар, изланиш ва муваффақиятлар бир-бирига уланиб кетди. Меҳнат билан даволаш усулининг истиқболли порлоқ эди. СССР халқ артисти, атоқли кинорежиссёр Малик Қаюмов яратган қисқа метражли фильмда шу усулда даволашнинг афзалликлари акс эттирилган.

Бу усулни кенг жорий этиш лозим деб топилди. Тез орада «Пахтали кўл» санаторияси ташкил этилди. Бу ерда радиотехника, дурадгорлик, тикувчилик, бухгалтерия ишларидан ташқари, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, беморларга баддорчилик ишларини ўргатиш йўлга қўйилди.

Фтизиатрларнинг Варшавада ўтган халқорой илмий анжуманида Шокир Алимовнинг ўзи асос солган меҳнат билан даволаш усули ҳақидаги ахбороти зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

### АРМОН

Фараз қилинг: колхоз марказида, ям-яшил дархатлар соя ташлаб турган баҳаво жойда шнамгина оппоқ бино қад кўтарган. Дала ишларини тутатиб чиққан, деҳқонлар шу бинога келишади. Улар ичида қачонлардир оғир дард кечирганлар, дармонсиз ва камсон кишилар, заҳарли кимёвий дорилар билан ишловчилар бор. Ташриф буюрувчилар бу ерда даволашдан ташқари, яхши ҳордиқ чиқаришлари ҳам мумкин. Улар эрта тонгда яна далага йўл олиб, янги қувват ва янги ғайрат билан ишга тушиб кетадилар.

Бундай муассасалар ишчилар учун Тошкент Тўқимачилик комбинати ва «Қизил тонг» фабрикасида ташкил қилинган.

Қани энди тунги профилакторийлар ҳар бир колхоз, совхоз, корхонада бўлса... Бу ҳозирча профессор Шокир Алимовнинг армони.

Шифокор орзу қилса, халқ саломатлигини ўйлайди, ер юзюда инсонга таҳдид қиладиган ҳеч бир дард қолмаслигини истайди. Бу орзунинг ҳам амалга ошишига олимнинг ишончи қомил.

**Т. МУРОДОВ,  
О. АХРОРОВ**

# УЗОҚДАГИ ҚАБРЛАР

Анвар ЭШОНОВ

Ҳикоя

Улма кўм-кўк, боғлар меҳнатнаш,  
Ерин чирмаб ётар томилар.  
Шу боғларнинг илдизига туташ  
Европада қолган қабрлар...

Асқад МУХТОБ

Ая қўшиқ мағзини қақиб, секингина хўрсинади. Негаки, улар узатилган кезларда, келинлардек дардли қўшиқ айтиларди:

Гул гулчаллигинда хор иландир.  
Очилса бир ўзга ер иландир.  
Аслинда тикан чевар азобин,  
Фаслинда ҳасим олар гулобин.

Қўқон аравада чайқалиб, мусичадай бўлиб келатган қизчини юпатишарди:

Йиғлама, қиз, йиғлама, тўй сенники, ёр-ёр.  
Остонаси тиллодан уй сенники, ёр-ёр.

Остонаси тиллолиги қаёқда, ўтирсанг зах сўриб, турсанг бошинг тегадиган, тоқчасига кўршапалак ин қўйган уйга келин тушарди. Ун гулидан бир гули очилмаган келинчақнинг юраги аввалига бегона кимсанинг домидаги кабутардай типирчилаб қоларди. Бора-бора бу юрак, устига дока рўмол ташланмаган хурмачадаги қаттиқдай, зардобга тўларди.

Саодат аянинг кечагидек эсида. Хотин-халаж уни чарларга олиб келганда онаси билан йиғлаб кўришди.

— Кувё тўра ёқдимиз!  
— Боринг-э! — Қиз узун енги билан юзини беркитди.

— Мендан дардингни яширма, қизим.  
— Камбағалгина демасангиз, ёмонмаслар.

— Шукур қил, қизим. Бобир шохинг ўғиллари Хумоюн Ақиқа бегимга кунгил қўйиб, ўзларига ожималикка сўраганларда, қиз: «Мен қўл узатмас қўлим этагига етмайдиган шохга эмас, аксинча, қўлим бўйинга тушадиган камбағалга тегаман», деган экан.

— Қўйинг-э.

Фашизмнинг жирканч қўлини кесиб, нопок илигини синдириш учун азиз жонларини тиккан шахидларнинг рўйхати тузилсаки, каттақон қарвонга юк бўларди. Қабрлари Европанинг сонсиз жангоҳларида йўқолиб, кишиларнинг юрагига қўмилган миллионлаб жангчиларимиздан қанчаси юртдошим экан!.. Улар-ку шахидлар. Оналар-чи! Оналар!

Оналар умр бўйи бир дард билан яшайдилар. Оёғига тикан кирса вужуди, дилгиниси ачишиб ўстирган фарзандининг ўн гули ҳам очилганини кўрса, неча йиллаб йиққан бисотини бир кун — келинтушар куну бўшатса.

Қирқ маҳаллани тўйга чорлаб, хонандою созандани саралаб айтиб, қарнайчининг полвонини топиб, ўғил туғилганда сандиғига солган атласни совчилардан келинига бериб юборган куну шум хабар — қирғин уруш хабари келганда-чи? Насибанг етакласин ўғлим, деб тишлатган нони тоқчада тошдай қотиб қолганда-чи? Йўлинг оқ бўлсин, деб дарахта илган оқлигини неча йиллар ёмғир савалаб, қор босиб тўзиганда-чи? Ирим қилиб айвонга осиб қўйган исиригини қора совуқлар ериб, уруғини шамол теңтиратганда-чи? Почталовн қўзларига хизрдай кўриниб, «Онажон, соғман, сиз-чи?» деган бир энлик хатб «Углингни қаҳрамонларча...» деб бошланган ноҳуш хабар олганда-чи? Онанинг кўз олди зимистон бўлиб, дил-дилини изтироб кемириб, замину осмон чархнинг паррагидек айланганда-чи? Бу дардларни-ку фил ҳам кўтаролмайди, лекин оналар чидайди. Она-да, она!..

\* \* \*

Фаргонанинг жаннат боғларида ҳам анор қиров боғлади. Сўнги пахта қарвонлари хирмонларга йўл олганда, бўйи етган қизларгина вужудини жимирлатиб, йигитларни ширингина энтиктириб, Зилҳада тўйлар бошланади. Сурнай овози элтиб, қарнай садоси олис-олисларга етганда одамлар ёғилиб кетади.

Бугун ҳам Олтиариқнинг оддийгина қишлоғи Зилҳада тўй.

Йўл-йўлакай арқон солган йигитларга рўмолча бериб, қиз узатиб келган янгалар остонада хийла маҳтал бўлиб қолишди. Саодат аяни кутишяпти. Елгаларига янги ёққан қордай оппоқ рўмолини ташлаган Саодат ая келини билан кувёга яхши тилақлар тилаб, икки қўлини юзига тортгандагина тўймисан тўй бошланди. Кейин ая пешайвонининг устинига суяниб, қўлини иягига тираб, чорпоёда чордона қуриб, ўз овозидан завқланиб салгина тебранётган ҳофизининг қўшиғига қўлоқ солди.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин,  
Икки жаҳон деманг, жон бўлмасин...



— Йўқ, бу гапнинг мағзини чақ. Қари чолнинг тўқол хотини бўлиб, каттагина ўсма сиқиб беришдан худо асрасин. Қувъ тўрадан нолима. Оти бор, сиғири бор. Ҳеч вақоси йўқ гирт камбағал эмас-ку? Эрин эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин...

Саодат ая бир неча йил эри билан қўш қабулгардек тотув яшайди. Чугурчқудай болалар кўрди. Аммо ногаҳоний бошланган уруш бахтининг бир қанотини жуда-жуда эрта синдирди.

Олтиариқинг бодринглари узуладиган кезлар да одамлар ҳаллослаб келган почталёонни ураб олишди:

- Оламда нима гап!
- Почталёон ўзини тўғулмай йиғлаб юборди.
- Уруш бошландими!
- Ҳа.

Аёлларнинг қўли қалтириб уралочки бўлган рўмоллари сирлашиб елкаларига, кейин ерга тушди. Беланчадаги болаларига папагаб ёпишдилар. Қўлмаклар бетидаги Қамишларнинг ширлаши, қурбақаларнинг бозори қўлоқларга хуғуқ эшитиларди. Гармсел келиб, нафаслари бугълаётганга ўхшарди... Аянинг ҳоли нима кечаркин! Унинг ҳам киши ўғли аскар ўшида. Одамлар кун қандай ўтганини билишмасди. Ая тун бўйи ариқда ётгандай бўлди. Чақирув қоғози олган катта ўғли Азиз билан келинининг гўнғир-гўнғир овозини эшитди:

- Уйланмасам бўларкан. Ҳали чилламиз чиқмаганди-я. Ҳолинг нима кечди!
- Укинманг. Қўлмида куч бор, кетмон билан бир амалда чуқумдек қорнини тўйғизарман.
- Онам-чи! Онам!
- Мен бор-ку. Бир қадам ҳам нари силжмайман.
- Энди...
- Нима энди,— келининг эрқаланганлиги билиниб турарди.
- Уғил бўлса— Зафар қўй, қиз бўлса— Музаффар...

Кимдир кўчадан дардли қўйлаб ўтарди.

Иўлларингда қўлим қолди,  
Айтолмаган сўзим қолди...

Иигитлар бирин-кетини фронга жўнардилар. Кичик ўғли Ориф ҳам кетди.

Зидданинг ўзидан-ку қанча киши қайтмади. Айниқса, ҳамсоялари қора хат олганда Саодат аянинг юраги сиқилган аянинг пўноғидек бўлиб қолди.

Азиз билан Орифининг ҳоли нима кечди экан! Орифининг сўнгги хати ўшида: «Ҳар қалай ишлар зўр. Фақат ўзим экин тоғларимни, эриқ пабидири чимларимни, пахтамини, жилдираб оқиб қизларнинг сонидай тараладиган сувларимни, сокинликда тарс этиб банд бериши эшитиладиган, қовжирган паллақлар остидаги қовулларимни, ҳамма-ҳаммасини, ҳаттоки, чўлимдаги дои тишлаб юрган қумолидан тортиб, инидан ҳуриб чиқадиган юмронқозиқча соғиндим... Мени сизлар гўлос пишганда, ҳандалак узилганда, тоғлар қори эриб, ер бағирлаб қўшиқ айтиб келганда кунтилар... Салом билан, ўлингиз Ориф».

Бу кунни оналар, миллиқдан кичиккина болалар, бўйсира қизлар, бир қўлида боласини, бир қўлида қанорини қўлтиқлаган, тик қомаги оғир юқдан буқилган, ҳусини пахтага қўчириб, момиқ қўллари тимдаланиб кўсақ қувиган келинлар билан кутди. Узоқ кутди. Она ҳар кун ошхонанинг деворига битта чизиб қўяди. Ҳар кун илға битта мағиз ўтказарди. Илға бир минг тўрт юз ўн саккизта мағиз терилди.

Уруш ҳам тугади, дарақ йўқ. Кейин ҳисобдан ҳам адашиб кетди.

Тўйхонада қийқириқлар онанинг ҳавлини қочирди. Кудалар орасида Сумбулага кўзи тушди. Иккаласи бир-бирига тўбасум қилди.

- Сумбула ҳам келти,— деди андагиде аёлга.
- Қиз узатиб келдилар. Келин—кемжа! қизларга да.

Саодат аянинг кўзи тиниб, юрагининг бир таласи ирт этиб узилгандай бўлди.

— Ҳа-а!..

Умр сувдек ўтиб кетаркан. Сумбула Саодат аяни кўрганда уялиқариб бошини кўтармади. Мана энди у уяли-жували бўлибди.

Сумбула Саодат аянинг эти жиғирлаб кетди. Орифини Сумбулани еру кўкка ишонмасди.

Уруш Орифини онанинг бағридан юлиб олмагандими!

Юраги гулпалаб уриб кетган ая хотинларнинг орасидан сирғалиб чиқди.

\* \* \*

Куз оёйла-оёқдай деган кезларда олис Украинадан Саодат аяга эсинигина телеграмма келди: «Ўзлингиз Ориф Гаффаровнинг ҳайкали очилишга тақдир этмазис. Киев область, Макаров район, Лисица кишлоқ советининг райиси...» Ая бу

хабарни эшитишга томоғига нўхотдай нарса тикилганга қараб бўлиб қолди. Кўз олди тиниб, бир неча сониядан сўнг, «Вой дод, ким бор!» деб бошини устунга уриб қичқириб юборди. Невара келин сарпоянчон юғуриб чиқди:

- Нима бўлди, бувижон!
- Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, болажоним! Ҳайқали бошимга урамани! Одамларнинг боласидай олдимда юрсанг, нима қиларди!.. Дод!

Келин сув келтириб, Саодат аянинг юзига сепди. Озгина ичирди. Ая бир оздан сўнг кўзини очиб мўлтиллаб турди-да, невара келиндан сўради:

- Тўн борми!
- Бор, бор,— деди жон ҳолатда келин.
- Дўппи, чорси-чи!
- Топилади.

— Почталёон болага кийдири. Қўлига ўн сўм суюнчи ҳам бер.

Келин аярофга қаради. Нима гапнига тушунмаган почталёон телеграмма олинганлиги ҳақида қўл қўйди-да, деб кўзлари қақчайганча каллакланган тутининг соясида анграйиб турарди.

Келин бола ичкарига кириб, тахлоглиқ сарпони олиб чиқди.

— Бувижон, уяламан. Узингиз бера қолинг...

Саодат ая белини ушлаб иккиллаб турди-да, сарполарни кўярда-қўймай почталёонга ўзи тутқазди.

— Қўлимни қайтарма. Мен бу хабарни ўттиз йил кутдим, ўғлим! Кўзларинда ёш қалқиди.— Уттиз йил. Хайрият, ҳайқал ўрнатишибди. Отаси-ку бир оғиз сўз илчижида кута-кута оламдан ўтди. Ҳайқал-а!

Ҳайқал... Бу сўзни эшитиб, келинчакнинг бадини жимирлаб кетди. Бечора волидаининг аҳолига тушунди. Кампир аза очиб очоладиган, қора кишиб қийоламан; кутиб қотолмаган, унутиб унутолмаган! Мана ўғлига ҳайқал ўрнатилибди. Олис юрдага ҳайқал ўрнатилибди. Ҳазил гапми!

Келинчак обдасталарга сув тўлдириб, қозикдаги соқилқарни ангилади. Ҳадемай ҳовлига одам гўлиб кетади. Қишлоқда бу хабарни эшитмаган одам қолмади.

Уша кун Сумбула ҳам туни билан ухлаёлмади. Кўзларини юмган сари Ориф рўй-рост кўринар эди:

Дареларнинг нариги боши,  
Вериги боши, ёр-ёр,  
Сувда битган қамишқаман  
Қизининг қоши, ёр-ёр,  
Қошларининг орасига  
Олса мени, ёр-ёр,  
Ошиқликнинг бозорига  
Солса мени, ёр-ёр.

Ориф қўшиқни дил-дилидан айтарди. Эшитгани сел қиларди. Бу қўшиқни неча бор эшитиб, қиз ҳам қўлидаги ўсмасини қошига қўйлаб, қотиб қоларди.

Ориф аскарликка қақирилган кунни улар даладан хомуш қайтишди.

— Тўхтанг. Сизни ҳам олиб кетишадими!— деб сўрди Сумбула.

— Бошқалардан нимам кам?

Қиз индамай қолди. Қўллари титраб, юраги гүпипиллар эди.

— Мен сизни...— қиз сўзининг у ёғини айтолмади.

— Мен ҳам...— йигит кўзлари ёниб, ялт этиб қаради.

Қиз йигитни чалғитди:

— Қадимда аллақайи шох бир темирчига: «Тонга қадар мингга миқ тайёрлаб келмасанг, дорга осиласан», деган экан. Болта тушгунча кунда дам олар, деганлариди, темирчи: «Барибир қиллолмаган, ўлсам ҳам ухлаб ўлай», деб уйига бориб ётаверибди. Тонг билан келган чопар миқчидан туртагина миқ сўрабди. Темирчи бир донча ҳам миқ ясамаган экан. «Нимага керак эди?» десе: «Шоҳим қазо қилдилар, тобуларнинг қопқоғини қоншига турта миқ топилаётгани дебди чопар. Алқисса, то сиз повоздан тушиб миллигингизни танлагунча, Гитлер тобутига турта миқ топилаётганми».

— Сумбула, бу қатта уруш бўлади. Ҳали дунё бунқасини кўрганамс. Ахир Гитлер ўн беш мамлакатнинг илгини сўриб эзлугу қишқини гама-лаб қўйган, ўлгини ташлаб урушадми.

- Барибир еганмиз.
- Албатта. Уни бизга қўй. Мени кутасанми?
- Йўлчибиндек сарғайиб кутаман. Бемор тонгни кутгандек кутаман. Кўзларининг нуруни йўлларингизга поёндоз қилиб кутаман. Сиз юрган кўчаларни сочим билан супуриб кутаман. Чанги чиқса кўздаги шим билан сув сепиб кутаман.

— Дунёнинг гўрдиши мундо: айланишини ҳавлимга ҳам келтирмаган эдим. Ҳали қалам ушлаб

қотмаган, кетмон қақартирмаган қўлларимга миллиқ оламам. Кунни кеча олам кўзга гўзал қурнайдиган ёшга— ўн саккизга тўлган эдим. Орзуларим мўл эди. Бургутнинг боласи қўйқиларнинг қир учидан мўлжалига учаетганида қанотига ўқ теккандай бўлди. Кўпга келган тўй экан.

- Уқининг кўзи йўқ-да.
- Уқ номардини қўвлайди. Хавотир олма. Номардини қилмайман. Номард қилқурпақдан ўтаётганда айнайди. Ёшгина умримга, сенга, муқаббатимга ачинаман, холос.
- Ноумид шайтон.

Ҳали балоғатга етиб-етмаган қиз билан йигитнинг расида овози, қовжирган паллақлар остидаги лабини лабга улайдиган ҳандалаклар, олди анжирлар иси, соқилликда қирғоқни шаллоплай ялаши эшитиладиган тўлқинлар ёси қўшилди, узқ-юлқ эшитиларди.

Олтиариқ разведка қузатувчилар билан лиқ гўла. Одамлар аскарликка қақирилганларга термулиб қарашади. Игна ташласанг, ерга тушмайди.

Отасининг ятағига ўрналиб олган мешқобчи болалар қичқиради:

- Яхоб! Яхоб, дардингизни олади.
- Суваганларнинг кети узилмайди.
- Сув энди ернинг илғида, иним. Пиёлеси нечпу!
- Текин..
- Текинга мушук офтобга чиқармиди!

— Шу боланинг отаси ҳам турт мўчаси соғ қайтсн, деб дуо қилинг. Ун бир жонмиз, амакижон.

— Иншоолло. Ҳар банди мўмин қатори но-мардага зор, душманга хор қилмасин, болом. Қасд қилганлар паст бўлсин.

— Омин.

Бир чол одамлар оқимини ёриб, исириқ тутатади. Бодринг пўноғини дўппи қилиб олган киши ўғлига утирарди:

— Аскарнинг ўртасида юр, олдига ҳам чолма, орқада ҳам чолма. Қозикнинг бошига болга тегади, теги тупроқда бўлади, Уртасини арқон билан боғлаб қўйишади.

Уғли кулади.

— Қизиксиз-а, дада.

— Маҳмадоналик қилма.

Повоз яқинлашганда ҳамманинг юраги бир орқича кетди. Қўқон аравининг гилдирақларига боғланган отлар қишар, усти очик иккита юк машинаси туташтирилган омонатгина саҳнада ҳофиз қилқопчи қиллатиб ушлаганча қонши қилар эди:

Дунёда ишсон эмасман, ёниг анқон этмасам,  
Энди Гитлер, деб бутун дунёга эйлон этмасам!

Бўрон олдидан бўладиган бир неча сонияли сукунат чўкди. Иигитлар сафга тизилганида оналар, келинлар, уналар гул баргига қўнган тонгни шабнамдек ёш билан мултираб қолишди.

— По вагонам!— дейилганда йиги, дада эшитилди. Ҳассасига суяниб қолган оналарнинг юзига болалар сув пурқарди.

Орифжон аясининг бағридан чиқиб, қизнинг елкаларига бошини қўйди. Ситилиб кетай деб турган оқ қўйлагига икки дара ёш томди. Бу қизнинг бутун вужудини уртаб, елкасини қўйди-гандек бўлди.

— Ҳайр.

— Ой бориб, омон келинг.— Қизнинг кўзларига ёш қалқиди. Қўллари қалтираб: «Мен-ку, ваъ-дамда турғум сочда соқибом билан, бевафолик қилма сен белда белбоғин билан!» деган байт қизил илаб билан битилган шохи рўмолчадан қўйиндан олиб йигитга узатганда Ориф унга бир сўқулиб қарадию, сўз айтолмади. Рўмолчадан жийда иси келаетганга ўхшарди.

Қиз уйига юрагининг бир парчаси узлиб қайтди.

Она останада қизини қўриб қўзғолди.

— Кетди...

Сумбуланинг бўшаган овози онага дардли эшитилди.

— Уксима, қизим, насибаси етаклаб келсин. Қирик йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Боши тошдан бўлсин. Қўйлагини қайиб ол.

— Юволмайман.

— Нега?

— Қўйлагининг елкаларига Орифжоннинг кўз ёши бор.

Онанинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Қизнинг томоғидан сув ҳам ўтмасди.

Орадан ўттиз йил ўтганда келган бу хабар Сумбулахоқининг ҳам ёшлигини қўматиб, кул жийда қолган севгисини ноғохон эслатди. У тонг билан Саодат аянинг уйига отланди...

Қўп ўтмай Сумбула ҳамқишлоқлари билан Саодат аяни Украинага қўзғатиб қўйди.

Лисицада Саодат аяни тантаналар билан қўти олишганидан кейин уни Олеса хола деган хотин уйига олиб кетди.

— Қани, марҳамат!— деди Олеса хола.  
— Раҳмат, айланай... Сўраб-сўраб Маккани топишган экан.

— Бизда Киевни дейишади,— деди кулиб мезбон. Булбул тилин булбул билар, дегандек икки аёл бир-бирини узоқ йиллар кўрмаган опасингилдай бўлиб қолишди. Дардлашишди.

— Менинг ҳам учта фарзандим урушда ҳалок бўлди,— деди хўсиниб қўйиб Олеса хола, Саодат аяга таскин бераётгандек.— Каттаси Микола Сталинградда ҳалок бўлди. Павлонинг қабри Италияда. Петрогинам Порт-Артурда ётибди...— Олеса хола бош чайқаб қўйди.— Қани энди, бориб зиёрат этиш насиб этсал..

— Сизнинг дардингиз меникидан ҳам оғир экан,— деди Саодат ая, кўзини рўмолининг учи билан артиб.

— Қолганлари ҳам инини тарк этган қушдай ҳар томонга учиб кетишди. Қизим Оксана сизлар томонда, Фарғонада, тоғаси босмачиларга қарши жанг қилган ерларда ишлаб юрибди.

— Вой, шунақа денг! Акангиз бормилар!— ботинмай сўради Саодат ая.

— Босмачилар Шохимардонда ёндириб юборган... Бир бормоқчиман.

— Боринг айланай, боринг!— деди илжиж билан Саодат ая.

У Олеса холадан Орифи ҳақидаги гапларни қайта-қайта суриштиради. Мезбон ҳам зерикмай такрорлайди.

Жангчи Ориф Гаффоров Лисица қишлоғини озод қилишда жонбозлик кўрсатибди. Қишлоққа биринчи етиб кирганлардан экан. Қонга бўялган комсомол билети мактаб музейида сақланаркан. Изтопар пионерлар адресини қидириб топишди.

— Энди дамнингизни олинг,— деди Олеса хола,— эрталаб мозорни зиёрат қилгани борамиз.

Тонг отиб олам мунаваар бўлганда, ҳайкалнинг очилиш маросими бўлди. Ориф Гаффоровнинг шаънига илиқ гаплар айtilди. Онасига таъзим қилишди. Она сўзломлади. Ҳайкалнинг пойига кўз ёши томди холос.

Қайтар чоғи она ўғлининг хоки-пойидан бир ҳовуч олиб, даструмолига тугди.

Фарзандининг хокини қўллари қалт-қалт титраб ушлаган оналарни на моҳир рассом чиза олади, унинг юрак тепишини на хассос бастакор куйга сола олади, ўша тобдаги ҳолатини на оташин шоир тасвир қила олади. Йўқ, буни фақат оналар, она бўлганда ҳам ўтмишнинг ҳар ўтини кўрганда пўлатдай тобланган жафокаш, меҳнаткаш, мушфиқ оналаргина ҳис қила олади.



А. ВЕНЕДИКОВ ЧИГАН



оризм томонидан забт этилган хонликлар территориясида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган, маҳаллий халқ икки ёқлама зулмага дучор бўлди. Бир ёқда — Туркистон ўлкасининг яқка ҳокими — генерал-губернатор, вилоят ва музофотларда давр сурган ҳарбий губернаторлар, бебошлик билан иш юритган уезд ҳокимлари — тўралар, қамчисидан қон томган участка приставлари, умуман дворян ҳарбийларидан иборат рус маъмурияти, иккинчи ёқда — чор ҳукуматининг ноғорасига ўйнаган мингбошилар, қишлоқ оқсоқоллари, эллиқбошилар, ўнбошилар, қозилар, бой ва судхўрлар халқ бошига битган бало бўлди.

Ҳатто Туркистон ўлкасини тафтиш қилган подшо амалдорлари, сенатор гофмейстер граф К. Пален ҳам ўз ҳисоботида халқнинг оғир аҳволини очик тан олади. У мустамлакачи рус маъмуриятининг идора усулини феодал хонликларнинг истибдогга асосланган идора усулига ўхшатади, уезд бошлиқлари, устқа приставларини бекларга қиёс этади: «Чоризмининг ўзбеклар, туркманлар, тожиқлар, қирғизлар ва рус бўлмаган бошқа халқларга нисбатан тутган сиёсати ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг маданиятига шикаст етказиш, тилларига эрк бермаслик, жаҳолатда тутиш ва ниҳоят, мумкин қадар руслаштиришдан иборат эди. Бу халқларнинг ҳозирги маданиятисизлиги ва сиёсий қолоқлиги ана шундай сиёсатнинг натижасидир».

Туркистон генерал-губернатори С. Духовский 1899 йили подшо Николай II га ёзган маърузномасида халққа муносабатини қуйидагича таърифлайди: «...Рус маъмуриятининг маҳаллий халқ устидан доимий назоратини мустаҳкамлаш зарур, чунки илк замонлардан буён ўз ҳокимларининг гоят қаттиқ истибдогига қўнқинган маҳаллий халққа нисбатан инсонпарварлик ва инсоний қондорларни кенг миқёсда қўллаб бўлмайди». Бошқа генерал-губернатор И. Гродеков эса 1907 йилнинг 16 мартдаги буйруғида самарқандлик «исёнкор» деҳқонларни «буткул маданиятсиз ва ярим ёввойий» деб таърифлаган эди.

Халқни зулмат, жаҳолатда сақлаб келган чор амалдорлари меҳнаткаш оммани маърифатдан бебаҳра қилиб, ўз ҳукмиронликларини мустаҳкамлашга интилар эдилар. Аммо объектив тараққиёт қонунилари ҳамда рус халқи маданиятининг таъсири натижасида халқнинг маърифатга интилиши кучайди. 1876 йили Тошкентда ўрта ўқув юртлири барпо қилинди. Уша йили эрлар ва қизлар гимназияси очилди. Рус-тузем мактабларининг юзага

# МАЪРИФАТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

келиши ҳам бу соҳада маълум аҳамият касб этди. 1886 йили бутун ўлкада 14 та рус-тузем мактаби очилган эди. 1901 йили эса Тошкентда 23 та бошланғич ўқув юрти ташкил топди. Бироқ бундай мактаблар ҳам маҳаллий халқнинг саводини чиқаришга мўлжалланган эмас эди. Бу мактабларда хусусий савдо-саноат корхоналари ва кўйи маъмурият идораларига гўмашталар тайёрлаб бериш кўзда тутилган бўлиб, меҳнаткаш халқ фарзандларининг эса ўқий учун моддий жиҳатдан қурби етмас эди. Ислоҳ этилган эски диний мактаблар, яъни «усули жадида» мактаблари ҳам торроқ доираларга хизмат қиларди. Шунга қарамай, усули жадида мактаблари рус-тузем мактаблари қаторида диний мадраса ва мактабларга кўра олға қўйилган қадам эди. Аммо инқилобдан аввалги саводли кишилар, мутахассисларнинг аксарияти бой табақка мансуб эди.

В. И. Ленин саводсиз мамлакатда коммунистик жағият қуриб бўлмаслигини таъкидлаб, шундай ёзган эди: «...учта асосий душман бор. Биринчи душман — коммунистикни пеш қилиш, иккинчи душман — саводсизлик ва учинчи душман — порахўрликдир».

Мамлакатимизда бу эзгу иш Халқ Комиссарлари Советининг 1919 йилнинг 29 декабрида «РСФСР аҳолиси орасида саводсизлигини тугатиш тўғрисида» деб чиқарган, В. И. Ленин имзолаган декрети билан бошланди.

Бу — мамлакатимизда маданий инқилобнинг ибтидоси эди. Саводсизлигини тугатиш тўғрисидаги декретни тезроқ амалга ошириш учун 1920 йилнинг июнида В. И. Ленин ташаббуси билан Бутунроссия саводсизлигини тугатиш фавқулодда комиссияси тuzилди. Ўзбекистонда ҳам улуг Октябрьдан сўнг аҳолининг саводсизлигини тугатиш

иши кенг өвж олдириб юборилди. Тошкентда 1920 йилнинг декабрида саводсизлигини тугатиш бўйича фавқулодда комиссия ташкил этилди. Улқанинг ҳамма ерида шундай комиссиялар тuzилди. Савод чиқариш мактаблари биринчи босқич мактабларга айлантирилди. Партиямиз, биринчи навбатда ишчилар, батраклар ва ҳунармандларни ўқитиш учун мактаблар очилар деб топди.

1930 йили ВКП(б)нинг XVI съезди СССРда яқин вақт ичида умумий мажбурий таълимни жорий қилишни ва саводсизлигини тугатишни асосий вазифа қилиб қўйди. Маорифчиларимиз 1931 йилдан ўлкаимизни саводхон республикага айлантириш юзасидан Туркманистон ССР билан социалистик мусобақа олиб борган эдилар. Жойларда маданий юриш ойлқилари, кўрик ва шанбаликлар ўтказилди. ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг қарори билан 1931 йилнинг 15 февралдан 15 февралгача саводсизлигини битириш ойлқий уюштирилди. Эндиликда биргина Фарғона областининг ўзиде Улугбек номидаги Давлат педагогика институтини 16.000 киши битириб қчки. Унда ҳозир 1 академик, 4 профессор, 86 фан кандидати 9.000 студента билим бермоқда.

Республикамизда шу кунгача халқ маорифининг босиб ўтган шарафли йўли кўпчилиқка маълум. Елпасига саводхон ўлкаимизнинг ҳозирги довриги буни яққол кўрсатиб турибди. Маданий ҳаёти гуркираб ўсаётган шаҳарларимизнинг ўнлаб олий ўқув юртлирида юз мингларча йигит-қизлар маърифатнинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси — ленинча доно миллий сиёсатнинг улугвор самарасидир.

**О. ОХУНЖОНОВ,  
Х. СОДИҚОВ**

Омон МУХТОРОВ

## Одатдаги кун

Мактабни битиргач ёш замондошлар  
Меҳнатга боғланар.

Яхши гап,  
Лекин —  
Гоҳ ҳаёт уларни кечкага бошлар  
Уқиш-ўрганишдан аста ва секин.  
Илдам босишолмас замонга уйғун.  
Тезда бор билимдан бўлишар жудо.  
Сўнгра, давом этар одатдаги кун...  
Одатдаги кундан асрагин, худо.  
Кўрдим: йигит ва қиз бир-бирин севди.  
Икки юрак ёнди.  
Боғланди маҳкам.  
Тўй ўтди. Мангудай туюлган севги  
Тарк этди бирма-бир иккисини ҳам.  
Улар энди яшар асабий, дилхун,  
Гоҳ шундай —

саодат тўй ўтгунча то.  
Сўнгра, давом этар одатдаги кун...  
Одатдаги кундан асрагин, худо.  
Баъзилар санъатга мендек ҳавасманд  
Илк қадамни босар бу йўлда дадил.  
Исми она юртада янграгач баланд,  
Курашни унутар

Ва у йилма-йил  
Орқага сурилар, юракда тугун.  
Бу ҳолга оқибат кўникар, ҳатто.  
Сўнгра, давом этар одатдаги кун...  
Одатдаги кундан асрагин, худо.  
Бағримни кемирган аламни, дўстлар,  
Рўй-рост айтдим сизга

ёнганда бағир.

Бугун мен сўзлаган аламли сўзлар  
Эртага ярайди, балки, кимгадир.  
Кунлар тўғрисида, ҳаммадан бурун,  
Кимки бош котирса, қилмайди хато.  
Ҳаётга кирмайди одатдаги кун!..  
Одатдаги кундан асрагин, худо!

\* \* \*

Бахш этдим сента мен, эй пари,  
Ягона давлатим,

кўркимни —  
Бир варақ оқ қоғоз сингари  
Юраки бахш этдим,  
Кўрдингми!  
Бир варақ оқ қоғоз — бу юрак.  
Истасанг унга чиз расмлар.  
Истасанг, сатрлар югурак —  
Назмлар ёза қол,

назмлар.  
Кўринса қоғозда не мазмун —  
Узинг бу.  
Сен чизган.  
Сен ёзган...  
Дейманки, шошилма,  
То бир кун —  
Бекорга ранжимга қоғоздан!

## Қадамлар

Оёқлар оғриydi.  
Бир йўлки, узун —  
Юр, дейди.  
Унда бор на охир, на бош.  
Ботар,

кўтарилар,  
айланар қуёш.  
Қанча йиллар керак...

Бир қадам учун!  
Мактаб тугар экан, ё олий даргоҳ —  
Қадам қўйди, дерлар, ҳаётга инсон.  
Қадам қўйди, дерлар, ўтаркан никоҳ —  
Яйраб қовушаркан

Йўлда икки жон.  
— Ўз касбу корингини топдингми, ўртоқ?  
— Йигит, бахтлимисан ўз қулбагда, айт?  
— Келин,

бахтлимисан ва ёки кўпроқ  
Адашдим, дейсанми, қадам қўйган пайт?  
Бир талай инсонни кўрдим оламда.  
Билай деб ҳаётни кетди қанча дам.  
Билдим... дунё экан...

ҳар бир одамда —

Бўлар тўғри қадам,  
Нотўғри қадам.  
Оёқлар оғриydi.  
Бир йўлки, узун —  
Юр, дейди,  
Унда бор на охир, на бош.  
Ботар,

кўтарилар,  
айланар қуёш,  
Қанча йиллар керак...  
Бир қадам учун!  
Қуёш айланади,  
Замин айланади,  
Олга қадамлаймиз, қийин бўлса ҳам;  
Бахт бермаган бўлса бир қадам агар,  
Бизга бахт берар деб,

кейинги қадам.

Топаи деб, йўл аро қийналади жон —  
Оламда бир бахтни,  
ойдин, беқайгу,  
Бахтни деб олдинга босмас инсон,  
Нима деб олдинга қадамлайди у?



Қорақум саҳросида «зангори вқилги» излаётган толмас разведкчилар

Эндигина янги бургилаш ҳавозасини тиклаган Учоқ газ кони бошқармасининг монтажчилари (чапдан) М. Каримов, В. Чупанин, Р. Маллаев, И. Баҳоралиев ва И. Пирматов ўртоқлар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотолари



# ҚАНОТЛИ ГИЛДИРАКЛАР

Ҳамроқулнинг юраги ғаш. Ишдан қайтаркан, истикболга югурган ўғилчасини одатича осмонга иргитмади, кучиб ўлмади. Уйга кирдию айвонда ёнбошлаганича қимир этмай аётавдди. На Мазмура келтириб қўйган оёқатга қаради, на «Келдингми, болам!», деб кўнгил сўраган онасига қайрилиб боқди.

Углининг кайфиятини Нодира хола дарров пайқади. Бундай лайтларда Ҳамроқул ёлғиз қолишни ёқтиради. Хурсанд бўлиб келганда ёки хафалигида қалин дафтарига алланималарни ёзиб-чизмагунча на ўзи чурқ этади, на бировни тинлагиси келади.

Ҳозир юраги ғаш. Ичида ўзини ҳам, касбини ҳам лаянатлайди. «Бошқа касб қуриб қолган эканми? Армиядан келиб механиклик қиларсам бўлмасми? Бунчалик ерга урилмас эдим... Йўқ... Бундай халелга боришга ҳақим йўқ. Аслида Азамат ҳақ. Унга ўхшаб шофёрлик туйфайли ҳурмат топаётган, катта иш қилаётган одамлар озмунчами? Инсон қадри касбининг номида эмас, ўз ишини қандай удаллаётганида билинади. Бугун... «ёрдамчи қисм» деб аталдим-а!»

Бу фикрдан Ҳамроқулнинг вужуди зирқираб кетди. Кундалик дафтарини олди-да, малол келаятгандай варақлай бошлади.

## II

«1967 йил, 28 ноябрь.

Бугундан ишга тушдим. Япония «Волга» беришди. Хўжайин билан ҳам танишиб олдим. Хушчақчақ, ҳазилкаш киши экан. Мен билан ўз тенгича гаплашди. «Мени «Хўжайин», деб атама, бу нимаси! Қодир ака деб қақиравер. Хўжайинларни инқилобдан кейинку тугатиб юборганми», дейди.

Бир кўришдан ҳеч ким уни институт раҳбари демайди.

Умуман, ишим мик! Беш-ўн сўм ортқроқ пул топаман, деб Исмоилга ўхшаб хамирга қорилиб юрмайман».

«1968 йил, 2 февраль.

Кўпинча бекорман. Одам баъзан нима қилишни билмай қолади. Агар каттароқ мажлисми, кенгаши бўлса яхши. Кўпчилик йигилади, кунни ўтказиш осон. Хоҳласам домино ўйнаётганларга бориб қўшилиман. Хоҳласам тўртта ўзимга ўхшаб зерикаётганларни тўпплаб, латифа айтишаман, ё кабинага қўзилиб мизгиб оламан, хоҳласам газетам, китобим ўқийман. Кейингиси тузукроқ. Бекор ўтирганимни кўрди дегунча Қодир ака қойийди: «Хой, Ҳамро, икки тийинга газета беради. Гарки дунё қилган эмсансан-ку, бундоқ ер озида нима гаплигидан хабардор бўлиб турсанг-чи».

Энди газетанинг тўртинчи бетидан кириб, наргий томонидан чиқмасан, кўнглим тинчмайди. Баъзи ошналарим шу одатидан қулишди. Кеча ўқиган бир мақоламни айтиб берган эдим, уларнинг оғизга ҳам қулф тушди.

Қизик, Америкада машиналардан воз кечиб, яна велосипед минишга ўтаётганлар тобора кўпаяётганимиз. Хатто ўзларида ишлаб чиқарилаётган велосипедлар етишмай, чет давлатлардан ҳам кўпплаб сотиб ола бошлашди.

Бу бир томондан ҳавони ифлосланишдан сақлайди, ҳалокатли авариялар қамаяди. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор: қишда нима қилишар экан?

«1968 йил, 21 апрель.

Бугун Қодир ака тўстатди: «Иқтисодчи кадрларимиз кам. Шу соҳага сирдан ўқисанг ёмон бўлмасди. Қўлдан келадиган ёрдани аямайми», деб қолди. «Қўллаб-қўлтиқласангиз, биз ўқишга кирмай, ким кирсин, дедим.» — Ахир сиздай суян-

чигимиз бор, ҳар қандай ишга қўл урсак, битмай қолмайди.» Йўқ, сен гапни у томонга айлантирма,— деди Қодир ака.— Мен берадиган ёрдан консултациядан четга чиқмайди. Анчадан бери разм солиб юрибман, олий ўқув юртига киришга бемалол қўрибнг етди.» «Майли бир ҳаракат қилиб кўрай-чи...», дедим».

«1969 йил, 10 июль.

Эртага тўй. Уйланаяман. Мазмура деган қизга. Ойим кўярда-қўймай «Қариб қолдим, кўзим очигида тўйингни кўрай», дедириб тинчимади. Катнай-катнай охири шу Мазмурани мактаб келди. Учрашдик. Уша кунёқ касбим, сирдан ўқиётганим, онамининг орзу-ҳаваслари ҳақида гапириб бердим.

Мазмура илиққина жилмайиб тинглаб ўтираверди. Кейин у ўзи ҳақида гапириб берди. Бултур ўзининчи битириб, тикувчилик фирмасига ишга кирибди. Узича шофёрга турмушга чиқмасликка аҳд қилган экан. Уйдагилар мактайвергач, мен билан учрашишга мажбур бўлибди. Ёқиб қолдим шекилли, «Шофёрлар ҳақидаги мулоҳазам учун кеңиринг,— деди,— кўринишдан сиз унақа эмассиз, бу касб ҳақидаги тасаввуримни яхши томонга ўзгартириб юбордингиз...»

## III

Ҳамроқул дафтарининг тоза саҳифасини очди, Бугунги кечинималарини ҳам ёзиб қўйиши керак. Кечинималар... Ҳаммасини ёзаман деса, дафтар тўлади.

...Бугун эрталабдан Қодир аканинг димоғи чоғ. Машинага хиргойи қилиб чиқди, ишга бора-боргунча Ҳамроқул билан ҳазиллашиб кетди.

— Бугун сенга рухсат. Уйга ўзим кетарман,— деди у машинадан тушаркан.

Ҳамроқул қоровул Қосим ота билан бирпас отамлашгиси келиб қолди. Унинг олдига кириб кўк чой ичди, гурунглашди. Бир маҳал қараса, туш бўлиб қолибди. Сотволда аканинг «паловхон трансуисни кўмасб чиқди. Мақтабдошун Азамат чой ичиб ўтирган экан, бориб сўрашди. Сўнгра тўри Сотволда аканинг олдига борди. Иккита сергўшт палов олиб, Азаматнинг ёнига қайтди. Ошни еб бўлганларида чойхоначи аччиққина чой дамлаб келди.

— Кўринишдан шу ерда ишлаётганга ўхшамайди. Тузукроқ амал тегиб қолганими дейман?— деб сўради Азамат.

— Э, амал қаёқда, шофёрман.

— Касбдош эканмиз-да!

— Сен қаерда ишлаясан?

— Туямўйинда. Ҳозир ҳам ўша ёққа шошиб турибман. Кенгаша юборишган эди. Фаҳрий ёрлик беришди. «КРАЗ» ҳайдайман. Сеники қанақа? — «Волга!»

— Э, дўстим, бормисан, бекор бўлсанг вокзалга олиб бориб қўйсанг-чи, соат икки яримда поезд жўнайдиган.

— Жоним билан,— дея Ҳамроқул дўстини машина томон бошлади.

«Волга» ўрнидан шашт билан кўзғалди. Дўстлар боғи сўхбатни давом эттиришмоқчи аммо Азамат нима деб гап бошлашни билмай қийналди.

— Туямўйинда «КРАЗ» ҳайдайман дегин!— ниҳоят гап бошлади Ҳамроқул.— Кун билан чанг ютиб, дашт тандирида кўйиб, ўлиб-тирилганим билан нима толясан, дўстим! Илгар и ҳам жонинг хузурини билмас эдинг, ҳали ҳам тушунмабсан. Мана бизнинг ишимиз— беш, ошгимиз— олчи. Кунига тўрт соат ишлаймизми, йўқми, қолган вақт бекор. Газета ўқиймиз, радио эшитамиз, Энгил-бошимиз тоза... Кеңкурун ўқиятқин. Ерлик,

медалъ ва шон-шухратсиз ҳам кунимиз ўтиб турибди.

— Мен сенга ачинаман, Ҳамроқул. Газета ўқиб, радио эшитганим билан, кеңкурун институтда ўқитганим билан, кўп нарса билмас экансан. Кунига тўрт соат ишлайман дейсан, демак, йигирма соатинг бекор. Ҳолбуки, мамлакатда бир минутада салкам саккиз миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинади, икки минг тоннача пўлат қуйилади. Ўзбекистонда минутига ўн тўрт минг килограммдан зиёд пахта толеси, етти минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилади. Уша ишчилар бир минут ёлпасига бекор турсанча маҳсулот кам чиқади деган гап. Сен бўлсанг ишламаётганим билан мактабни ўтирибсан! Сенга ўхшаган тўрт-беш минг ҳайдовчи газета ўқиб ўтирган вақтда, менинг касбдошларим юз машинасида бир ярим миллион тонна юкни элтиб беришди, автобус ва таксиларда уч минг йўловчини манзилга етказиб қўйишди. Билдингми?

Ҳамроқул негадир индаёлмас, бир нарса деса, бундан ҳам шиддатлироқ далилларга дуч келишдан ҳайқайтандек эди. Бутун вужуди билан рулга ёпишиб, аламини олаётгандек уни тобора маҳкамроқ сиқарди. Азамат бирпас жим ўтирди. Аммо негадир унинг ичи қизирди. Гапиргиси келар, гапириб олса ҳовуридан тушадигандек туюлар эди.

— Мен сенга ачинаман, сен арасотда қолгансан. Хўжайининг юр деган жойга юрасан, тур деган жойда турасан. Сен бошлиғининг бир ёрдэмчи азбоси, чунончи, оёғидексан, иккинчи-дари, машинани юргизадиган ёрдэмчи қисман. Машина ҳайдайсану ўз раъйинг билан ҳайдамайсан, йўл ҳам сеники эмас... Баисоли бурун замондаги жиловдор. Муस्ताқил бўлсанг, бирон бойлик яратмасанг, йигит бўлиб қаёққа бординг.

— Бас!— Ҳамроқул бошқа ҳеч нарса дейлмади. Вокзалга келиб қолишган эди.

Ҳамроқулнинг юрагини ғаш қилган Азаматнинг гапларидаги ҳақиқат. Ҳамроқул ўйлаб кўриши, ёш иқтисодчи сифатида ҳал қилиши лозим бўлган муаммони, бир оз қизикқонлиги билан баъса-да, Азамат ўртага ташлади.

Дарҳақиқат, Ҳамроқулга ўхшаган ҳайдовчиларнинг ҳаммаси қурлишларда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда, саноат корхоналарида шофёрини кутиб ётган машиналарда ишласа, халқ ҳўжалигига қанча фойда! Ҳали Азамат айтган 1,5 миллион қўлайиб, 3 миллион тоннага чиқса ажаб эмас. Қодир акалар рулга ўзларни ўтирса ҳам бўлади-ку! Айтгандай, унда уларни ҳўжалик тармоқларини бошқариб турган раҳбарлар кўлсиз-оёқсиз қолгандай бўлмайди!

Йўғ-э, нахотки, катта ташкилотни идора қилиб турган киши, асримизнинг энг оддий техникасини бошқара олмас! Ураниш қийин эмас!

Ҳамроқул хаёлини йиғиштириб, ҳовлига назар ташлади: қоронгу тушиб қолмиди. Ошхона чирой ҳовлини хира ёритиб турарди. Ичкарида Мазмура ўз юмушлари билан овора. Ҳамроқул дафтарга энгашиб, хаёлида бир зум ялт этган орузсини ёзиб қўя қолди:

«1972 йил, 6 август.

Ўқини битириб, бирон ташкилотга раҳбар бўлиб қолсам, хизматимга топширилган машинани ўзим ҳайдайман».

У қўлини пешанасига тираганича яна ўйга чўмди. **Мана у кенг ва текис йўлда бетон плиталар ортлган «КРАЗ» ҳайдаб кетаётми.** Машина гилдираклари ёнидан қанот қачиб қайгадир учаятгандек...

T. БАҲРОМОВ

## Денгиз

Денгиз соҳилида шовқин, тўполок, Утгану кетганлар ҳайрон қарашар. Мингларча чайкалар кўтариб сурон, Сайёҳлар ташлаган юнни талашар. «Чар-чўғ» қилишди, «Менга!», дегандек. Шовқиндан қулқилар бўлади батанг. Андиша деган гап сезилмас андек, Қўнда ҳам, сувда ҳам нафс учун «жанг». Қий-чувга тўлади еру сув, само,

Талашиб-тортишдади чайкалар. Уларнинг ишдан уланганимо — Боши сарак-сарак — денгиз чайкалар...

## Дарё

Дарё буйидаман. Тошни тошга уриб, Шовуллайди ёлдор тўқинлар. Гоҳ филдай лепенглаб, гоҳ шердай ўқибди, Дарани тўлдириб шовқинлар. Хув дарё ўртаси, кўз базўр илгар,

Жону жаҳди билан чопар сув. На-не харсанглари юмалатар, йиқар, Шундадир пўртана ва ғулу. Ҳатто қояга ҳам салпир беаёв, Ҳар ёнга сачрайди оппоқ чанг, Йўлини тўсолмас ҳеч қандайин гов, Бир зум ҳам тинмайди кўрашдан, қаранг!.. Ҳа, ҳақиқий дарё — ана ўша жойда ўша ерда ҳаёт қайнайди. Ундан четга қочган сув-чи! Бефойда — Чилп-чилп қилиб оёқ ялайди...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ



Бухороча лапар халқимизнинг нафосатли ва назокатли қалбини кўрсатади.

Г. ПЛЮХИН фотолари

# ДЎСТЛИКНИНГ ЖЎШҚИН МАДҲИ

СССР халқ артисти, Давлат мунофоти лауреати, қардош халқларимиз дўстлигининг куйчиси Тамарахоним ижро этган қўшиқ ва лапарлар жўшқинлиги, жозибаси билан кўп миллатли совет санъати хазинаси-

дан муносиб жой олган. У турли ўлкаларнинг халқ ижоди намуналарини, бой миллий анъаналарини, маънавий бойликларини меҳр билан ўрганади, дилларга таржимонлик қилиб, санъат шайдоларига етказди.



Озарбайжон қизларининг латофати «Гулбаниз» қўшигида мужассам.



«Санамо» лапарида ўзбек қизларининг шўхлиги ва ифбат-ибоси моҳирона ифодаланган.



Арман халқ қўшиғи «Чўпон» — санъаткор инжодий репертуаридан мустақнам ўрин олган.

«Колхоз қизи» — лапарида грузин аёлларининг бахт-саодати куйланади.

Турман лапари жозибаси, қайноқлиги билан дилни ром этади.



Тамарахоним ёқутча қўшиқ айтганда Шимол ўлкасининг шиддатли, ва сўлим табиати намоён бўлади.

Татарча «Сувда» енгил юмор билан йўрилган.





Нилуфар — ҳинд халқи қалбининг тимсоли.

«Торади» қўшиғида корейс аёлларининг ишқ-муҳаббати ва завқли меҳнати тараннум этилади.



**Б**у камтар кишининг табаррук номи эски манбаларда аҳён-аҳён учраб туради. Эҳтимол, журналхонларимизнинг кўпчилигига бу ном унча таниш эмасдир. Чунки улкан шарқшунос олимнинг фаолияти бирор илмий тадқиқотнинг мавзун бўлганча йўқ. Шу сабабли В. П. Наливкин ҳақида ўз билганларимизни журналхонлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Владимир Петрович Наливкин 1852 йилнинг 2 февралда ҳарбий хизматчи оиласида туғилди. Петербург ҳарбий гимназиясини тамомлагач, 1871 йили Павлов ҳарбий мактабида ўқиди. Оренбург казак қисмлари сафида 1873 йили Хива юришида қатнашди. Кўп ўтмай, Қўқон юришида ҳам иштирок этди. Лекин бу юришлар унинг урушга бўлган муносабатини ўзгартириб юборди. Скобелев отрядининг ёвузлиги, ҳимоясиз тўдақларни, хотин-қизларни, қуролсиз маҳаллий халқни шафқатсиз қиришлари унга жуда қаттиқ таъсир қилди. Натигада 1878 йилнинг май ойида истеъфога чиқди ва Наманган уездининг қанай қишлоғида муқим яшаб қолди. У хотини Мария Владимировна билан бирга ўзбек, форс-тожик тилларини мустақил ўрганди. Рафиқаси билан ҳамкорликда «Фарғона маҳаллий хотин-қизлари турмуши очерк»ини ёзди. Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар тузди. Бу луғатлари учун Россия География жамиятининг олтин медали билан тақдирланди. «Фарғона маҳаллий хотин-қизлари турмуши очерк»ининг французча таржимаси учун кумуш медалга олишга муваффақ бўлди.


1885 йили у Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторлиги ихтиёрига юборилди. Бу ерда рус-тузем мактаблари устидан мудир қилиб тайинланди ва маҳаллий тиллар семинарияларида муаллимлик қила бошлади. 1886 йили Наливкин Самарқанд вилояти мактаблари инспектори вазифасида ишлади. Шу даврда у ўзбек ва форс тилларини ўқитиш бўйича қўлланма ҳамда Қўқон хонлигининг тарихини ёзди, қадимги яхудий тилини ўрганди. Турли лавозимларда ижтимоий фаолият кўрсатди.

Наливкин тилшуносликка доир махсус таҳсил олмаган бўлса ҳам, унинг лингвистик қобилияти ўзбек, форс-тожик, араб, яхудий, қадимги яхудий тилларини ўрганиб олишга имкон берди. Олим, бирор халқнинг тилини, урф-одатларини, турмуш шaroитини пухта ўрганмасдан унга таълим бериб бўлмайдми, деб тушунар эди. У Туркистон ўлкасига бошқинчи, талончи бўлиб эмас, балки маърифат элтувчи инсон қиёфасида келишни ёқлаб чиқди. Маҳаллий тилларни пухта ўрганди.

Наливкиннинг лингвистикага доир талай асарлари бор, «Андиқон лаҳжаси», «Русча-форсча луғат», «Русча-форсча хрестоматия», «Ўзбек хрестоматияси» сингари асарлари шулар сирасига киради.

Олим ўз луғатларида илк бор сўзларнинг бир неча ёни-барча маъноларини таржима қилиш усуллари, луғатда сўзга изоҳ бериш йўллари ва ниҳоят бир сўзнинг турли шакллари ўртасидаги ҳамда турли хил сўзлар ўртасидаги чегара муаммоларини ҳал қилиб берди.

Олимнинг нашр этилмаган қўлёзма асарлари ҳам анчагина. «Менинг дунёқарашим», «Маҳаллий сўзлар», «Ўзбек истеъмолига кирган рус сўзлари», «Русча-ўзбекча луғат»... Кўриниб турибдики, у тилшунослик маъсалаларини жуда чуқур ўрганган, кўпгина тилларнинг улкан бойликларини жамлаган йирик олимдир. Олимнинг лингвистика ва тарихшунослик соҳасидаги хизматларини академик В. Бартольд, академик Е. Бертельс, профессор М. Салье, профессор Р. Набиев, профессор А. Расулов, тарих фанлари доктори Б. Лунин юқори баҳоладилар.



## «ЎРТОҚ

# НАЛИВКИН»

### Унутилмас сиймолар

В. Наливкиннинг «Қўқон хонлигининг қисқа тарихи» асари ҳам муҳимдир. Урта Осиё тарихи билан қизиқадиган ҳар бир тадқиқотчи бу китобга албатта мурожаат қилади. Бу асарни ёзишда автор «Кафоном», «Мунтахаб ут-таворих» каби маҳаллий қўлёзмалардан фойдаланган. У ўзбекларни Россия тарихи билан таништириш мақсадида «Русиянинг қисқа тарихи» номли китобини ўзбек тилида нашр этди ва унга Жаҳонгир деб имзо чекди.

Наливкиннинг кўп қиррали фаолияти кишини ҳайратга солади. У қайси соҳада тадқиқот олиб бормасин, ҳеч қачон юзакликка қўл қўймаган.

Унинг тарих ва шарқшуносликка оид асарлари ҳозиргача илмий қимматини сақлаб келмоқда.

В. Наливкиннинг серқирра фаолияти педагогик ҳам муҳим ўрин тутди. У Туркистон ўлкаси халқларини саводдон бўлиши, дунёвий билимлар ўқитиладиган мактабларда таълим олишининг ҳақиқий тарафдори эди. У Тошкентда 1884 йили очилган биринчи рус-тузем мактабига мудирлик қилиш билан бирга, рус тилидан дарс ҳам берди. «Туркистон ўлкаси ўртоқ аҳолисининг рус-муслулмон мактаблари учун алифба» дарслиги кўп йиллар давомида ўзбек ўқувчиларига қўлланма хизматини ўтади. В.

Наливкиннинг 1901 йилда нашр этган ўзбекча-тожикча хрестоматияси, 1896 йилда чиқарилган «Туркистон ўлкасининг Тошкент семинарийси ўқувчилари учун хрестоматия» китоби каби ўқув қўлланмалари маҳаллий мактабларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилашга ёрдам берди. Хрестоматияларда ишлатилган сўзларнинг XIX аср охиридаги ўзбек, тожик тиллари оғзаки нутқида жуда яқинлиги тўғрисида ўқувчиларнинг билим олиши, ўзлаштириш даражаси диний мактаблардагига нисбатан беқизиш оқиб кетди. Наливкин Туркистон ўқитувчилар семинарийсида ўзбек тилидан дарс берган биринчи муаллимдир. У етти ўқув йили мобайнида луғат, грамматика ва дарслиқлар тузиб, ўзбек тили бўйича ўқув курсига асос солди. Шогирдларидан В. Вяткин ва А. Андреев, П. Кузнецов, М. Оракулов ва Р. Худойбердиев кейинчалик Урта Осиё халқлари тарихининг таниқли тадқиқотчилари, ўзбек тилининг улкан тарғиботчилари бўлиб етишдилар.

Қомусий билимга эга бўлган бу захматкаш рус эиёлисининг ижтимоий-сиёсий қарашлари кўпчиликини қизиқтириш табиий. Шунинг учун В. Наливкиннинг яна бир қўлёзма асари — «Менинг дунёқарашим» фалсафий рисоласига тўхталиб ўтмоқчимиз. Асар 1908 йили ёзилган. Унда Наливкиннинг ижтимоий-фалсафий қарашлари акс этган. Авторнинг фикрича, табиатдаги барча ҳодисалар тасодифий эмас, балки қонуний йўсинда содир бўлади. Табиат асрлар давомида бир шаклни бузиб, иккинчи бир шаклни яратиб туради. Яратишининг муқаррар шарти бузишдир. Автор бу фикрларини ижтимоий ҳаётга ҳам татбиқ этади, ижтимоий формацияларнинг қонуний суратда бирининг ўрнига иккинчисининг пайдо бўлишини эътироф этади.

Рисолада инсон озодлиги ҳақида шундай сатрлар бор: «Озодликни қандрай билган кишигина озодликнинг озод мухлиси бўла олади. На тақдирга тен берган қул ва на ашаддий қулдор озодликнинг дўсти бўла олади, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам одамнинг хўрланишига бирдай кўникиб кетишган». Бу сўзлар Ф. Энгельснинг «Синфий жамиятда эксплуатация қилинувчи қул ҳам, эксплуатация қилувчи қулдор ҳам озод бўлмайдми» деган машҳур таърифига нақадар ҳамоҳанг эканини сезасиз. «Озодлик ва тенглик,— деб ёзади Наливкин,— синоним бўлмаган тақдирда ҳам ҳар ҳолда бир-бирига муқаррар йўлда тушунчалардир. Чунки озодлик бўлмаган жойда тенглик йўқ, тенглик бўлмаган жойда озодлик бўлиши мумкин эмас». Биринчи рус революцияси мағлубияти учраб, мамлакатда Столипиннинг қонли репрессияси авж олган бир пайтда, Улуғ Октябрь кунларидан 9 йил муқаддам ишонч билан айтилган бу гапларга нима дейсиз?... Шунинг учун дохиймиз В. И. Ленин, В. П. Наливкинни «Ўртоқ Наливкин» деб атагани ва унинг ҳаётини «Буржуазиядан пролетариатга ўтиш ҳодисаси» деб баҳолагани бежиз эмас.

Наливкиннинг кўп қиррали, ажойиб илмий мероси революцияга ҳам бўлган Туркистон халқларининг тили, урф-одати, маданияти ва тарихини ўрганишда жуда катта аналитик қимматга эгадир. В. П. Наливкиннинг илмий-педагогик, лингвистик, тарихшунослик ва шарқшунослик фаолияти ва ижтимоий-фалсафий қарашлари марксистик методология асосида чуқур ўрганилиши керак. Ўзбек халқи учун жуда улкан хизмат қилган тараққиётпарвар рус эиёлисининг меҳнатлари муносиб тақдирланмоғи лозим.

Я. ШЕРМУҲАМЕДОВ,  
А. КЛЕВАНЬ,  
Ф. СЕБЕЯНАЯ,  
Х. БОРОБЕКОВ,  
А. УМАРОВ

# ҚўШИҚНИНГ

## РИВОЯТ ҚИЛАДИЛАРКИ...

**Ю**ксак тоғлар билан ўралган гўзал водийда аҳил қабила яшар экан. Қабилянинг барча йигит-қизлари чавандозликда, мерганликда, қиличбозликда тенгсиз эканлар. Қўнлардан биринчи қабила бошлигининг қизи дугоналари билан шикорга дахланибди. Қизлар қўш отиб, кийик қувишиб, кўнгилларини чоғ этибдилар. Қўнлардан буталар орасидан ниҳоятда гўзал бир оху чиқиб қолибди. Унинг мунислигига шайдо бўлган малика тирик ушлаш ниятида от солибди. Оху тутқич бермай, сайхонликка қараб қочибди. У ерда бир йигит қўш ҳайдаётган экан. Йигит қўнлардан манзарага маҳлиб бўлиб турганида, тўсатдан дарадан баҳайбат шер чиқиб, қизга ҳамла қилибди. От ҳуркиб, устидан маликани учириб юборибди. Йигит дархол шерга ташланибди. Икки ўртада дахшатли олишув бошланибди. Ниҳоят йигит зўр машаққатлар билан шерни енгибди. Сўнг беҳуш ётган маликани кўтариб, тоғ ёнбағридан сизиб чиққан булоқ бўйига олиб борибди. Қизнинг юзига сув селибди. Малика ўзига келиб қараса, ёнида нотаниш йигит ўтирганмиш. У воқеадан воқиф бўлгач, йигитнинг кимлигини суриштирибди:

— Шу водийда туғилганман, кекса отам бор,— дебди йигит.— Бир авлоддан етти уруғимиз. Мана шу булоқ атрофида дехқончилик қиламиз.

— Мени ўлимдан асраб қолдингиз,— деб миннатдор бўлибди қиз.— Бирга юринг, отамнинг хузурига олиб боради.— У сизни дур-жавоҳирга кўмиб ташлайди.

Йигит қизнинг таклифини рад этибди.

— Ундай бўлса, уч ойдан сўнг қароргоҳимизга борибди. Катта байрам бўлади. Шу кун отам йигитларга бир шарт қўяди. Кимки шартни бекамукўст адо этса, уни кўвв қилади. Сиз ҳам бахтингизни синаб кўринг.

Қиз шундай дебдию отига қамчи босибди. Йигит уйига қайтиб, воқеани отасига айтибди.

— Маликанинг ўзи таклиф этганидан кейин боришинг керак,— дебди отаси.— Ҳозирлигининг кўравер.

Ҳаш-наш дегунча уч ой ҳам ўтибди. Йигит сарҳарлаб йўлга тушиб, маликанинг қароргоҳига етиб борибди. Қараса, не-не баҳодир йигитлар оқ ўтовга кўз тикиб турганмиш. У ҳам чавандозлар сафига қўшилибди. Орадан хийла вақт ўтгач, ўтовдан бесавлат бир киши чиқибди. У йигитларга қараб, шундай дебди:

— Менга кўвв бўлишни орзу қилганларга биргина шартим бор. Шундай бир нарса топиб келтирингки, у на маъдан, на тош бўлсин. У етти хил жило беради. Ундан зоб-зийнатлар ишланади, идиш-товоқ ясалади. Кимки шу нарсани топиб келса, менга ўғил бўлади.

Йигитлар турли томонга от қўйибдилар. «У нарсани топиб муимин эмас», деб умидсиз бўлганлар, уй-уйларига тарқалишибди. Қўшчи йигит ҳам хомуш тортиб, ўз қулбасига равона бўлибди. Уелининг кўгли синиб қайтганини кўрган отаси ташвишланиб сўрабди:

— Нега буна хомушсан, ўғлим?

— Эҳ, ота,— дебди чуқур ҳўрсиниб йигит,— қизнинг отаси шундай шарт қўйдикки, уни одам боласи уддалай олмайд.

Йигит шартни айтибди. Отаси чуқур ўйга толибди. Сўнг шарт ўрнидан турибди-да, ўглини ялангликнинг ўртасида туртиб чиққан баҳайбат тошлар олдига бошлаб келибди.

— Бобом: «Шу тошлар остида ҳавина бор», дерди. Айтишча, бу ерлар илгари денгиз бўлган экан. Сув ости ҳамиша хазинага тўла,— дебди чол.

Йигит кетмон билан чўкичини олиб, қазिशга тушибди. Икки одам бўйи қазигач, кетмон қаттиқ нарсага тақиллаб урилибди. Қараса, на тошга, на темирга ўхшайдиган қаттиқ нарса эмиш. Чўкичи билан бир бўлагини кўчириб олибди. Шу парчада кўзни қувнатувчи турли ранглар бор экан. Қувонганидан йигит кечаю кундуз ишлабди. У катта-катта бўлақларни кўчириб олибди-да, аввало улкан қозон, сўнг қўвв сурати солинган лаган, бир жуфт коса, бир жуфт билағузуқ ва узук ясабди. Буюмларни отга ортиб, қизнинг қароргоҳига келибди. «Шарт бажарилди», деган овоза бир зумда ҳаммага етиб, оқ ўтов атрофига тумонат одам йиғилибди.

— Хўш, қани келтирган нарсанг?— дебди қизнинг отаси ўртага чиқиб.

Йигит силлиқ тарашланган бир парча мрамрари кўрсатибди. Қабила бошлиғи истаган нарсаси шу экангига қаноат ҳосил қилибди. Сўнгра йигит бошқа нарсаларни ўртага қўйибди. Буюмларни кўриб, қабила бошлиғи шундай фармойиш берди:

— Мана бу қозонда тўй овқати пиширилсин. Бу лаган, косалар янги рўзгорнинг буюмлари. Билағузуқни малика тақиб, ўзига оро берсин. Бу аҳду паймон узуги бўлсин.— У йигитнинг зукколигига тасанно ўқибди.— Сен яшаган гўшада шундай ажойиб мўъжизалар бор эканми, демак тангри даставаал сенинг ватанингда нур ато этган экан. Шу кунни бутун водийда тўй ногораси чалинибди.

Бу ривоят, холос. Аммо унинг замирида катта ҳақиқат бор. Яси тоғ тизмалари билан ўралган беловон водий шундан кейин Нурато деб аталган. Кейинчалик бу ном Нуротага айланиб кетган. Илм аҳли Нурота водийсининг неча миллион йиллар илгари улкан денгиз ўрни бўлганлигини исботладилар. Мрамрар оҳак ва сув ости моллюскаларини асрлар мобайнида қатлам-қатлам бўлиб босилиши натижасида ҳосил бўлиши шундан далолат беради.

## ТАРИХ ТИЛГА ҚИРГАНДА...

**Ш**арқнинг буюк мутафаккири Наршахий ҳикоя қилишча, амир Аҳмад ибн Ҳолидининг буйруғига кўра Бухоро шаҳри девор билан ўралган. Шундан сўнг шаҳарни обод қилиш учун чўлу даштадаги кўчмани ва ўтроқ қабилалар кўчириб келтирилган. Кўчирилганлар катта қарвон бўлиб йўлга тушганлар. Қарвон орасида уч ака-ука бор экан. Улар йўлнинг ярмида ҳо-

риб-чарчаб, қарвондан ажраб қолишибди. Улар тўхтаган жойда катта булоқ бор экан. Ака-укалар шу булоқдан молларини сўғориб, дам олишибди. Сўнгра маслаҳатлашиб, Зарафшон бўйига боргандан кўра шу ерда яшашни афзал кўришибди. Бухорога етган одамлар ака-укалар йўлдан озиб-адашиб, қолиб кетишди, деб қайғуришибди. Шундан кейин улар ака-укалар қолган жойни Озгон деб атай бошлашибди. Вақт ўтиши билан Озгон Ҳозгонга айланибди.

Эрамининг бошидаги I—V асрларда қушонлар сулоласи даврида одамлар яшайдиган қорларнинг ичи тарашланган мрамрар билан безатилган. Мрамрардан турли рўзгор буюмлари ясалган, безаклар ишланган, ҳайкаллар йўнилган.

Археологик қазилар натижасида ҳозирги Ҳозгон совхозининг 4-бўлими жойлашган Пошот қишлоғи ўрнидаги шаҳарда қадимда 20 минг аҳоли яшаганлиги аниқланди. Қушонларнинг қўрғонидидаги қорлардан мрамрар идиш-товоқ, дераза панжаралари, безаклар топилган.

Кейинчалик Ҳоразм ва Бухоро хонлари Ҳозгон мрамрардан инсон ақлини дол қилувчи қосоналар кўрдирганлар. Амир Темур даврида ҳам иморатларнинг мустаҳкам бўлиши учун пойдеворларга Омонқўдон мрамрари ишлатилган. Зийнат бериш учун эса Ҳозгон мрамраридан фойдаланилган. Биҳихоним масжидининг ҳовлисидаги китоб қўйилмаган катта лаҳзанинг мрамрари ҳам Ҳозгон конидан олинган.


## ХАЗИНА ҚУЗИ ЭНДИ ОЧИЛДИ

**М**рамрар қонини ишга солиш ҳақида даставаал «Ҳозгон» совхозининг меҳнат аҳли қайғурди. Совхоз дирекцияси 1929 йили раҳбар ташкилотлар билан бамаслаҳат мрамрар заводи қуришга аҳд қилди. Тахминий лойиҳа ишлаб чиқилди. Завод биноси қурилди ҳам. Навбат маҳсус ускуна ва машиналарга келганда, иш тўхтаб қолди. Дехқончилик хўжалиқлари завод қуришга қодир эмас, деган фикр турғилиб, шу тўғрисида ҳайри иш қолиб кетди. Завод учун мўлжалланган бино мактабга айлантирилди. Бу мактаб биноси Иттифоқимизда ягона бўлса ажаб эмас. У бошдан-оёқ мрамрардан қурилган.

Кўп ўтмай Москвада метро қуриш мўлжалланди. Метрополитенга яроқли мрамрар топши учун Нурота водийсида геология-қидирув ишлари бошланди. Орадан уч йил ўтгач, кон ишга туширилди. Бироқ узок йиллар мобайнида у турли бошқармалар ихтиёрига ўтиб юрди. Иш кўламини ошириш, кадрлар масаласи хусусида биров айтариб жон қойитмади.

Ниҳоят 1960 йили Ҳозгонда мустақил бошқарма ташкил этилди. Мрамрар қазиб олиш ярим механизациялаштирилди. Коннинг мрамрар запаси, эгналган сатҳи қайта чамалаб чиқилди. Ҳозгон кони Чорқудуқдан Варажон массивигача бўлган 30 километр жойни эгаллайди. Умумий мрамрар запаси 10 миллион кубометр. Урта ҳисобда йилга 6—7 минг кубметрдан қовлаб олинса, Ҳозгон мрамрари сановатни тахминан минг йилгача хом

# УМРИ БОҶИЙ



Қат-қат Ғозгон мраммининг чеки-чегараси йўқ.

С. БЕЗНОСОВ фотолари



Кониинг илғор бригада бошлиқлари Саттор Қаҳқор ва Истам Хидиров қазиб олган мрамрлар ўлкамининг турли томонларида қурилайтган биноларга сайқал беради.

ашё билан таъминлайди. Бу ҳозирча тахмин, холос. Шу бондан яна янги тадқиқот ишларини олиб бориш мўлжалланмоқда. Фақатгина Ғозгон мраммининг миқдори шунча. Республикамизда бундан ташқари Шаҳрисабздаги Буркулли кони, Наманганнинг қизил, Қашқадарнинг янги топилаган сержил, сербезак қора мрамми ҳам борки, шубҳасиз, булар янги санъат корхоналари бунёд этилишини тақозо қилади.

Иттифоқимизда ҳозирча иккита машҳур мрамр кони бор. Бир Уралда, Челябинск областидаги «Қўлға» мрамр кони, иккинчиси эса Ғозгон.

Сўнги ўттиз йил мобайнида Ғозгон мраммига бўлган талаб кундан-кунга ўсмоқда. Бу талаб аини шу кунларда янада ошган, сабаби, Ғозгон мраммининг жавҳарлиги даражаси энг олий ҳисобланади. (Мраммининг зарралари зичлиги қанча кўп бўлса, жавҳарлиги шунча ортиқ бўлади). Ғозгон мраммининг жавҳарлиги 65—85 процентгача етади. Бу жиҳатдан ўзбек мрамми жаҳонга машҳур Италия мрамми билан бемалол рақобат қилади. Фақат Италия мрамми ўзбек мраммига нисбатан майинроқ, Бунинг сабаби бор, албатта. Италия мрамми денгиз остидан қазиб олинади. Маълумки, мрамр сув остида қанча кўп турса, латифлиги шунча ортади.

Ғозгон мраммини жаҳонга машҳур қилган хусусияти унинг ўта рангдорлиги, сербезаклиги, сержиллигидир. Ғозгон мраммида ўнга яқин ранг — тимқора, кўк, тимқўк, кул ранг, яшил, гулдор сарғиш, ҳаво ранг, оқ, сут ранг мужжасам. Иттифоқимиздаги энг йирик санъат обидаларига Ғозгон мрамми ишлатилган. Хазинанинг кўзи эндигина очилмоқда.

## МУЪЖИЗАКОРЛАР ДАВРАСИДА

**Х**ар бир жойнинг ўз машҳур кишилари бўлади. Хоразм буюк олимлар юрти, Фарғона шоирлар маскани. Бухорода тиб илмининг даҳолари туғилган, Самарқандда самовотга йўл очилган. Ўзбек диврининг ҳар гўшасидан буюк зотлар етишиб чиққан, десак муболага бўлмас.

Ғозгон қишлоғида тоштарош наққошларнинг бугунги вакиллари яшайди. Бу кўп асрли санъат. Неҳудир ҳозир унга кам эътибор берилмаётган бўлса-да, келажак учун бениҳоя зарур. Негаки, келгусида шундай қошоналар яратилиши мўлжалланмоқдаки, буларни тоштарошларсиз икхонасига етказоқ мушкул бўлади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳатдан, тоштарошлик санъати

бизда қадимдан бой аъналарини билан жаҳонда шухрат топган.

Ғозгонда машҳур Абдурайим Мухандис Турдиев, Йўлдош Ҳайитмуродов каби наққошлар ўтган. Абдурайим Мухандис ҳақида ўзбек совет энциклопедиясида маълумот берилган. Бу икки санъаткор мрамр лаганларга шеърый байтлар битишнинг моҳир усталари эди.

Ҳамроҳим, журналист Раҳмон Чинмирзаев мени машҳур тоштарош, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдулла ака Ҳайитовниқига олиб борди. Абдулла ака ўрта мактабда тил-адабийётдан дарс бераркан. Сўнги йилларда маориф министрлигининг топширигига биноан Ғозгондаги ўрта мактабда 5-синфлардан бошлаб тоштарошлик санъати бўйича меҳнат дарси ҳам олиб бораркан. Ёшларга миллий санъатимиз — тоштарошлик сирларидан таълим бераркан.

Абдулла ака моҳир тоштарош. Бу касб унга ота мерос. У лаган, кема шаклидаги ёдгорлик буюмларини жуда ўринлатиб ишлайди. 1947 йилда Ҳайитовнинг шундай буюмлари республика халқ амалий санъати кўригига I даражали диплом билан тақдирланган. Абдулла аканинг овозаси академик шоиримиз Гафур Ғулломга етиб боргач, бу икки санъаткор гойибона дўстлашиб, хат ёзишиб туришган. Абдулла ака мрамр лаган ясаб, шоирга ҳадая этган. Тоштарошлик нафис санъатидан таъсирланган Гафур Ғуллом шу тўртликни битган:

«Шу табоқ устида қуёш бўлсин,  
Қўл узатган кишига ош бўлсин.  
Нурота устасини ним қилса ҳурмат,  
Эл-юртига раҳбар, бош бўлсин».

Устани барча шоир тилаганидек иззат-икром қилади. У юртининг маслаҳатгўйи. Абдулла ака тоштарошлик санъатининг равақини орзу қилади, унинг келажagini ўйлайди.

— Миллий безакли лаган, совга буюмлари ясаб учун кўп йил маҳорат ўрганиш керак,— деди суҳбат орасида.— Ачинарли жойи шундаки, бутун республикада тоштарошлик санъати бўйича мендан бошқа дарс ўтадиган одам йўқ. Ахир ўлкамизда мрамр кони кўп. Тоштарош усталар ҳамиша керак. Негадир бу ҳақда қайғурмайлмиз. Шу хусусда катталар билан маслаҳатлашмоқчиман.

Чиндан ҳам тоштарошлик санъати бўйича мухтаassisлар тайёрлаш ҳақида гамхўрлик қилиш жуда зарур. Ғозгон қишлоғида 80 ёшли Бақо Кокилов, Бобоназар Жабборов деган усталар ҳам бор. Бироқ улар кексалик туфайли ёшлар билан

машғулот ўтказолмайдилар. Қишлоқда ёш тоштарошлардан атиги икки киши бор. Бир мрамр конидаги пармаловчилар бригадасининг бошлиги Яшин Саидов, иккинчиси Бухоро Давлат педагогика институтининг студенти Эркин Абдуллаев, Икковлари умидли тоштарошлардан. Яшин Саидовнинг буюк доҳий сурати туширилган барельефи Тошкентдаги В. И. Ленин музейида сақланмоқда.

Республикамизда қурувчилик, меъморчилик, лойиҳачилик институти ва техникумлари бор. Мана шу ўқув юртиларида тоштарошлик санъати бўйича курс, кейинроқ факультетлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан миллий санъатимизнинг кенг кўламада ривожланиб камол топишига имконият яратиларди. Кўҳна Хива, Бухоро, Самарқанддаги олий санъат обидалари сингари замонавий санъат қошоналарини яратиш учун ҳам моҳир санъаткорлар авлодини волга етказиш керак-ку.

## ҚУШИҚ

**М**ашҳур «Чўли Ироқ» қачон яралганини айтиш мушкул. «Муножот» туғилган онни бирон тарихчи қайд этмаган. «Ушшоқ» қайси замондан бўён айтилишини ҳеч ким аниқ билмайди. Лекин бу куйларнинг бундан кейин яна кўп минг йиллар яшашига шубҳа йўқ.

Қадимий Хива, Бухоро, Самарқанд инсон даҳоси яратган қўшиқлардир. Инсон қўли, инсон заковати яратган мусиқа булар. Шунинг учун ҳам уларнинг умри боқий.

1936 йили совет халқи янги бир қўшиқ ижод этишга киришди. Москва метрополитени Барпо этила бошлади. Бу ерсти қасри Ғозгон мрамми билан безалди. Ленинград, Киев, Тбилиси, Боку метрополитенларига ҳам Ғозгон мрамми кўрк берган. Ер остида кўрмисиз бўлиб ётган мрамр инсон қўли теккач, шаҳарларимизга чирой ва жозоба бахш этди. Мрамр нафосат қўшиғига айланди. Иттифоқимиздаги ўнлаб музейлар, олий ўқув юртилари, цирк, санъат даргоҳлари мрамр билан қайта безатилди.

Тошкент марказидаги муҳташам қадамжо — В. И. Ленин музейи бошдан-оёқ Ғозгон мраммидан қурилган. Бу санъат обидаси инқилобнинг ҳурлик қўшиғига ўхшаб турибди. Тошкент Давлат университети, темир йўл вокзали, Туркистон ҳарбий округи, универсал магазин, Новосибирскдаги цирк биноларига ҳам Ғозгон мрамми оро берилган. Янги қурилайтган Ўзбекистон санъат музейи, «Зарафон» ресторани, кўпгина меҳ-

монхоналар, маъмурий бинолардаги устунлар, заналар, панжаралар мрамардан қилинади. Санъат асарлари гўзаллик тимсолига айланади. Мрамар эса абдиат қўшиғидир.

Фозгонда мрамардан қурилган бир ажойиб масжид биноси бор. Унинг барпо этилган йили номаълум. Фақат 1910—1912 йилларда масжидни қайта тузатишган. Бу ншда машҳур устлар Абдурайим Мухандис билан Йўлдош Хайитмуродов ҳам қатнашган. Сўнгги йилларда қаровсиз бу нодир бино эски вайронага ўхшайди. Нафис қишлоқларни чанг-тўзон босиб ётибди. Бу санъат обидасининг шу кўйга тушиб қолишининг сабаби бор.

Биного бир мўсафид ихтиёрий равишда қорувулчилик қилади. Олдида гулзор барпо этади. Бино ичини супуриб-сидиради. Шикаст рехтларини кўпидан келганча тузатади. Бу орада область газетасидан мухбир келиб қоровул отани фельетон қилади. Маълум бўлишча, масжидни зиёрат қилгани келган одамлар қоровулга назир пули ташлаб кетишар экан. Бўлиши мумкин. Бироқ, бу масалага совхоз маъмурияти ёки тарихий ёдгорликларни муҳофаза этувчи ташкилот аралашиб пулли билет жорий этишлари мумкин эди. Тўшган пул бинонинг ўзини тузатишга сарфланарди. Мухбир бўлса суриштирмай фельетон ёзган. Қоровул жинойи жавобгарликка тортилган.

Бу бинонинг қиммати нимада? Аввало, қадимий санъат намунаси эканлигида ва маҳаллий усталар яратганлигида. Иккиламчи, унинг пештоқи гир айлантриб арабча ҳикматлар битилган мрамар тахтачалар билан безатилганлигида. Уларнинг айримлари билан танишинг: «Талаб ул-илми фаризатан минал махди, илал лаҳадни» (Бешкидлик чоғидан то лаҳадга киргунча илм талаб бўлмоқ фарзидир). «Ал илму нззи дунё ва шараф ул-охир». (Ал дунёнинг иззати ва охиратнинг шарафидир.)

Одамларни илм олишга, олижаноб бўлишига ундовчи бундай ҳикматлар кўп. Бу чиндан ҳам зиёрат қилса арзийдиган санъат обидаси. Бинони бирон маданий ўчоққа айлантрирлса бўларди. Музей қилиб қўйиш ҳам мумкин эди. Қишлоқ аҳли шу фикрда.

## ФОЗГОННИНГ ИСТИҚБОЛИ

Қонда Италиядан олинган сим арралар қўлланила бошлади. Бу арралар яхши самара бермоқда. Ҳозирча бу арра фақат мрамарни узунасига кесиб учун қўлланилади. Яқин келажакда кўндалангига кесиб учун ҳам мослаштирилади. Илгари барча ишлар қўлда бажариларди. Қонда атиги бир трактор ишларди. Дастлаб 5—6 юз кубметр мрамар қазиб олинган бўлса, эндиликда 6—7 минг кубметр олинмоқда. 11 трактор мрамар блокларни юқорига пешма-пеш тортиб турибди. Сим арра тўла жорий этилган, бу рақам 15 минг кубметрга етказилади.

Фозгонда мрамарни қайта ишловчи завод қурилмоқда. Бу заводда асосан мрамар плиталар ишлаб чиқарилади. Бундай плиталар Иттифоқимиздаги барча қурилишларда кенг қўлланилади. Завод тўла ишга туширилган, йилга 20 минг квадрат метр мрамар плита етказиб беради.

Мрамарнинг зарраси ҳам қадрли. Сифати бузилган мрамар махсус тош майдаловчи дастгоҳда майдаланиб, пол мозаикаси, сувоқ учун ишлатилади. Кўкунни эса цементга аралаштририлиб, сувоқда фойдаланилади. Саноат учун яроқсиз, юпка мрамарини кўйдириб, оҳак олинади.

Фозгоннинг истиқболи гўзал. Яйдоқ даштада янги ишчилар шўрчаси қад кўтармоқда. Икки қаватли бу уйларда барча имкониятлар — газ, иссиқ ва сувоқ сув муҳайё бўлади. Шаҳарча кўкаламзорлаштирилади. Бирок, шу ўринда бир эътирозни айтиб ўтмоқ лозим. Ишчилар шўрчаси қафтдек текис яйдоқ даштада қурилмоқда. Оқар сув йўқлиги сабабли дов-дарат кўкармаган. Шунинг учун бу ерлар ёзда беҳад иссин, қишда эса сувоқ бўлади. Аммо навойлик лойиҳачили бу табиий шароитни ҳисобга олмай, бетон плиталардан икки қаватли пастак уйлар қуриш режасини тузиб беришган. Маҳаллий аҳоли ёзда салқин бўлиши учун уйлар томин бандан ўтара солишадди. Ҳақи ҳам бўлса, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, уйлар лойиҳасини ўзгартириш керак. Ахир шаҳарча одамлар яшаш учун қурилмоқда. Одамлар яшайдиган жой эса уларнинг талаби, диди, урф-одатига мос бўлиши керак.

Ҳозир қонда 300 киши ишлайди. Завод биттач, ишчилар янада кўпаяди. Фозгонга темир йўл келади. Яқин йиллар ичинда бу кичик қишлоқ катта саноат марказига айлansa ажаб эмас.

Қўшиқнинг умри боқий. Мрамар қони ҳали айтилмаган, айтса адо бўлмас бир қўшиқ. Бу қўшиқ ҳали асрлар оша қуйланади. Бу гўзаллик, нафосат, инсон заковати ҳақидаги қўшиқдир.

ЭМИ УСМОНОВ

# ТИЛИМИЗНИНГ ЗАРГАРИ

Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам...  
Доншмандлар сўз кудратига шу қадар юксак баҳо берганлар. Республикаимизнинг таниқли тилшуноси Олим Усмон ҳам гўзал ва бой она тилимизнинг ҳар бир сўзини дуру гавҳар деб биларди.

Олим Усмоннинг номи ўзбек совет лугатшуноси ва терминшунослари орасида алоҳида кўзга ташланиб туради. Олимнинг илмий фаолияти рангбаранг, у қирқ йилдан бун тил билими соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Олим Усмон 1912 йили ҳозирги Қирғизистон ССРнинг Жалолобод шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Бошланғич ва ўрта маълумотни ўз шаҳрида сўнчилган илк совет мактабида олди. Зийрак, таҳсилга жон-дилидан киришган, идрокли, бўлғуси олим билиминини ошириш учун Самарқанддаги педагогика техникумига ўқишга кириб, уни 1930 йилда яхши баҳолар билан тугатди. Шундан сўнг у мактабларда ўзбек тили ва адабиётдан дарс берди ва Фарғона Олий педагогика институтини битирди.

Илм эгаллашни ҳамisha бурчи деб билган Олим Усмон 1935 йили аспирантурага ўқишга кирарди. Уни муваффақиятли тугатгандан кейин Тил ва адабиёт илмий-тектириш институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

Олим Усмоннинг илмий фаолияти асосан ўттинчи йиллардан бошланди. Серғайрат олим йирик илмий тадқиқот ва методик характердаги ишлар билан шуғулланди. Бетиним мўлаоа ва машқлар самараси бўлган «Ўзбек тили грамматикасидаги формализм ва илмий чалқашликлар», «Ўзбек тили морфологияси дарслиги тўғрисида», «Ўзбек тили дарслигида феълнинг нотўғри талқин қилиниши хусусида», «Ўрта мактабларнинг программаси тўғрисида» каби мақолалари «Маданий инқилоб» газетасида босилди. Бу илмий мақолалар ўз даврида алоҳида принципиал аҳамиятга молик эди.

Республикаимиз ўрта мактабларида ўзбек тили грамматикасини ўқитишни яхшилаш учун Олим Усмон «Ўзбек тили грамматикаси», «Ўрта мактаблар учун ўзбек тилидан программа», «Ўзбек тилининг орфографиясидан машқлар тўплами» каби бир қанча қўлланимлар ёзди.

Истеъодли олим навойишуносликка ҳам катта ҳисса қўшди. «Икки тил ҳақида мулоҳазалар», «Буюк адабий манифест», «Алишер Навойнинг лингвистик қарашлари», «Алишер Навойнинг ўзбек адабий тили учун кураши», «Ўзбек тилини даврлаштиришга доир» каби илмий мақолалари шулар сирасига кирарди. У Навойий юбилейи олдидан ўзбек тили тарихининг жуда мураккаб соҳаси бўйича, ҳам ўрганилган даврин илмий асосда таҳлил қилиб берди. Олимнинг тадқиқотларида олга сурилган фикрлар ва далиллар Алишер Навойнинг тил хазинаси билан чуқур ва апрофилча таниш эканлигидан далолат беради.

Олим Усмон профессор А. К. Боровков раҳбарлигида Алишер Навойнинг «Мухокамат ул-лугатайи» номи асари юзасидан илмий изланишлар олиб борди. Бой материаллар тўплаб, шу асосда 1947 йили кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Олим ўзбек тили илмо қондаларини ишлаш ва тартибга солишдан хайрили нш устида ҳам кўп меҳнат қилди. Унинг «Илмо қондалари» китоби ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, матбуот ва нашриёт ходимлари ҳамда олий ўқув юрталарининг талабалари учун муҳим қўлланма бўлиб қолди. Лугат тузишда катта малакага эга бўлган атоқли олим, ўз ижодий фаолияти давоминда бир қанча илмий тўплам ва лугатлар яратишда иштирокчигина бўлиб қолмай, айни бир вақтда кўндаларни тўлашдан тўплам ва лугатларни вужудга кел-



тиришда жонбозлик кўрсатди. «Қисқача русча-ўзбекча лугат», «Интернационал сўзлар лугати», ҳамкорликда яратган «Ўзбек тилидаги русча интернационал сўзлар изоҳли лугати» сингари асарлари олим ижодининг энг самарали саҳифаларидир. Санаб ўтганимиз катта ишлар ўзбек халқи лугат хазинасининг олтин фондига қўшилган муноси ҳисса десак муболага бўлмайди.

Олим Усмон улуг рус тилининг ўзбек тили тарқиқотида баракали таъсирини илмий жиҳатдан ўрганган ва чуқур таҳлил этган, ижодий ўфқи кенг публицист ҳамдир. Унинг «Рус тилининг ўзбек тилига таъсири», «Саторхон XIX асрнинг ажойиб маърифатпарваридир», «Исҳоқхон маърифатпарвар сифатлари», «Исҳоқхон — рус тили ва рус маданияти тўғрисида» деб номланган рисоалари фикриамизнинг далилларидир. Нашрга топширилган «XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида рус тилининг ўзбек тили лексикасига таъсири» номи икки жилдлик илмий асари олимнинг узоқ изланишлари маҳсулидир.

Олим Усмон катта ижодий такомил йўлини босиб ўтди. Ўзбек терминологиясининг асосчиси Олим Усмон ҳамон изланишда. У қирқ йиллик ижодий фаолиятида турли ҳажмда баркамол илмий мақола, дарслик, монография ва лугатлар тизимини яратди. Гамхўр илмий раҳбар сифатида кўплаб малакали илмий кадрлар тайёрлашда ҳам зўр гайрат кўрсатди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмий-тектириш институти терминология бўлимининг бошлиғи, катта илмий ходим, доцент Олим Усмон қайноқ илмий ҳаётнинг марказида. Ўзбек тилшунослигининг етуқ вакили, ҳаммасб устозимиз, заҳматқаш инсон, улкан билимдон Олим Усмонни олтайиш ёши билан қутлаб, янги-янги ижодий изланишларида унга зарар тилаймиз.

Абдусалом ҲУСАНОВ,  
Хуррам САЛОМОВ



Индустриал манзара.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

## ШУВОҚДАН ОЛТИН

Ерда олтин соф ҳолда кам учрайди. У кўпинча қотишма тарзда нумуш, мис, нўргошин, рух, шунингдек, оз бўлса-да, платина билан қўшилган ҳолда топилади. Узига хос физик хусусиятлари, масалан, ранги, солиштира оғирлиги, қаттиқлиги, эриш ва қайнаш даражалари жиҳатдан бошқа элементлардан некин фарқ қилади.

Соф олтин кимёвий эритмалар ва бошқа ташқи омиллар, чунончи, ҳаво ва сув таъсирига чидамли бўлиб, сира зангламайди. Ранги таркибидagi элементлар туфайлигина узғариши мумкин. Олтинни фақат энг нуқли хлор ва азот кислоталари аралашмаси эрита олади.

Олтин фақат ер қат-

ламларидагина эмас, балки океан ва денгиз сувларида, ҳатто ўсимлик ва ҳайвон организмларида ҳам учрайди. Олимпнинг тажрибаларига қараганда, бир тонна океан сувида тақрибан 1 миллиграмдан 10 миллиграмгача, бир куб метр денгиз сувида эса 0,01—0,04 грамм олтин бўлади. Шунинг айтиш керакки, океан ва денгиз суви тарихидан олтин ажратиб олиш усули ҳали топилган эмас. Ҳисоб-китоблар дунё океани суви тарихида жами 10 миллиард тонна олтин борлигини кўрсатади. Шунинг учун денгиз ва океан сувларидан бу қимматбаҳо металлни ажратиб олиш муаммоси кўпчиликни қизиқтириб келди.

Бундан 5—6 йил муқаддам академик Ҳабиб Абдуллаев номидagi Геология ва геофизика институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари Ленин мукофоти лауреати, профессор И. Ҳамрбоев раҳбарлигида нодир маъдан конларини ўрганишда биогеохимия—

ўсимлик таркибидagi элементларга қараб конларни топиш усулини қўллаб, яхши натижага эришдилар. Ҳисоб-китоблардан шундан маълум бўлишича, бошқа ўсимликларга нисбатан шувонда олтин зарралари кўп тулланди. Бир тонна шувонда 125 грамм олтин зарраси ҳамда 0,03 процентгача мис бўлиши аниқланди.

Бундан ташқари, сочма олтин маинажўхори поясида, сўтаси ва баргларида, айрим ҳайвонлар организмларида ҳам борлиги фанда аён.

Ер қўбигида олтин икки тарзда: яхлит ва сочма ҳолда учрайди. Би-

ринчиси магматик тоғ жинси, кварц томири жинслари билан боғлиқ. Иккинчиси кум, шагал, юмшоқ қатламли жинслар орасида учрайди. Сочма олтин яхлит олтиннинг емирилиб, майда заррачаларга айланишидан ҳосил бўлади.

Соф олтин ҳамма қитъаларда ҳам бор. Унинг ҳажми, оғирлиги турлича. 1885 йили Австралияда 68 килограмму 98 граммли, 1883 йили Уралда 36 килограмми, 1905 йили ана шу ерда 13 килограмму 722 граммли яхлит соф олтин топилган. Бундай олтин СССРнинг турли районларида, чунончи, Сибирь, Урал, Олтой, Байкал, Қозғоғистон ва Урта Осиёда ҳам топилган.

Республикамаида соф олтин Мурунтоьда, Чотқол, Курама, Зарафшон, Нурота ва бошқа тизма тоғларда учрайди. Урта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда бундан қарийб икки минг йиллар аввал ҳам халқ олтин қазиб олиш

билан шуғулланган. Кишилар Жайхун қирғоқларида қум ва бошқа майда жинсларни қўй терисига солиб ювиш йўли билан сочма олтинни ажратиб олганлар. Уша неزلарда дарё яқинидаги баъзи қишлоқларда олтин ювиш касб бўлиб кетган. Шундай қилиб, бронза ва темир даврларидан бошлаб, одамлар бу қимматбаҳо элементларни яхши билганлар. Абурайхон Беруний асарларида олтин ва бошқа нодир минераллар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Улуғ Октябрё социалистик революциясидан кейин Ўзбекистонда геология-қидирув ишларининг гуриқраб ривожланиши натижасида кўп-кўп қазилма бойликлар, жумладан, олтин конлари топилиди ва ишга туширилди. Булар тиниб-тиничмас геологларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

**М. МИРБОЕВ,**  
геология-минералогия  
фанлари кандидати

# ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИДА

**С**обит акага бу совуқ хабар кечасиёқ етиб келди. Салкам йигирма йилдан бери турли-турли жиноятларни текширган, одамларга йўл-йўриқ кўрсатган, ҳукми чиқарган... Узица, дийдам қотиб кетса керак, деб ўйларди. Йўқ, янглишган экан, ҳануз кўниколмайдди. Жиноят содир бўлганини эшитса, юраги эзиллиб кетади. Неча кунгача гарангсиб, таъби тирриқ бўлиб юради. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бешқайроғоч массивида ўтказилган тўйда кейф устида биров бировга пичоқ уриб қўйганини эшитишда кўнгли номозим бўлиб кетади. Шу топдаёқ жиноят содир бўлган жойга югурмоқчи бўлган эди, безори қўлга олинганини, гувоҳлар сўроқ қилинганини эшитиб тинчиган бўлди. У ҳовлига чиқиб анчагача кезинди-да, кириб ўрнига қўзилди. Уйқиси келавермай, у ёношидан бу ёношига ағдариллавериб тинкаси куриб кетди. Дикинафас бўлиб ўрнидан турди. Паришон бир аҳволда уй ичиде охишта одимлай бошлади.

Тавба, ҳар кимнинг ўз бошанаси, ризқи-насибаси бўлса, нега ўғрилиқ, хунрезлик қилишар экан-а? Тинчгина яшаса бўлмасмикан? Агар ҳар ким ақл-ндокор билан иш қилганида, жиноятлар содир бўлмаганида Собит акага ўхшаш суд ҳодимлари ҳам бошқа бирон тиркичилик билан машғул бўлишарди. Лекин ҳозирча у халқ судининг раиси. Бу масъулиятли вазифага фақат адашганларни жазолаш учун эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш учун сайланган. У ўз вазифасини унда-лаша жиддий ўринида. Буни 1970 йилнинг биринчи ярмида содир бўлган жиноятлар билан бу ярим йилликдаги жиноятлар сонини солиштириб билса ҳам бўлади. Жиноятлар, безорилик, ўғрилиқ анча камайди. Шунинг ўзиёқ унинг халқ тузини беқор ичмаётганидан далолат бериб турибди. Бирок, мана бутун бир оғир жиноят содир бўлибди. Демак, у мана шу жиноятнинг олдини ололмабди. Худди шу маҳаллада жиноят содир бўлиши мумкинлигини кўра билмабди. Уша маҳаллага бриктирилган активлар яхши ишламаган. Маҳалла активлари бўшанглик қилишган. Уларнинг ишини вақтида назорат қилиб туриш керак эди. Жароҳатланган одамнинг аҳволи унча кўрчинчли эмасмиш. Лекин жиноятнинг катта-кичиги йўқ. Айбдор қонун олдида жавоб бериши керак.

Собит ака яна ташқарига чиқди. Уфқнинг бир чети бўзариб қолган эди. Ҳадемей тонг отади. Тезроқ кун ёриша қолса эди. Тун ҳавлларини яна ҳам оғирлаштириб юборди. Юраги худди тош қўкиб қолгандек.

У жиноят келиб чиқадиган асл сабабларни яхши билади. Бу энг аввало оилда болага нотўғри тарбия беришдан бошланади. Болани бир ёшлигиданоқ нотўғри ҳулқ-аъвордан, ўзибалармончиликдан тийиб келинмаса, уйлаётгани сайин кўз илгамас қўсурлар йиғила-йиғила катта бир нуқсонга айланади. Жиноят ҳам томчиллаб йиғилади. Яна бир манба — ичкилик. Собит ака баъзи одамларнинг ичкиликка бунча ружу қилишининг боисини ҳеч тушунолмайди. Ахир кишининг бообрў бўлишига, оилда нифоқ чиқишига, соғлиққа пурут етишига, ҳалокатга юз тутишга шу ичкилик сабабчи-ку! Шундайлигини билатуриб нега одамлар бу «кишини сизирнинг сутини» бунчалик хуш кўрадилар. Мана «Илгор» маҳалласида тўйлар ҳам ичкиликсиз ўтказилмоқда. Бир чиройли, ҳамма шод-хурсанд. Демак, ичкилигини дастурхонга йўлатмаслик мумкин экан. Нега бошқа маҳалладагилар улардан ибрат олишмайди? Собит аканинг ўзи «Илгор» маҳалласида кўп бўлган. Савол-жавоб кечалари ўтказган. Уртоқлик судининг йиғилишларида иштирок этган. Ҳозир бошқа маҳаллаларда ҳам турли хил кечалар ўтказилмоқда. Кеча мавзусига қараб ё милиция, ё маориф ходимлари ҳам таклиф этилмоқда. Ҳисобот кечалари айниқса катта қизиқчи ўйотмоқда. Одамлар маҳаллада бўлган яхши-ёмон ишларни аниқ-таниқ билиб оладилар. Бошқа ибратли иш олиб бораётган маҳаллалар тажрибасини ўрганишга интилиш кучаяди.

Собит ака яна уйга кириб соатга кўз ташлади. Нима бало, вақт у билан ўчакшияптими? Мунча мирилмасас? Идорага боргани билан, бари бир, ҳозир ҳеч кимни тополмайди. Шу топда муаллимларнинг сузлари ёдига тушди: «Сабр-тоқатли бўл,— дейишарди улар.— Бу ҳуқуқшунос учун жуда зарур. Шоқлакчилик билан қилинган ишнинг охири вой. Ҳукми чиқаришга ошиқма. Эринмасдан текшир. Суриштир. Чунки сенинг ҳукминг

бир одамнинг тақдирини ҳал қилади». Собит ака бу ўғитларга ҳамиша амал қилиб келган. Ҳозир ҳам устозларнинг панду насихатлари сабрсиз типирчилаётган юрак ҳоврига сув пурагандай бўлди.

Собит ака қирқ икки ёшга кирди, кўп йилдан бери коллективага бош. 1953 йили Тошкент Ҳуқуқшунослик институтини тугатгандан буён район, шаҳар, область судларига ишлайди. 1965 йилдан бери Тошкентнинг Октябрь район халқ судининг раиси. Тўрт сайловдан буён район Советининг депутаты. Унинг депутат сифатида олиб бораётган ишлари ҳам мақтовга лойиқ. Одамларни турар жой билан таъминлаш, мактабларга моддий ёрдам кўрсатиш, маданият ўчоқларининг фаолиятини кучайтиришга ҳам бош-қош. Халқ унинг хизматидан мамнун. Лекин Собит ака ўзидан қўнгли тўлмайди. Райондаги ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракати учун ўзини жавобгар ҳис этади. Бирон ноҳўй ҳаракат содир бўлгудай бўлса борми, ҳаловати йўқолади. Шу сабабдан бирон дақиқа бўш вақти йўқ. Ҳаммиша банд. Уни ишхонада, гоҳ маҳалла активлари даврасида, гоҳ мактаб залларида учратасиз. У қонунни яхшиликка, эзгуликка ишлатишни истаيدди.

...Собит ака хонага етиб келдию қабулхонада ўтирган усти-боши башанг йиғитни ичкарига таклиф қилди:

- Бешқайроғоч массивиданмисиз? — деб сўради Собит ака жойига ўтиб ўтираркан.
- Ҳа. Чақиртирган экансиз.
- Тўйда жанжал чиққанда бормидингиз?
- Ҳа.
- Маҳалла актив экансиз, бир безори бировни пичоқлаб қўйгунча қараб турдингларми?
- Қизикмисиз... қўлида пичоқ бор экан ахир...

- Маҳаллада нима қиласиз
- Очқинни айтсам, ўзим ҳам аниқ билмайман,— дея чучмал жавоб берди йиғит.— Тўй-ҳашамларга аралашиб юраман.
- Қерда ишлайсиз?
- Институтда илмий ходимман.
- Шунанга денг? — Собит ака истеҳзоли оҳангда гапирди. Агар маҳаллада сиздай ақлдан яна бир-иккитаси бўлса судларнинг сонини ошириш керак бўларкан.— У «гап тамом», дегандек ўридан турди.— Майли, сизга жавоб. Керак бўлиб қолсангиз, чақиртирамиз.

Собит ака унинг орқасидан кузатиб қоларкан «Авал сенга ўхшаш актив номинга иснод келтирадиганларнинг кўзини очиб қўйиш керак», деб ўйлади. Кейин ўтириб шу жиноятга алоқадор бўлган ҳужжатларни кўздан кечирди. Милицияга телефон қилди. Прокуратурадагилар билан маслаҳатлашди. Бу иш билан шуғулланишга тажрибали ҳуқуқшунослардан бирини тайинлаб, ишни изчил ўрганиш ва судга тайёрлашни буюрди. Сўнгра, депутат сифатида, сайловчиларни қабул қила бошлади. Икки мўсафид кирди. Собит ака чой-хона учун жаҳозлар ундиршга сўз бериб, уларни хурсанд қилиб жўнати. Тушга яқин жиноят содир бўлган маҳалла комиссиясининг раиси билан тўй эгаси келди. Маълум бўлишича, жиноятчи бообрў одамлардан бирининг ўғли экан.

— Унча-мунча ичшини айтмас, туппа-тузук йиғит эди,— деди маҳалла комитетининг раиси.— Ҳамма касофат яна ичкиликдан чиқди. Районимизда умуман ичкилик соттирмай қўйсак бўлмай-дими?

— Бўлади. Шундай кун ҳам келиб қолса ажаб эмас. Дунёда удаллаб бўлмайдиган иш йўқ. Лекин ҳозир гап сиз билан бизда. Мана сиз «Ичкишини айтмас» дедингиз. Ахир айтмай бўладими? Ичадиган одамни қачонгача «туппа-тузук йиғити» деб мактаймиз?

Бу гап қарияларни ўйлатиб қўйди. Аслида бу фикрни Собит ака ўзига ҳам таъкидлаётган эди... У дараза олдига келиб сертакчи ючига тикилганича узоқ туриб қолди. Турли қиёфадаги одамлар шоша-пиша у ёқдан бу ёққа ўтиб туришибди. Ҳаммасининг дилида бир яхши ният бор. Ҳаммасининг ўзига яраша ташвиш, оруз-умиди бор. Агар шу одамлар орасида ҳаромхўрлик, разилиқни ўйлайдиган айрим шахслар бўлмаганида эҳтимол шу топда Собит ака ҳам бирон бир қорхонада азамат дастагонинг мураватини бураб турган бўлармиди? Юраги жаз-жаз ачишиб одамлар устидан ҳукми чиқариб ўтирмасмиди? Умидли дунё... Шундай кун ҳам келар. Шояд шундай кун тезроқ кела қолса.

Э. УМАРОВ

# ЭҲТИЁЖ

# БИЛАН

# ҲИСОБЛАШМАЙ

Қўқон, Фарғона педагогика институтлари ва Қўқон педагогика билим юрти узоқ йиллардан бери мактаблар учун малакали кадрлар тайёрлаб келмоқда. Марғилондаги Мактабгача тарбия билим юрти эса болалар боғчалари ва ясилари учун мураббиялар етиштиради. Мазкур ўқув юртларини битирувчилар асосан Фарғона билатли мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларига ишга борадилар.

Областдаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг педагог кадрлар тайёрлашдаги кўп йиллик самарали хизматларидан жамоатчилик мамнун. Лекин, афсуски, уларнинг кадрлар тайёрлашдаги фаолияти билан ҳаёт эҳтиёжи ўртасидаги муносиблик кейинги вақтларда анча бузилмоқда. Бу ҳол жамоатчиликни маълум даражада ташвишлантираётди.

Фактларга мурожаат қилайлик. Қўқон Педагогика институтида бир неча йил муқаддам бошланғич таълим методикаси факультети ташкил этилган эди. Шундан бери факультетнинг кундузги ва сиртки бўлимлари ҳар йили 300—400

# ЯХШИЛАР

# ХИЁБОНИ

Машҳур мураббий А. С. Макаренко кишиларда янги дунёқарашни шакллантиришда аъёнанинг аҳамиятига тўхталиб: «Коллективни ҳеч нарса аъёна каби тарбиялай олмайдми», деган эди. Аъёна тарихий тараққиёт жараёнида таркиб топган, авлоддан авлодга ўтиб, жамоатчилик томонидан ривож қилинадиган урф-одатлар, ижтимоий ахлоқ ва муносабатларнинг умумлашган, барқарор принциплари. Дохиймиз В. И. Ленин ёшлар курашчиларнинг инқилобий аъёналаридан ўрнак олиб, сиёсий савияларини кенгайтиришлари кераклигини васият қилган эди.

Революцион аъёналар кишиларни жанговарликка, сергакликка, Ватан ҳимояси йўлида фидо-

олий маълумотли бошлангич синф ўқитувчиси етиштириб чиқараётди. Битирувчиларнинг аксарияти яқин жойларга, яъни Қўқон шаҳридаги ва Қўқон атрофидаги район мактабларига ишга бормоқдалар. Бунинг устига қинда 50 йиллиги нишонланган «Правда» номи педагогика билим юрти ҳам Қўқон шаҳрига жойлашган. Билми юрти ҳар йили 150—200 бошлангич синф ўқитувчиси тайёрлайди. Бу кадрлар ҳам Қўқонда ва Қўқон атрофидаги районларда ишламоқдалар.

Утган йили Қўқон Педагогика институти бошлангич таълим методикаси факультетининг кундузи бўлимини 102 студент битирди. Сиртки бўлимини эса 179 киши тамомлаб, бошлангич таълим бўйича ихтисос олдди. Қўқон Педагогика билим юртини 170 йигит-қиз тугатди. Бу жараён йил сайин давом этмоқда. Оқибатда Қўқон шаҳридаги ва шаҳар атрофидаги район мактабларига бошлангич синф ўқитувчисига эҳтиёж табиий равишда сўниб бормоқда. Шу тўғрисида ҳам Қўқон Педагогика институти маълумияти бошлангич таълим методикаси факультетининг кундузи бўлимини битирган йигит-қизларни шаҳар ва районларга ишга тақсиллашда анча қийналмоқда.

Баъзи районларда бошлангич синф ўқитувчилари ҳатто ортиқча. Мактабларда уч йиллик бошлангич таълимга қўчиш муносабати билан бу ортиқчилик янада аққолроқ сезилмоқда. Масалан, ҳозирги ўқув йилида Ленинград районига 63 бошлангич синф ўқитувчиси ортиб қолди. Уларни иш билан таъминлаш масаласи талай қийинчиликлар тугдирди. Мазкур ўқитувчилардан 19 киши юқори синфларга фан ўқитувчиси қилиб тайинланди. 26 киши мактабга тарбия муассасаларига ва бошқа ташкилотларга ишга жойлаштирилди. қолган 18 ўқитувчининг 6 таси педагогика институтининг бошлангич таълим методикаси факультетини, 12 таси педагогика билим юртини тугатган эди. Шунга қарамадан, уларнинг 2 тасини бош пионервожатий, 4 тасини лаборант, 5 тасини кутубхоначи, 7 тасини кунли зайтирилган гуруҳларга ва бошлар бoғчаларига тарбиячи этиб тайинлашдан ўзга чора қолмади.

Урни қолганда шунинг айтиб ўтиш керакики, мактабларга янги келаяётган ўқитувчи кадрларнинг баъзилари янги йўв программасидан мутлақо беҳабар. Узоқ муддат давомида мактабда ишлаб, катта тажриба тўплаган ўқитувчилар ҳам янги программа бўйича малака ошириш курсларига юборилаётган бир пайтда, амалий тажрибага эга

бўлмаган, бунинг устига янги ўқув программасидан беҳабар ўқитувчининг дарс бериши тўғри эмас. Шунинг ҳисобга олиб, Ленинград район халқ маориф бўлими Қўқондан диплом билан келган Замира Ёкубова эски ўқув программаси бўйича иш қўрувчи 3-синфин берди. Сорахон Мелибоева билан Хурсандой Акбаровга бош пионервожатийлик вазифаси тегди.

Фаргона районларидаги аҳоли Қўқон районларидаги аҳолининг таломи ақси.

Маълумки, областининг Фаргона зонасида иккита педагогика ўқув юрти — Фаргона Педагогика институти ва Марғилон мактабга тарбия билим юрти бор. Бироқ, улардан бирортаси ҳам бошлангич синф ўқитувчиси тайёрламайди. Бунинг оқибатида Фаргона районларида бошлангич синфлар учун мутахассис кадрлар етишмайди. Янши ҳамки, 4-синф фан ўқитувчиларига ўтиб, бу етишмовчилик қисман барҳам топди.

Марғилон Мактабга тарбия билим юрти талай йиллардан бундан фақат болалар бoғчалари ва яслилари учун мураббийлар тайёрлаш билан машғул. Бунинг натижасида Марғилон, Фаргона районларидаги мактабга тарбия муассасалари малакали кадрлар билан деярли тўла таъминланди. Айрим жойларда мактабга тарбия ходимлари ҳатто ортиқча. Шу тўғрисида талай кадрлар бошқа ихтисослар бўйича ишламоқдалар. Масалан, Азиза Тожиалиева, Малика Исмоилова, Зайнаб Байрамова, Руқия Хожихонова, Патилла Қарабоева, Тожихон Ғойибова, Фарида Бекбоева, Руқия Хошимова сингари 16 мутахассис Марғилон шаҳридаги мактабларда дарс беришмоқдалар, Ханифа Юсупова, Мақсуда Шерматовна, Матлуба Рўзбоева, Орзухон Матқурбонова каби хотин-қизлар Марғилон Мактабга тарбия билим юртининг дипломи билан шаҳардаги мактабларда кунли зайтирилган гуруҳларда ишламоқдалар.

Шаҳар халқ маориф бўлимидаги ўртоқларнинг айтишларича, Марғилон Мактабга тарбия билим юртини тугатган мураббийлардан 100 дан зиёдроғи мактабларда ишлаб турганлари ҳолда педагогика институтиларидан сирдан ўқимокдалар. Бу ҳол мактабга тарбия бўйича тайёрланган мутахассисларнинг маълум қисмидан айрилиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Марғилон Мактабга тарбия билим юртини ўтган йили 274 қиз битириб қикди. Ана шу кадрларнинг аксарияти областининг Фаргона зонасида қолди, турли ташкилотларга ишга жойлашди.

Фаргона зонасида аҳоли шундай бўлгани ҳолда, Қўқон районларидаги мактабга тарбия муассасалари ихтисоси кадрларга ниҳоятда муҳтож! Бунга мисол қилиб, Ленинград ва Бағдод районларидаги аҳолини кўрсатиш мумкин.

Партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда колхоз ва совхозларда мактабга тарбия муассасаларининг ишини яхшилашга алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Шу ғамхўрлик тўғрисида Ленинград районига 57 доимий болалар бoғчалари ташкил этилди. Уларда 2.889 бола тарбияланмоқда. Аммо мазкур тарбия максанлари ихтисосли кадрлар билан тўла таъмин этилгани йўқ. Бунинг қўйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин. Райондаги 57 бoғчада 124 тарбиячи ишламоқда. Шу тарбиячилардан фақат 31 киши махсус маълумотли мутахассис. Улардан 63 киши умумий ўрта, колган 30 киши эса тўлиқсиз маълумотли хотин-қизлардир.

Районнинг истиқбол планига кўра, 1975 йилгача яна 26 та доимий болалар бoғчалари ташкил этилади. Демак, жами 423 мутахассис кадр керак бўлади. Бу ҳусусда жиддий ўйлаб қўриш зарур. Бoғдод район колхозларидаги 29 та доимий болалар бoғчаларида ишлаётган 82 ходимнинг фақат 4 таси махсус маълумотга эга.

Областининг Ўзбекистон, Фрунзе, Киров районларидаги мактабга тарбия муассасалари ҳам мутахассис кадрларга эҳтиёж ғоят катта.

Областининг Фаргона зонасида бошлангич синф ўқитувчилари оз, мактабга тарбия соҳасида мутахассис кам. Аксинча, Қўқон зонасида бошлангич синф ўқитувчилари кўп, мактабга тарбия бўйича мутахассис кам.

Бу ҳолини тўзатмоқ учун, аввало, Қўқон Педагогика билим юрти билан Марғилон мактабга тарбия билим юртининг кадрлар тайёрлашдаги вазифаларини алмаштириш керак. Ҳар иккала билим юртида ҳам бошлангич синф ўқитувчилари, ҳам бoғча мураббийларини тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Қўқон Педагогика институтида мактабга тарбия факультети, Фаргона Педагогика институтида таълим методикаси факультети ташкил этиш керак. Область партия комитети, маориф бўлими, бoғча тегишли ташкилотлар жамоатчилигининг талаб-эҳтиёжини ҳисобга олиб, зарур тадбирларни амалга оширадилар, деб умид қиламиз.

Анвар МУҚИМОВ

Фаргона

## Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

ийлик руҳида тарбиялайди, кекса авлоднинг жасоратини, эзгу ишларини қадрлашга ўргатади. Шу сабабли ҳам республикамизда кейинги йилларда революцион аъёнларга ғоят катта эътибор берилмоқда. Революция ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган юртдошлар хотирасини абадийлаштирувчи ёдгорликлар тикланмоқда, шон-шухрат клублари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съезди материалларида қайд қилингандек, республикамизда яқин йилларда тўрт минг шон-шухрат хонаси ва клуби ташкил этилди, 949 ҳайкал ва ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Чунончи, Бухоро областининг Ромитан райони марказида, Гиждувор район «стирохат бoғида фашистлар Германиясига қарши курашда шаҳид бўлган жангчилар шарафига қосиматли ёдгорликлар ўрнатилди. Шофиркон, Қоғон районларида ҳам шундай ёдгорликлар тикланган. Бухоро тўқимачилик фабрикасида Жанговар ва меҳнат шухрати музейи очилди. Музейдаги ҳар бир экспонат ёшларни отаглар изидан бoғриша, меҳнатда ибрат кўрсатишга ундайди. Фабрика ёшлари улуг айёмларда марҳум ишчилар қабрини зиёрат қилиб, гул ва дархат кўчатлари ўтказишади.

Гиждувордаги Ленин номи колхозда 30—40-йилларда Улфатбиби Бекназарова, Файзулла Юнусов каби машҳур пахта усталари ўтган. Шу кунларда эса Ҳусанова, Ҳамидова, Очилов сингари дондор пахтакорлар меҳнат қилмоқдалар. Колхозда ўтказилган «Касбим — фахрим» кечесиде кекса деҳқонлар касб-кор ҳақида тўқиниланиб сўзладилар. Ёшларга меҳнат дафтарчалари тантанали равишда топширилди.

Баъзи замонавий расм-русмлар турмушимизга жуда секинлик билан сингиб бормоқда. Бу ўринда дафн маросимларини кўзда тутмоқдамиз. Ҳали талай жойларда дафн маросимлари дин пешво-

ларининг фаол иштироки ва йўл-йўриги билан ўтказилаётди. Областимизнинг баъзи районларида таъзия, жанозага келган эриқларга йиртиш бериш, ҳатто пул улашиш каби ярамас одатлар учраб туради. Яқинда Қоракўл районига дафн этиш маросимига қатнашиб, жуда ҳижолатда қолдик. Маросимга узоқ-ақиндан олти юздан зиёд киши тўплаган эди. Қабр бошида одамларга олти юз сўмдан ошқ пул улашиб қикди. Кейинчилик марҳумнинг «руҳи» учун ўтказилган марзақаларга ҳам озмунча харажат талаб қилинадими!

Таъзия билдириш — энг яхши одатларимиздан бири. Унинг замирида софдиллик, одамийлик каби инсоний хислатлар ётади. Инсоний қадрлаш, улуғлаш унинг дафн этиладиган жойлари билан ҳам белгиланади. Шунинг учун республикамиз ҳукумати қабристонларни марказлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини маҳаллий советлар зиммасига юкляди. Шундан бери Бухоро областининг шаҳар ва қишлоқларида анча хайрли ишлар қилинди. Қаровсиз ётган кўлгина қабристонлар ободонлаштирилди, атрофига девор олинди, гулзорлар барпо этилди. Шофиркон районининг Куйбишев номи колхозидеги марказлашган қабристонни кекса пенсионерлар бош бўлиб, янтоқлардан тозаладилар, йўл ва кўприклар қурдилар.

Аммо ҳали тўрт тарафи очик қабристонлар бор. Қабристонларини ободонлаштириш деган сўз ҳаддан ташқари катта маблағ ҳисобига катта маҷитлар қуриш, «қадамгоҳ» жойларни қайта тиклаш эмас, албатта. Қабристонларини ободонлаштириш иши, биринчидан, маҳаллий ташкилотларнинг вазифаси бўлса, иккинчидан, ҳар бир инсоннинг марҳумлар хотираси олдидаги бурчи. Ҳар бир қабрда бутун бир тарих яширин деган ҳикमत бор. Шунинг учун ҳам Самарқанд, Хива, Бухородаги юксак санъат обидалари ҳисобланган зиёратгоҳларни кўз қорачиқидеги асрамоқдамиз.

Авлодларини эслаб баъзилар қўй-қўқор сўйиб, катта-катта маросимлар ўтказадилару ота-оналари қабрларининг оёкоти бўлиб кетишига парво қилмайдилар. Яқинда бир тенгдошиминиқа отасининг вафоти муносабати билан таъзия издор қилиш учун бордик. Унинг уйда кўп суратлар осылдиқ турарди. Аммо марҳум отанинг бирон-та ҳам сурати кўринмас эди.

— Сиз учун қанчалар машаққат чеккан падари бузрукворингиздан биронта ҳам расм хотирага қолмаган экан-да! — деб сўрадик ундан.

— Узлари истамасдилар, — деб жавоб берди у ҳўрсиниб.

Маълум бўлишича, ота билан ўғил ўртасида узоқ йиллардан бундан борди-қелди, меҳр-шафқат бўлмаган. Афсуски, ҳаётда бундай мисоллар баъзи-баъзида учраб туради. Бейхитёр Мақсуд Шайхзоданинг қўйидаги рубоийси ёдга келди:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб саяланг!  
«Салом» деган сўзнинг салмоғини оқланг.  
Улганга юз соат йиғлаб тургандан —  
Унинг тиригида бир соат ёқланг!

Марҳумнинг қабрини эиёрат қилиш, гуллар экиб қўйиш вафо ва садоқат рамзидир. Жамоатчилик қабристонларини ободонлаштиришни ҳамма жойда яхши йўлга қўйиши керак. Қабристонлар келгусида яхшиларни эслаш хиббонига айланади. Бунни кекса шoirимиз Собир Абдулло шундай тавсиф қилади:

Ўғзазиб гул, арчалар бу ерга, эй аҳбоблар,  
Гоҳ-гоҳ ўтганда бунда сув қўйиб парво қилнинг.  
Гул очилган чоғда сайр айлаб, улуг авлодларни,  
Шунда «қабристон» деган шум номни мустасно қилнинг.

О. ВАФОВ,  
А. ҲАСАНОВ



Сахий нуз незьматлари

С. БЕЗНОСОВ фотеси

# ТАБИАТНИНГ ТУЙҒУН КУЙЧИСИ



Шоира Зулфия «Мен тонгин куйлайман» сарлаҳали автобиография мақолисида «...қорли тоғларга, осмон мусаффо бўлган чоғларда ёрқираб ҳайратга соладиган азият тоғларга мафтун эдим, чунки менинг тушунчма ва тасаввуримнинг уфи ҳам, юксаклиги ҳам уша ерда тугар эди, тунлар эса юлдузларнинг сирли, сеҳрли оламида адашиб, ҳайратда гоҳ энтишиб, гоҳ интичиб, маст уйғу-га кетар эдим», деб ёзган. Чиндан ҳам Зулфия гўзал табиятнинг чинакам шайдоси. Унинг илҳом ҳақида табият гўзаллиги билан омухта; шеърларида серкуёш ўлкамиз табияти бутун гўзаллиги билан намоеён.

Зулфиянинг «Висол» китобидаги шеърларда мағзи тўқ фикрлар, тўқинчи ҳис-аҳтирослар тугён уради. Улар шоира бир дунё илҳом билан куйлаган «киргонча тўқиндан тош отувчи шалоба»-дек тошқин. Шеърларда меҳнат мадҳисини, қалбларга заъв берувчи севги таронаси, дилларини эриловчи баҳор гўзаллиги, коммунист иродасининг янгрёқ саҳоси, оташин ҳарорат бор.

Ҳарорат не ўзи?

Ҳарорат, ҳарорат!  
Е меҳр маст этган кўзларини боқиши?  
Кўксингни тоғ этган самийи мулоқот,  
Минг дилда бир тонгинг нуралини оқиши?

Шоира ҳамма жойда ҳароратга дуч келади, уни илҳомли қалбига жойлайди. Фарзандини кўрганда, дўст-қардошлар билан учрашганда, уйда, куйида, ўрмонда, саҳрода, учраган ҳар одам, янграган ҳар садода ҳарорат кўради. Буларнинг ҳаммаси шеърларда ўтли мисраларга айланади.

Шоира айниқса табиятни қаламга олганда кўйсига ҳислар бўрони тўқин уради. У табиятнинг ҳар бир ҳодисаси, ҳар бир манзарасидан ин-

1 Зулфия. Висол. Шеърлар, дostonлар. Гафур Гулом номидан Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент—1972.

мадир айтиш, ижтимоий гоҳ талқин этиш учун фойдаланади. Улар яратувчи инсонини улуғлаш, замонамиз кишиларини характери, фазилатларини ифодалаш, уларнинг онги ва тушунчасидаги ўзгаришларни кўрсатиш ва лирик ҳақрамон қалб диалектикасини психологик оламни ёрқин очиб учун хизмат қилади. «Нур» шеърига диққат қилинг: шоиранинг онаси «ухла», деб чироқни ўчириб кетади. Борлиқни қоронғилик қоплайди. Аммо чироқ ўса-да, шоира кўз ўнгини да поёнсиз яқин-йироқлар гавдаланади:

Чироқсиз уйда ҳам ёруғ дил билан. Кезиб чиқиш мумкин жаҳонин бутун. Тандингизда зулмат қолмаган экан. Тунда ҳам бир нурали шеър ёзиш мумкин.

Шеър мантиқига синчковлик билан диққат қилинса, унда ташқи томондан кўзга ташланувчи контрастан (қоронғилик ва ёруғликдан) ташқари ички мазмунда ҳам контраст мавжудлиги сезилади. Шоир куйиш нури билан Илҳом ёққан нурини қиёс этади.

Куз ҳақида яратилган шеърлар ўзбек адабиётида жуда кўп. Аммо Зулфия «Олтин куз» шеърини куз манзарасини ўзига хос йўл ва усул билан тасвирлаб, бошқа имодюрлар нигоҳи килмаган томонларни ўнвучига етказган олган. Шоира нузани таърифлар экан, асосан унинг ташқи белгилари, зоҳирий кўринишларига диққатини қаратади. Саноқ асосида нафис тавҳарларни шундай маҳорат билан тарақини, оқибатда кўзнинг бутун тўқинлиги ва гўзаллиги яроқ этиш кўзга ташланади. Бу куз — Ўзбекистон ерида етилган, шу она тупроқ заминда балоғатга етган. Шу туйғайли куз гўзаллиги китобхон тафаниқурда Ватан гўзаллигига айланади ва ўнвучи қалбига гўзал Ватанга меҳр-муҳаббат ҳиссини тошириб юборади.

Зулфия шеърларида граждонли туйғуси, жаҳон халқлари тақдирини ҳақида ўй суриш, интернационал дустликни улуғлаш тенденцияси кучайиб бормоқда. У жаҳон ҳақида халб суради, унинг ҳамма бурчагида бахт ва

озодлик нури чақнаб туришини истайдди. Бу эзгу йўлдаги ижобий қадмларни кўрганда қалбига баҳор чаман ёйди, қабоҳатларга дуч келганда эса аччиқ алам дилини эзди. Бу жиҳатдан унинг «Мушоира» асари айниқса характерлидир. Вера Инбер «Шеър тасаввир воситаларининг бойлиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ...фикрларнинг теранлиги туйғуларнинг талқини билан ҳамоҳанг. Ундан ҳақиқат халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун янграган позитивнинг садосини ашитиб турасан киши», деб ёзган эди бу шеърни таҳлил этиб. Шеър халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигининг лирик гимни бўлиб жаранғайлади:

Ҳаёт гўзаллиги, шеърлигининг  
Ениқ нафасига тўлсин бу жаҳон.  
Хавфдан халос бўлган башариатнинг  
Кўшининг тўқисин овоз, тинч инсон!

Зулфиянинг Қозоғистон ҳақидаги шеърлар туркуми ҳам ўзбек шеърлиятига воқеа даражасига кўтарила оладиган асарлардир. Унинг «Кўчатов», «Уклар жингали», «Булуғ ўйини», «Валхаш оқшони», «Қармон» каби шеърлари ҳаётини деталлар, чуқур фикрлар, бадиий бўёқлар билан кишини сеҳрлаб қўйди. Шоира мисраларда дўстларга иссиқ меҳр, ҳурмат-аҳтиром дарё мавжлариден тўқинди.

Тўпламдан шоиранинг «Кўшлди қалам» достони ҳам ноий олган. Зулфия унда ўзбек адабиётининг йирин намоиядиси, катта қалб эгаси Ойбекнинг бадиий образини яратилиш мақсади қилиб қўйган. Шоира бу ниятни амалга оширишда биография ва хронология таҳлил усулидан воз кечиб, Ойбек ҳаёти билан боғлиқ бир воқеани монументантирган. Бу ёзувчининг Бухорога сафарида. Достонда реал ҳаёт воқеаси асосида илгор қарашлар ва тушунчаларнинг тарихга муносабати, социалистик воқеани баҳоси ижтимоий ва социал ҳодисалар хусусидаги фикрларни очилади. Достон воқеасига мувожаат қилайлик. Ойбек Бухорони кезиб юрибди. У шаҳарнинг кўҳна ва алғов-далғовли тарихи ҳақида роман ёзмақчи. Тарихий обидалар, баланд миноралар, «қолдан кетган, нордай чўнкан қасрлар», ари ва зиндон адиб юрагига ўт солади, уни оғир уйларага толдиради. Қаерга қадам қўямасин, ёзувчи қалбига содир бўлаётган галабинини шоира изчила таъкиб этиб, илғаб олади ва ўз қалб призмасидан ўтказиб, шеърга солади.

Ариқа кўтарилар... Қадамлар оғир,  
Оёққа ёпишган ботмон тош гўё,  
Утган инки минг йил замонда, ахир,  
Қанча ҳақон, кибор, қанча кул гадо

Донг солиб, дод солиб, учиб,  
судралиб  
Ўтмади бу тим, бум-бўш бу арқадан!  
Сийқаланган гиштлар машум

Илтираб  
Ҳароратнинг ютар тортиб юрсадан...  
Ариқа кўтарилар гусса каби жим,  
Кўҳна деворларни учуради муз.  
Шодлигимиз ютиб култур-бакудтум  
Обхоналар боқар нақ ўйилган кўз.

Бу мисраларда Ойбек қалбига оғир ва ҳасратли туйғулар машум замонга Зулфия қалбига нафрат ҳислари билан арқоқдек ўришиб кетган.

Достонда Ойбекнинг социалистик ҳаётимизга оташин меҳри, ватанпарварлиги ва гуманистик қарашлари ҳам шоира қалбига чигирингидан ўтиб, бадиий таҳлил этилган. «Яратиб дарди», «Навойи юраги уриб турибди», «Дарёдан уйғон» болларига Ойбек улуг замондошимиз сифатида яратувчилни меҳнатидан, овоз ва бахтиёр ҳаётдан заъв олади, аюбойи Ватанимиз чиройидан илҳомланади.

Сафар достони лирик бўёқларга, фалсафий умумлашма ва тоқини ҳиссиётларга бош. Унда ўтмишнинг хира ва қора манзаралари, шунингдек давримизнинг гўзал кўринишларини Ойбек образи воситасида очиб берилган. Бу эса достонга замонавий руҳ, ҳаётини бахш этган. Асар — Зулфиянинг достончилигидаги муваффақияти. Шоира уруш йилларида яратган «Уни Фарҳод дер эдилар» достонига кўпроқ воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиш йўлидан борган эди. Унда бадиий таҳлилдан кўра поэтик тасвир устуллик қиларди. «Кўшлди қалам» достонига эса фикр теранлиги, психологизм, замонавий руҳ катта ўрин олган. Достонда қаҳрамонларнинг қалб оламини, дард ва аламларини, заъв-шаъқларини, хатти-ҳаракатларини, қилқч ва одатларини шоира лирик қаҳрамоннинг антив муносабати, психологик таҳлили асосида очган. Шоира достонда сабаҳ таасурутларини композицион асос қилиб олган. Ана шу асос қисмларини бир-бири билан боғлайди, уларнинг ахлитлигини таъминлайди, фикрлар оқимини бир денгизга олиб келиб қўйди. Бу эса Зулфияга Ойбек қалб тугён асосида ўтмиш ва замонамиз ҳақида чуқур фалсафий фикр юритиш, даврингиз энг муҳим томонларини ёрқин кўрсатиш имконини беради.

Хуллас, «Висол» китоби Зулфиянинг давримизнинг етук ва ҳиссиётли лирик шоираси эканлигини яна бир бор исботлайди.

Марди НУРИДДИНОВ  
Самарқанд

## Тақриз

# ҲАММАБОП РИСОЛА



Илмий-оммабоп китоб ёзишнинг ўзига хос машаққатлари бор. Кенг китобхонларга мўлжалланган бундай асарлар фақат илмий далиллар йиғиндисида айлиниб қолса, оммабоплигини йўқотади. Аксинча, қизқарли воқеа-ҳодисалар ҳақида илмий далилларсиз ҳикоя қилинса ҳам чекилган заҳмат беҳуда кетади. Утган йили «Медицина» нашриётида босилиб чиққан «Тиббиётдаги аюбой ҳодиса» китобининг авторлари — медицина фанлари кандидати З. Эгамбердиев ва унинг қизи З. Эгам-

бердиева — ана шу машаққатларни енгшига ҳаракат қилганлар. Рисоланинг мақсади — инсон, унинг саломатлиги, медицина фани соҳасида қўлга киритилмаётган ютуқларини оммабоп тилда ташвиқ қилишдан иборат. Авторлар жаҳон тиббиётдаги илмий фактларни қизиқарли усулда шарҳлайдилар. Шарҳ ва Фарбада ўтган буюн тиббиётларнинг фолпайитларидан кичик-кичик ҳикоялар келтиридилар. Шу асосда ҳам оммабоп, ҳам илмий китоб яратилга муваффақ бўлдилар.

Рисола тўққиз бўлимдан иборат.

Ҳар бўлимдаги мақолачалар мавзу жиҳатидан ўзаро боғлиқ, уларда инсон саломатлигининг негизлари бўлган ташқи муҳит, асаб, овқатланиш меъри, уйқу борасида фан ва халқ табиобатидаги аниқ таърибалар, риоятлар баён қилинади.

Кейинги йилларда жаҳон тиббиёти йирин муваффақиятларини қўлга киритди. Сунъий юрак, сунъий буйрак, сунъий ўпка яратилиши туйғайли инсон умрини янада узайтириш имониети юзага келди. Китоб авторлари шу каби медицина янгилликларидан қўлаб мисоллар келтиридилар. Айниқса, «Тиббий ихтиролар» бўлими диққатга сазовор. Унда вабо, ўлат, мохов каби хавфли насалликларнинг давосини топши соҳасидаги илк нашествилар ҳақида тарихий фактлар асосида ҳикоя қилинади. Китобда бундан ташқари, гипноз сирларини, ҳиссиёт ва таасурутнинг ўзаро алоқаси, тушнинг оқилона таъбири хусусида ҳам тузуқини фикрлар айтилган.

Бугунги кунда илмий-оммабоп китобларнинг ихлосмандлари тобора кўпайиб бормоқда. «Тиббиётдаги аюбой ҳодисалар» билимга қанқоқ китобхонлар учун аюбой соғадир.

Рисолада баъзи камчиликларга ҳам дуч келамиз. Масалан, «Ерга қараб, қалқанчасига ётганда», «Бир порция морожено 150 калория беради» сингари тўмоқ жуллардан китобхон гашига тегади. Рисолага чизилган расмлар мазмунан яхши бўлсада, хира ва нурсиз чиққан. 79-бетдаги расм 89-бетда негадир яна тақрор берилган.

«Ҳаёт гўзал ва ширин. Унинг ана шу гўзаллиги ва ширинлигиндан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлиш керак» дейилган китобда. Шунини қўшимча қилмоқчимиз, бундай илмий-оммабоп китоблар ҳам ҳар томонлама пухта нашр этилса, айни мудоао бўларди.

А. ГУЛОМ

**А**раб алифбосининг дастлабки намуналари ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Айрим манбаларда зикр этилишича, бу алифбосининг илк намунаси сифатида XII—XIII асрларда хатти маъқалий, кейинроқ эса куйфий шакли кашф этилган. XVI асрда яшаган котиб ва адиблар Қозим Аҳмад ҳамда Мир Имомдиннинг маълумотларига қараганда, куйфий хати намунасининг асосчиси Муҳаммад Халиф ибн Абу Толиб бўлган. Лекин маълум давр ўтиши билан бу хатлар намунаси талабга жавоб беролмай қолган. Бу хатларда битилган китобларнинг кўпинча хато ўқилиши (уларда ҳозирги араб ҳарфларидаги сингари остки-устки белгилар бўлмаган) алифбога янги аломатлар киритилишини талаб қиларди. Натижада товушлар аниқ талаффуз этилиши учун ҳарфларнинг усти ва остига нуқталар, танвин, замма, ташдид каби турли аломатлар қўйилган бўлиб ҳамда алифбо белгиларининг сони 28 тага етказилди.

Ислоҳ дини ҳар қандай тирик зот тасвирини чизишни ман этарди. Шунга қарамасдан, Шарқ тасвирий санъат вакиллари — хатотлар, бир томондан, ёзув остида ва китобларнинг ҳошияларида турли фантастик сюжетларни тасвирлашга интисалар, иккинчи томондан, хатни катта санъаткорлик билан ёзишга ва уларнинг янги хилларини яратишга ҳаракат қилардилар.

X асрда моҳир котиб ва олим Ибн Муқлаъ ўзигача бўлган куйфий хатдан воз кечиб, араб алифбосининг янги олти навъи-сулс, тавқеъ, рикоеъ, райҳоний, насх, муҳаққоқ деган турларини кашф этди.

Ибн Муқлаънинг котиблик истеъдоди ҳақида шундай бир воқеани ҳикоя қиладилар: Аббосийлар халифасининг вазирлиги бўлган Ибн Муқлаъ давлат моҳирлари натижасида қамолга олинди. Унинг ўнг қўлини кесадилар. Аммо у чап қўлида ҳам ажойиб хат намуналарини битади. Айрим маълумотларга қараганда, араб алифбосидаги зарур аломатлар ҳам Ибн Муқлаъ томонидан киритилган.

XIV асрда келиб араб алифбосида янги услуб — таълиқ ва настълиқ хатлари вужудга келади. Настълиқ хатининг асосчиси Хожа Мир Али Табризий (1330—1404) эди. Бу хат шу қадар машҳур бўлиб кетдики, унинг намуналари ва хиллари ҳақида то XIX асргача китоблар, адиблар томонидан махсус рисолалар битилди. Энди бу хатда фақат нодир асарларинга кўчирилди қолмасдан, шоир ва адибларнинг шох байтлари, диний оятлар, ахлоқий-эстетик фикрлар ҳам кита усулда, катта хатотлик санъатининг намунаси сифатида ёзилган бўлди. Улар совға тариқасида юборилган, тасвирий санъат асарлари ўрнига деворларга осиб қўйилган, шох саройлари, медресаларни безаган.

Темурийлар ҳукмронлиги даврига келиб адабиёт ва бошқа санъатлар қатори котибликка ҳам эътибор кучайди. Бу даврда Хожа Мир Али Табризийдан ташқари Султон Али Машҳадий, Мавлоно Симий Нишопурий каби хатотлар машҳур бўладилар ва котиблик мактабларининг асосчилари сифатида таниладилар.

Хатотлик санъати ривожланган сари, шубҳасиз давр адиблари ва санъат аҳли ҳам бу соҳага катта эътибор бера бошлайди. Биз қўйдаги ўзбек классик адабиётининг асосчиси Алишер Навоийнинг хатотлик санъатига бўлган муносабати ҳақида бир қадар тўхталиб ўтмоқчимиз.

Алишер Навоий хатотлик санъатига бағишланган алоҳида асар yaratмаган. Аммо буюк адибнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажolis ул-нафос», «Насомин ул-муҳаббат» асарларида ва «Хамса» достонларининг айрим байтларида келтирилган фикрлари унинг

## Навоий гулшани



# ХАТ ВА

# ХАТТОТЛИК

хатотлик санъати борасидаги қарашларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Навоий, аввало котиблик санъатини пухта эггалган, хатда янгиликлар кашф этган, хат ва хатотликка онд рисолалар битган ҳамда мактаб yaratgan хатотларни тилга олади. Булар Султон Али Машҳадий, Мавлоно Соийлий, Мавлоно Симий Нишопурий, Биноий, Мавлоно Юсуф Шох, Хожа Абдулло Садр, Мавлоно Шер Али, Мавлоно Номий, Шайхзода Пуроний сингари котиблардир.

Навоий Султон Али Машҳадийга (1432—1520) юқори баҳо бериб, бундай дейди: «Бу кун Хуросонда ва оламнинг аксар билодида насх таълиқ хатда қибиат ул-кутубдир ва китобот мулкининг қаламирави як қалама анга мусалламдур». Султон Али ҳақида фикр билдирган Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Қозим Аҳмад каби адиб ва тарихчилар ҳам уни «котиблар қибласи» деб таъкидлаганлар, у yaratgan китобот нуسخаларининг тенгсизлигини, ҳеч ким настълиқ хат услубида унинг даражасига етмаганлигини қайд этганлар. Буюк хатот Султон Али yaratgan нафис қўлғезмалар бизгача етиб келган. Улар бугунги кунда жаҳон кутубхоналари хазиналарида сақланмоқда.

Султон Али айна пайтада шоир ва олим ҳам бўлган. Унинг хатотлик санъатига бағишланган рисоласида бу санъатнинг турлари, сирлари ва йўллари атрофича таҳлил этилган.

Султон Алининг фикрича, «хат тозаллиги — руҳ тозаллигидир».

Навоий таърифлаган котиблардан яна бири — Мавлоно Шер Алидир. Шоир унинг истеъдодига баҳо бериб, «ўз замонида насх таълиқ хатини андоқ битдиким, ҳеч киши тақлид қила олмади, балки мушилки ҳарғиз ҳам тақлид қилса бўлмай», дейди ва бу билан улуг хатотнинг китобот санъатида нодир истеъдод эгаси эканлигини таъкидлайди. Навоийнинг Шер Алига бундай баҳо бериши бежиз эмас. У даврда янгиликка интиладиган, ўз йўлини топиб иқод қилувчи котиблар қатори, тақлидчи котиблар ҳам бўлган. Масалан, Навоий астрободлик котиб Хожа Ҳасан Хизрош ҳақида «настълиқ хатини ҳам Мавлоно Жаъфар таъриқини тақлид қилиб ширин битир эрди», дейди.

Навоий Мавлоно Симий ҳақида сўз юртар экан, унинг нишопурлик эканлигини, шеър, муаммо, иншо фанлари қатори хатотлик билан ҳам шуғулланганини, бу борада шухрат қозонганилини таъкидлайди. Симийнинг шеър ёзиб, ўзи китобот қилганини айтди. XVI аср котиб ва адиби Қозим Аҳмаднинг мусиқига бағишланган рисоласида Симий ҳақида анча маълумот бор. Рисола муаллифининг ёзишича, Симий хатотлик ҳақида асар ҳам битган. У араб алифбосининг етти турини мукаммал билган ва китобларни юксак дид билан безаган. Уша даврда одамлар Симийга

шоғирд тушишни бахт деб билганлар.

Алишер Навоий ҳар бир хатот фаолияти, шахсияти, ахлоқи, унинг жамиятдаги мақеи ҳақида имкон борича пухта маълумот беради. Масалан, Соийлий ҳақида аввал «анингдек сариъулқалам котиб ўз замонида йўқдур», деб унинг хушхатлигини айтса, кейинги жумлада «ҳар кунда беш юз байт осонлик билан битир», деб хатотнинг тезкорлигини таъкидлайди. Мавлоно Номийнинг «нома» хатини битишга моҳирлигини айтса, Шайхзода Пуроний ҳақида «оз мuddатда хуттун андоқ битдиким, ул фан устодлари ўттиз йилда андоқ битмайдилар», дейди; шоир Биноий, Юсуф Шох, Вайсий ва Хожа Абдулло Садрлар маҳоратининг ҳам ўзига хос томонларини таърифлайди.

Хатотларнинг кўпчилиги учун котиблик асосий касб бўлмаган. Лекин давр талаби, хатотлик санъатининг ривожини санъатнинг бу нозик турини эгаллашга, ўзлаштиришга олиб келган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий даврида, шунингдек, ундан аввал ва кейин ҳам котибларнинг кўпчилиги фақат хат билан шуғулланмасдан, китоб безаш, иморатлар пештоқига турли хат намуналарини ёзиш билан ҳам машғул бўлганлар. Иморат ёзувлари авторлари хатотликка онд рисолаларда қайд қилинган, Масалан, Қозим Аҳмад ўз рисоласида турли даврда қурилган йиғирмадан ортиқ иморатдаги ёзувларнинг хатотларини эслатиб ўтади.

Алишер Навоий ҳам «Мажolis ул-нафос» асарига Мавлоно Фасеҳ Румий ва Мавлоно Абдулваҳҳобни иморат котиблари сифатида тилга олади. Фасеҳ Румий давр донишмандларидан эди. У буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Маҳзун ул-асроринга яхшигина жавоб айтган, айна пайтада Жугин Мирзо боғитининг бинolari ва қасрларидаги барча ёзувларни битган. Мавлоно Абдулваҳҳоб эса Имом қўрғонидagi хатларнинг муаллифи бўлган. Навоий ва бошқа адибларнинг бундай маълумотлар, шубҳасиз, маданий ёдгорликлар тарихини тиклашга ҳам ёрдам беради.

Навоий хатотларга баҳо берад экан, уларнинг ахлоқий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтади. Бу борада унинг устози Абдурахмон Жомий асарларининг котиби Султон Али Қонинийга берган баҳоси диққатга сазовордир. Қонийни қобилиятли киши эди. Чиройли китобот қила олиши сабабли, Жомий асарларининг кўпчилиги унга топширилган эди. Аммо, «бир кун, дейди Навоий, анга китобот буюриб эрди, музд таъин қилурда му бологаним ул ерга етурдиким, ҳар бир байтим бир тангага арзир, деб бир мазнидан йироқ ҳам эмас. Ул-сўзларки, ул битир, ортиқроққа ҳам арзир». Қўриниб турибдиким, Навоий устози Жомий асарларининг ҳар сатрини юксак баҳолаш билан бирга, ўз санъатини пулга қаққан котиб шахсиятини танқид қилади.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, у даврда китоб жуда қиммат бўлган, кўплар котибликни тирикчилик учун ҳам касб қилиб олганлар. Навоий Мавлоно Мажнунини деган балхлик бир котиб ҳақида бундай ёзади: «Фақир кишидур, китобатқина қила олурки, вақф маош ҳосил қилгай».

Навоий паст савиядаги котиблар ҳақида ҳам ёзади. Бу тоифадаги хатотлар номини бирма-бир санаб ўтмасан-да, уларнинг ишига онд мисоллар ва айрим мулоҳазалар келтиради.

Шу тариқа, Алишер Навоийнинг хатотлик санъатига бўлган қарашлари, бир томондан, хат ва хатотлик санъати тарихини ўрганишга ёрдам берса, иккинчи томондан, генналь шоирнинг шарқ фозиллари фаолиятига бўлган адабий-эстетик муносабатини маълум даражада очиб беради.



Одатий тахро.

Р. ЖУМАННЕРОВ фотоси

Аму билан Сирдан сув ичган, Зарафшонни лойлатиб кечган Чавандозлар бордир бу элда. Баҳор чоғи пишқирган селда Аргумоқлар қўшинғи бордир. Бу шундайин ажиб диёрдир.

Шоир ўзбек диёрини қадимдан чавандозлар эли, аргумоқлар юрти дея таърифлайди.

Биз шеърда тилга олинган икки сўз тарихига саяҳат қилдик. Бундан «от» ва «арғумоқ» сўзлари билан боғланган бир неча тарихий-этнографик, археологик, филологик ва бадний қайдларини топдик.

Ер юзиде 140 мингдан кўпроқ турли хил ҳайвон бор. Инсоният унинг жуда оз қисмини, асосан 47 турининга хонақиллаштирган. Энг кейин кўлга ўргатилган чорвачилик ҳайвонларидан бири отдир. XIX асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиё бўйлаб саяҳат қилган машҳур венгер олими А. Вамбери Урта Осиё аҳолиси отга энг яқин дўст, ҳамдам деб қараганликлари ва бундай наслдор от зотлари ҳақида каттагина китоб ёзиш мумкинлигини уқтириб ўтган.

Дарҳақиқат, Урта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳаётида чорвачиликнинг ўтмишида юксалган тармоқларидан бири йилқичликдир. Чунки от жуда қадим замонлардан яқин ўтмишгача халқ ҳўжалигида кишиларнинг асосий транспорт ва иш ҳайвони бўлиши билан бирга, турли ҳарбий юришларда ҳам ажралмас йўлдош бўлган.

Халқимиз орасида чуқур илдиз отган «Эр қаноти — от», «Оти борини — қаноти бор», «Отинг бориде йўл тани, ақлинг бориде эл тани» каби ўйнаб мақолларнинг мавжудлиги ҳам ўрта осийликларнинг қадимдан от етиштириш билан шуғулланиб келганлигидан далолат беради. XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асариде от хусусида сўз юртиб, «Қуш қанотин, эр отин» мақолини келтирган. (Бу мақол ҳозирги тилмишда «Қуш қаноти билан, эр оти билан» тарзида кенг қўлланилади.) Шу асарнинг яна бир ўрнида: «Эл — бир турли от номи, чунки от туркининг қанотиридир. Отбоқарини «элбоши» дейдилар. Бу «вилот бошлиғе» демакдир. Лекин бундан отбоқарини тўшундилар», деб қайд этилган. Улқамизнинг «самовий» отларга макон экани ҳақида қадимги хитой эзма манбаларида берилган қизиқари маълумотлар жуда кўплаб этнографтарихчи, археолог ва тилшунос олимларимизнинг эътиборини шу кунга қадар тортиб келмоқда.

Ўзбекистон территориясида эраимдан аввалғи II ва I асрларда яша-

ган қадимги элатлар орасида отга сиғиниш урф бўлган. Бу ҳақда йирик совет археолоғи С. Толстовнинг қадимги Хоразм маданиятига бағишланган асариде муҳим маълумотлар берилган. Машҳур тилшунос олим С. Маловининг қадимги туркий эзма обидалар тили бўйича олиб борган кузатишлари натижасида ҳам V—VII асрларгача отга сиғинишнинг давом этганлигини тасдиқловчи фактлар аниқланган. Туркий уруғлар ичиде ўлган киши билан бирга отини ҳам қўшиб кўмиш одати бўлган. Археологик қазилмаларда ана шундай ҳоллар кўп учраганлиги бун тўла тасдиқлайди. Профессор А. Бернштамнинг «Қадимги Фарғона» деган илмий-оммабон очеркида Фарғона отларига доир қизиқари маълумотлар, айрим маросим ва халқ афсоналари устида ҳам сўз боради. Автор Фарғона водийсининг ҳозирги Жалолобод шаҳри

балад тоғлар орқали олиб ўтилгани ва тоғнинг балад жойларида ҳаво босимининг паст бўлиши билан боғлайди. Аммо чорвадорларимиз лексикаси бўйича олиб борган кузатишларимиз даврида фарғоналиклар отларнинг қон терлаши билан боғланган бир ажайиб ҳодиса ҳақида гапириб бердилар. Уларнинг айтишига кўра, Олой, айниқса, унинг Бош Олой қисмида ғудов деган ўсимлик ўсади. Уни фақат отларгина суйиб ейди. Бу ўтни тўйиб еганда отларни қон бавл қилади. Ҳатто ўша ўтни тўйиб еган биянинг сутидан тайёрланган қимзини кўпроқ ичган кишининг ҳам бурнидан қон келиши мумкин. Лекин бундай қимиз бениҳоя шифобахшдир. Бизнингча, отларнинг қон терлаши ҳақидаги маълумотлар шу ҳодиса билан алоқадор бўлса ажаб эмас.

Водийда от етиштириш билан дастлаб орис қабилалари шуғулланганлар

«ман» (хитойча: от) деб, «арғу оти» маъносиде қилинган таржима-транскрипциядир. Кошғарийнинг девониде айтилишича, «арғу» сўзи Узғанд (ўтмишдаги қорақонийлар пойтахти, ҳозирги Қирғизистон ССР, Ўш областига қарашли шаҳар) ва унинг атрофида яшовчи туркий қабиланинг номи бўлиб, икки тоғ оралиги — водий ҳам ана шундай аталган. Бизнингча, қадимги «орис» билан «арғу» сўзлари алоқадор бўлса керак. Бу далиллар хитой манбаларида кенг изоҳланган нобб Давон отларининг номи аслида «арғумоқ» бўлиб, «арғу» сўзига «моқ» қўшимчасини қўшиб орқали ясалган, дейиш имконини беради. Қолаверса, қадимдан қабилаларнинг номлари жой ёки ҳайвон номлари, аксинча, ҳайвон ва жой номлари турли қабил ва уруғ номлари билан аталганини тарихий-этнографик маълумотлар ҳам тўла тасдиқлайди. В. Радлов тузган луғатда «арғимок» (арғумоқ) — Урта Осиё оти бўлиб, араб отлари билан туркман отларини чаптиштириш натижасида вужудга келган, деб изоҳланган. Айрим тилшунослар отларни чаптиштириш йўлини назарда тутиб, бу сўзни «арғ» (чаптиштириш маъносидеги қадимги сўз) орқали «айғир» термини билан боғлаша уринадилар. Аслида, «арғумоқ» термини, эслатганимиздек, «арғу» сўзига «моқ»нинг қўшилишувидан бошқа нарса эмас. Қадимда бу отлар хонаки байталарни тоғ айғирлари билан чаптиштириш орқали етиштирилган зотдор отларнинг биринчи маҳаллий насли бўлса керак. Маҳмуд Кошғарий девониде бу отларнинг кулуни «арқун» номи билан аталгани айтилди. Алишер Навоий ҳам машҳур лингвистик асари «Муҳомакат ул-луғатайинда» от номлари ҳақида маълумот берад экан, аргумоқни бежиз тилга олмаган, албатта: «Яна от анвоидурки, тубучоқ ва арғумоқ ва яқа ва ёбу ва тоту йфусунқоқ борини туркча-ўё айтурлар. Бир кулуни «курра» дерлар (форслар) — Узга (турклар, яъни ўзбеклар): той ва гунап ва дунан ва тулон ва чирга ва ланга (бу сўзлар от ёшига оид аталар — Т.Х) дегунча фосихроқлари туркча дерлар».

Кейинги даврларда арғумоқ зот отларни кўпайтириш билан шуғулланувчилар камайиб, ниҳоят, бу секин-устам маҳаллий зот чопқир отларнинг умумий атамасига айлиниб кетган. Хуллас, келтирилган мисоллар шоир Ҳамид Олимжон бу ўлкада «арғумоқлар қўшиғи бордир», деганда нақадар ҳаққоний фикрин илгари сурганлигини тўла тасдиқлайди.

Тўрсунали ХУЖАМБЕРДИЕВ

Хўжаобод

## Арғумоқлар

яқиндаги тоғда эраимдан аввалғи III—I асрларга оид отларни урчиши ва унга сиғинишнинг ифодаловчи расмлар қояларга ўйилганлигини ёзади. Бундай расмлар Ўш шаҳри яқиндаги Аравон тоғи қояларида ҳам учрайди. А. Бернштам ана шу қоялардаги тасвирларга асосланиб, ўша жойлар қадимда от етиштиришнинг асосий марказларидан бири бўлганини шубҳасиз, деган хулосага келди.

Қадимги манбаларда Фарғона водийсида деҳқончилик билан бирга, чорва ҳам катта ўрин тутгани кўрсатилиб, эраимдан анча илгари беда етиштирилгани қайд этилади. Хитой манбаларида бу ўт му-су дейилган. Му-су ўти беда бўлиб, У Хитойга худуд узум каби Фарғонадан олиб кетилган. Ана шу обидеда Давон (Фарғонанинг эски номи) отлари хитойларни янги эрадан олдинги II асрлардаёқ қизиктиргани, шу отларнинг айрим хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Гўё Давон отлар «дулдулдан тунғилган, улар «самовий, учар, чопқир отлар бўлиб, терлаганида беданидан қон томар экан. Бу маълумотларга ишонмаслик мумкин эмас. Академик Я. Гуломов отларнинг беданидан тер ўрнида қон томшини Давондан Хитойга отлар

Буни қадимги Фарғонанинг пойтахти Эрши шаҳри яқинидаги қояларга чизилган турли тасвирларда ҳам кўриш мумкин. А. Н. Бернштамнинг таҳминича, Эрши шаҳрининг номи аслида орис қабиласи номининг хитойча талаффузидан бошқа нарса эмас. Қозоқ тилшуноси М. Мусабоев бу — асли туркий иярчи (эгарчи) — иярши-иерши — эрши деб фараз этади. Утмишда худуд шу Орис ёки Эрши шаҳри зотдор отлари билан шуҳрат қозонган. Орислар Фарғонада яшаган бошқа қабилалар сингари, келиб чиқиши жиҳатдан кўсфлардан бўлиб, давоняликларнинг қўчманчилиги эраимзгача бўлган II—I асрларгача узилмаган. Орис ёки Эрши шаҳри қадимги Фарғонанинг сиёсий марказигина бўлиб қолмай, «шаньма» — тоғ отлари (хитойча: «шань» — тоғ, «ма» — от) ҳамда «тяньма» — самовий отлар (хитойча: «тянь» — осмон, само, «ма» — от) етиштириш маркази бўлганлиги хитой манбаларида қайд этилган.

Орислар етиштирган бу отлар арғумоқ номи билан машҳур бўлган. Кейинчалик хитойлар бу сўзни «а-лу-гу-ма» деб транскрипция қилганлар. Бу, шубҳасиз, арғумоқ сўзининг хитойчалаштирилган фонетик шакли бўлиб, «арғу» — «а-лу-гу», «моқ» эса



СССР спорт мастери  
М. МУХИДИНОВ  
таҳрири остида

## Замин керак

— Ёшларимиз орасида чинакам умид боғласа арзийдиган шахматчилар борми!..

Бу анъанавий саволни бошқалардан кўра мен кўпроқ эшитаман... Баъзан тўғридан-тўғри:

— Улардан гроссмейстер чиқади-ми, йўқми? — деб ҳам қўйишди. Мухлисларимиз Ўзбекистон вакилини йирик мусобақаларда, ҳақро турнирларда кўришни истайдилар. Биз ҳам кўпинча шу ҳаёлда юрамиз, бунақа саволларга йўл-йўлакка жавоб ҳам берамиз, бу соҳани яхши йўлга қўйиш чораларини қидириб, баъзи режаларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз...

Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш ўринлидир. Совет Иттифоқида уюшган, яъни мусобақаларга, тўғаракларга қатнашиб турадиган шахматчиларнинг сони салкам беш миллионча. Гроссмейстерлар-чи? Уттиздан сал ошди-роқ!.. Хуллас, бизга йўл берк экан демоқчи эмасмиз. Фақат бу йўлнинг охирига етиб бориш осон эмаслигини кўзда тутмоқчимиз. Республикамиз ёш шахматчилари ҳозирнинг ўзида нималарга қодир эканликларини сўз билан эмас, улар ижоддан намуналар кўрсатиш орқали туйуштириш жоиздир.


Яқинда Киев шаҳрида ўтказилган мактаб ўқувчилари XII Бутуниттифоқ спартакиадасида барча республикаларнинг энг қобилиятли вакиллари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Кўп соатлаб давом этган қаттиқ курашга шай турдилар, ғалаба наъзларини сурдилар. Ана шундай ёш шахматчиларимиздан бири спорт мастерлигига номзод Акрам Тошхўжаев бўлди. У тўққиз имкониятдан олти очко

олди. Мана, унинг битта ўйини билан танишинг.

В. СОЧАГИН — А. ТОШХЎЖАЕВ

1. e2—e4 e7—e6 2. d2—d4 d7—d5 3. Kb1—c3 Cf8—b4 4. e4—e5 c7—c5 5. a2—a3 Cb4:c3+ 6. b2:c3 Kg8—e7 7. fd1—g4 fd8—c7 8. Фg4:g7 Lh8—g8 9. Фg7:h7 c5:d4 10. Kрe1—Kb8—c6 11. Kg1—f3 d4:c3 12. Cc1—f4 Cc8—d7.

Французча ўйин номи билан юритилуви бу дебютнинг рақиблар қўллаган ана шу варианты китобларда батафсил баён қилинган бўлиб, кўпинча худди мазкур учрашувдагидек кескинликка олиб келади. Бу ерда оқ шох рокировкадан маҳрум бўлди демаса, бошқаси жойида: шох флангида оқлар ташаббусга эга. Шундайку-я, лекин қораларнинг ихтиёрида баъзи яширин имкониятлар борки, буни юзага чиқариш — чинакам маҳоратнинг ўзгирасидир. Акрам худди шу йўлни топади:  
13. g2—g3 0—0 14. Cf1—d3 Ke7—g6 15. Cf4—g5!



15... Kg6:e5! (Бордию, бунинг ўрнига қоралар руҳини бермасликка аҳд қилса, 16. Cf6! дан кейин ўзи қийин аҳволда қоларди. Вазиятни тўғри чамалай билиш — энг нозик, энг зарур фазилатдир). 16. Cg5:d8 Lg8:d8 17. Kf3:e5 Kc6:e5 18. f2—f4 Ke5—g4! 19. Lh1—e1 Фc7—b6! 20. Фh7—g7 e6—e5., (Қоралар ҳам филига йўл очмоқда, ҳам оқ фарзининг «кўзимни тўсмоқда») 21. f4—f5 Фb6—f2. 22. Фg7—g5 f7—f6 23. Фg5—c1. Фf2—f3+ 24. Le1—e2 Фf3—f1+ 25. Le2—e1 Kg4—f2X. Ажойиб мотив! Лекин оқ доналарда ўйнаган ленинградлик шахматчи бир юрш олдин таслим бўлган эди.


Қизларимиз ижодидан ҳам битта намуна келтирамиз.

Н. ДРЕЛЬ — Ш. БЕРДИЕВА

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. d4 ed 4. K:d4 Фf6 5. Kb5 Cc5.

Бу ўйинни жойни тежаш мақсадида қисқа ёзувда келтирмоқдамиз. Томонлар шотландча ўйиннинг кескин вариантларидан бирини танладилар. Дарвоқе, қизлар ҳам дадиллигини афзал кўрадиган шахматчиларга айланмоқдалар.

6. Фe2 Kрd8 7. Kf3 Kg e7 8. h4 h6 9. g4 a6 10. g5Фf2+! 11. Ф:f2 C:f2+ 12. Kр:f2 ab 13. Kb5 hg 14. C:g5 d6 15. Ld1 f6 16. Cc1 Ke5 f7. d3 Cg4 18. Ce2 C:e2 19. Kр:e2 Kр d7.



Бухоролик Шарифа Бердиева эндигина ўн беш баҳорни кўрган ёш шахматчи. Аммо уч-тўрт йил орасидаёқ анчагина тажриба орттирди. Чунки, май ойида Тошкентда ўтказилган республика аёллар чемпионатида тўртинчи ўринни эгаллади. Унинг рақибаси Н. Дрель ҳам молдавлялик ёш истеъодлардан. У катталар ўртасида ўз республикасида иккинчи ўринни олган, СССР олимпиадасида ҳам анча танилиб қолди.

Ҳозир тахтада вужудга келган вазиятда қораларнинг ўйини яхшироқ: доналар қулайроқ жойлашган. Шарифа буни кескин курашда тасдиқдан ўтказди.

20. Kd4 Lh7 21. Ldh2 Lh8 22. Ldh1 Lh5 23. Cf4 K7g6 24. C:e5 K:e5 25. Lg2 g5 26. Kf5 Kg6 27. Kрf2 K:h4 28. K:h4 L:h4 29. L:h4gh. 30. Lh2 h3! Яна бир неча юришдан сўнг молдавлялик шахматчи қаршиликни тўхтатди.

Республикамиз ёшлари орасидан ана шундай маҳоратли шахматчилар етишиб чиқмоқда. Булар мастер даражасига албатта етиб борадилар, деган умиддамиз. Мастерлар кўпайса, гроссмейстерликка замин тайёрланиши ўз-ўзидан аён.

# СОДДА ОШИҚ

... Бу бешинчи учрашувимиз. Ўзи келишган қиз. Исми Малоҳатхон. Шу ҳаммаси жойидаю бир «лекин» борда. Негадир висолнинг лаззатли дамларида суҳбатимиз қовушмайди. Тунлари уйлаб қўйган гапларим учеди-кепада. Ҳақиқатан изҳори дил қилмаман. Аммо бугун аҳдими қатъий: очик айтаман!

Икковимиз боғ кезамиз. Токка уланмаган приёмникдай чурқ этмаймиз. Гап бошлай-бошлай дейману гарангсийман. Бирор фикр туғтич бермайди. Уйлай-уйлай, дейман.

— Малоҳатхон, қаранг ариқларни бузворишибди-я! Ана шу ерда дарахлар бор эди, кесиб ташлашибди. У мум тишлагандек оғиз очмайди. Тонган гапини қаранг! Бошқа гап куйиб қолганимиди?

— Биласизми... Бу йўлчаларга қачон асфальт ётқизишаркан!

Малоҳатхон ғалати назар ташлайди: — Қайдам, комхозда ишласам экан...

Тутоқаман. Албатта ўзимдан-да. Шу ҳам фикр бўлди-ю! Севишимни айтишим керак. Ҳа, севишимни. Қандай айтсам экан-а!..

— Ҳозир шаҳарда транспортлар ҳаракати кўриқдан ўтказилди. Яхши-я? Авария камроқ бўлади. Яна...

— Киноатрда яхши фильм кетайтган экан,— сўзимни бўлади у.— Кўрдингизми, Анвар ака?

— Йўк. Яна индамай қоламиз. Бир оздан сўнг оғиз очаман:

— Баскет командидаимиз областда учинчи ўринни олибди,— дейман завқланиб. У бошқача гап толади:

— «Сенсан севаримни ўқидингизми? Жуда ҳам қизиқ экан.

Яна уйлашга тушаман. Назаримда Малоҳатхон зерикиб қолди. Бирор кулгили гап айтсамикан!

— Битта одам автобусда ухлаб қолибди. Кун бўйи уйғонмабди.

Севиқлим тумтайиб қаради. Тагин ўзимни койийман: Менга ким қўйибди қизиқчилигини!

...Учрашувимиз тугади. Малоҳатхон кетдилар. Кўнглим ёғжилланган қозғдек. Юрагимдагиларни айтолмадим. Лекин келаси сафар албатта айтаман. Мана, қараб турсиз.

Маҳмуд СУЛТОНОВ



Илоҳини топди.



Р. ЖУМАННІЗОВ фотоси

Хива — музей шаҳар.



# Найматалар



И. КРИЛОВ

— Дўстим, палов ошатган эдинг, энди шу ютум майни сипқар!

## Икки ит

Масал

Бир қўрани, содиқ итга хос,  
Қўриқларди эрта-кеч Барбос.  
Кўрди бир кун таниш Жужуни;  
Унинг оппоқ ва майин жуни  
Қўзгар эди ҳавас, эҳтирос.  
Енбошига қўйганча болиш,  
Деразада ухларди пиш-пиш.  
Йиғламоқдан бери бўлди кўриб,  
Дуч келгандек нақ қардошига.  
Думин ликиллайтиб, гоҳ ерга уриб,  
Келди дардлашай деб унинг қошига:  
— Жаноб сени нечук уйига олди?  
Қалай яшаялсан бунда, Жужужон?  
Едингдами, бир вақт оч, юпунликдан  
Иккимиз зўр-базўр сақлар эдик жон?  
— Бахтиёрман,— дер Жужу,— асло  
Ранжитмайди ҳўжам дилимни,  
Не хоҳласам — бари муҳайё,  
Ҳатто совуқ суваг урмам тилимни,  
Агар сал толиқни сезсам танда,

Етаман гилам ё юмшоқ диванда.  
Узинг-чи?..  
— Мен...— дея хўрсиниб Барбос,  
Думига тумшугин артди куйиниб,—  
Турмушим эскича. Чидаб совуққа  
Қўриқлайман ҳўжам уйини,  
Деворнинг остида ёмғиру қордан  
Ҳар кун миңг ўлиб, сақлаялман жон.  
Айтгин-чи сирингни, сен қандай тушдинг  
Бунақа шоҳона жойига, Жужужон?  
Сен кучсиз ҳам кичик лайча эдинг-ку,  
Мен эса басавлат, шерман баайини.  
Ажаб, хизматинг не бунда, огайни?  
Жужу кулиб деди:  
— Мен-чи, бу ёқда  
Юраман кейинги икки оёқда.

Кимки лайча каби юра олади,  
Баъзида ўшанинг келар олади.

Ўтири САИДОВ таржимаси



— Хув анави жойда қайлигим ўтирибди, бир уялпман-ки!..

## Ҳай баракалла

Тоғ бўйи хирмон, бу — кузги палла,  
Теримда жами қишлоқ, маҳалла.  
Шийпонда эса авжида ялла;  
Гоҳ-гоҳ янграйди кўкка баралла:  
— Ҳай баракалла, ҳай баракалла!

Барча ёш-қари кўпроқ терай, дер,  
Илғор қаторда ўзни кўрай, дер.  
Булар-чи, эснаб, далда берай, дер:  
— Боппа, азамат, ишни жадалла,  
Ҳай баракалла, ҳай баракалла!

Айтар:— Номимиз тилинга олма,  
Раҳбарларимиз эсига солма,  
Узингни билу ишингдан қолма,  
Нормангни бажар, эпла, амалла,  
Ҳай баракалла, ҳай баракалла!

Пайкалда меҳнат, хирмонда базм,  
Танбалларга ҳам хурматми лозим?!  
Эй раис ака, бир солинг разм:  
Токайгача бу айшу таралла,  
Ҳай баракалла, ҳай баракалла!!

Эргаш ЕНДОШ



— Яна иккитасини қўшиб юборақолинг, дадаси.

## ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

— Майли, ёрсанг ёра-  
вер, Нью-Йоркда бош-  
сиз-ку юрса бўлади,  
аммо пулсиз юриб бўл-  
майди,— дебди ажнбий.

\*\*\*

— Итингизни қачон  
сотасиз?  
— Нега сотишим ке-  
рак?  
— Кеча итингиз во-  
виллагани ва увиллагани  
учун хотиним ашула  
машинни тўхтатишга  
мажбур бўлди.

— Кечирасиз, вовил-  
лаш ва увиллашни даст-  
лаб хотинингиз бошла-  
ди.

\*\*\*

Қамоқ муддати тугаб  
қолган икки жиноятчи  
суҳбатлашарди:

— Хўш, ошна, чиққа-  
нингдан кейин нима қи-  
ласан?

— Бирор ерга ишга  
кираман.

— Сен-чи?  
— Менми? Мен энг  
олдин фонарь сотиб ола-  
ман.

— Фонарни нима қи-  
ласан?

— Фонарим йўқлиги  
учун қамалганман: қо-  
ронгида пўлат сандиқ  
деб радиони бураб юбор-  
ганман.

\*\*\*

— Беморингиз тузалиб  
кетди, доктор. Нега бун-  
чалик ташвишланялсиз?

— Қайси доридан ту-  
залганини ўйлаб, уйимга  
етолмаялман.

Нью-Йорк шахрига  
келган ажнбий кеччу-  
рун тор нўчада нетайтиб  
бандитга тўқнаш келиб-  
ди.

— Чиқар пулингни,  
бўлмаса бошингни уриб  
браман,— деб дўқ уриб-  
ди бандит.



Муштлашишга «кулай» жой.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

# МУВАШШАХ САНЪАТИ

## Адабий мутолаа

**М**

увашшах — дувавий жиҳатидан гўзал силсила, камар билан зийнатланган демакдир. Бу санъатда муаллиф ўз асарини бирор исм ёхуд яна бир ички шеър билан зийнатлайди, яъни шеърдаги айрим ҳарфлар ёки бутун-бутун сўзлар маълул тартибда бирлаштирилади, исми ёки янги бир мустақил шеър ҳосил бўлади.

Мувашшах санъати шеърятга кириб келган дастлабки даврлар—XIII—XV асрларда бундай зийнат сифатида асосан янги мустақил лирик шеър ҳосил қилиш усули қазалларнинг мувашшах санъатидан фойдаланиб ёзилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳазелнависликда мувашшах санъатига мурожаат қилиш Дилафкор, Дилқаш, Шўкат, Камий, Қорийи Андижоний, Ниҳон каби шўқина шоирлар ижодида мусбуабдир. Бу анъанадан машҳур демократ-шоирлар Мукимий, Фурқат ва Завқийлар ҳам четда қолмаганлар.

Мувашшахнинг XIX—XX асрларда кенг тарқалган услуби қуйидагича: ғазалининг ҳар бир байтидаги илк мисранинг биринчи ҳарфлари олиб бирлаштирилади ва бу ҳарфлар мажмуасидан исми ҳосил қилинади. Масалан, Қорийи Андижонийнинг «хуш келинг» радиёли ғазалидан ҳар қайси байт биринчи мисрасининг биринчи ҳарфлари олиб бирлаштирилса, Мулло Олим исми, Фурқатнинг «бир менму» радиёли ғазалидан Аҳмадхон исми ҳосил бўлади ва ҳоказо. Ҳазалининг мувашшах тарзида ёзилганини айрим ҳолларда шоирлар сўнгги байтада айтиб ҳам ўтадилар. Масалан:

Номинг ўлғоч ҳарф ила ҳар байт уза зийнатфизо,  
Эл аро кўп надрди ошди Фурқатий ашъоридо.

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, Фурқат ўз шеърининг қадри эл ничда жозағига ишонар экан, бунга сабаб деб номи ғазал байтларининг биринчи ҳарфларини беэоб турган дўсти Тошкандхонни кўрсатаётир. Муаллиф бирор шахс номи билан асарини зийнатлар экан, бу орқали ўзининг ўша шахсга бўлган муносабатини ҳам асарда тўла-тўқис баён қилишга уринади. Зотан, бу — мувашшах санъатининг асосий шартларидан бириндир.

Айрим ҳолларда мувашшах-ғазаллар шоирнинг севглиси номига ҳам ёзилган. Масалан, Дилқашда — Тожихон, Қорийи Андижонийда — Турсунхон, Мукимийда — Адолатхон номига ёзилган ғазаллар шундай асарлардандир.

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, Фурқат ўз шеърининг қадри эл ничда жозағига ишонар экан, бунга сабаб деб номи ғазал байтларининг биринчи ҳарфларини беэоб турган дўсти Тошкандхонни кўрсатаётир. Муаллиф бирор шахс номи билан асарини зийнатлар экан, бу орқали ўзининг ўша шахсга бўлган муносабатини ҳам асарда тўла-тўқис баён қилишга уринади. Зотан, бу — мувашшах санъатининг асосий шартларидан бириндир.

Айрим ҳолларда мувашшах-ғазаллар шоирнинг севглиси номига ҳам ёзилган. Масалан, Дилқашда — Тожихон, Қорийи Андижонийда — Турсунхон, Мукимийда — Адолатхон номига ёзилган ғазаллар шундай асарлардандир.

Айрим ҳолларда мувашшах-ғазаллар шоирнинг севглиси номига ҳам ёзилган. Масалан, Дилқашда — Тожихон, Қорийи Андижонийда — Турсунхон, Мукимийда — Адолатхон номига ёзилган ғазаллар шундай асарлардандир.

Фурқатдан фойдаланиб, инқилобдан илгари ўтган шоирларнинг асарларини нашрга тайёрлашда қўлланиши қўлай бўлган иш услуби борасида ҳам баъзи фикрларни айтиб ўтмоқчимиз. Гап шундаки, айрим котибларнинг бепарволиги ёки масъулиятсизлиги туфайли баъз ғазалларда байтлар тартибининг бузилиши, гоҳи бутун-бутун байтларнинг тушиб қолиши ёки айрим сўзларнинг алмашиши ҳоллари кўп учрайдиган ҳолатлардир. Фикримизча, агар ғазал мувашшах тартибда ёзилган бўлса, у ҳолда текстология ишини маълул даражада асарнинг эҳтимолга юшаш ҳам мумкин. Далил сифатида бир қанча мисолларни эслаялик.

1960 йили Тошкентда босилган икиттагина китобни «Ўзбек адабиёти», IV том, I китоб ва Фурқат, «Танланган асарлар», I том) қараб чиқилса, ўнлаб ғазалларда турли-туман камчиликларга дуч келинади. Чунончи, Фурқатнинг Мухторхон (مۇختارخان) номига ёзилган ғазалида байтлар тартиби бузилиши натижасида мухторхотин (مۇختارخان) ҳосил бўлган. Ҳолбуки, сўнгги байт —

мекътада бу ғазалинг мувашшах эканига шонр оқиб ишора қилинган. (Бундай чалқашликлар мазкур китобларда 14 та). Базан бир-икки байт бутунлай тушириб қолдирилади. Масалан, Қамийнинг «Мухаммад Айюбхон» мувашшах-ғазалида «б» (ب), Фурқатнинг «Аҳмадхон» мувашшах-ғазалида «ж» (ج) тушиб қолган ва ҳоказо.

(Бундай камчиликлар 16 та). Шунга ўхшаш айрим сўзлар ўз маънодошлари билан ўринсиз алмаштирилиши натижасида исмлар бузилади. Фурқатнинг биз тилга олган «Аҳмадхон» мувашшах-ғазалида «д» (د) «қ» (ق) га алмаштирилган

(«дона-дона» сўзи «қатра-қатра» қилиб «тузатиш» натижасида «Аҳмадхон» исми «Аҳмадхон» шаклини олган. (Бундай бузилишлардан 12 та).

Уйлаймики, юқоридаги каби камчиликларнинг олдини олиш учун асарни нашрга тайёрлашда бошқа бир қанча усуллар, восталар сингари мувашшах қондаларидан ҳам фойдаланиш яхши натижалар беради.

Энди мувашшах санъатининг мураккаброқ кўринишлари (дастлабки шакли) билан ҳам бир оз танишиб чиқаялик.

VII—IX асрларда араб шеърятини анъана бўлган қасида жанри X—XII асрга келиб, ғарбий Эрон ва Озарбойжонда ҳам кенг тарқалди. XIII—XIV асрларда эса шарқий Эрон, Урта Осиё ва Ҳиндистонда қасидадан маснӯ (шеър) санъатлар кўп ишлатиладиган қасида) ўз тараққийотининг энг юқори нуқтасига етди. Қасидан маснӯ ижод-

корлари Салмони Соважӣ (XIV аср) ва Аҳлийи Шерозӣ (XV аср) каби Шарқ шеърятининг улкан намояндалари ижодида мувашшах санъати қасида жанрини ранг-баранг кўринишларида зийнатлади.

Академик А. Мирзоев ва профессор А. Болдиревнинг маълумот беришларича (Тожикистон ССР ФА Шарқ қўлэмалари каталоги, II том), Салмони Соважӣнинг 200 байтли маснӯ қасида-сида 120 га яқин шеърӣ санъат ишлатилган. Унда мувашшах санъатининг ўзи тўрт кўринишда кўлланилган. Ҳар бир байтнинг биринчи ҳарфларидан уч байтли бир шеър, ҳар бир байтнинг биринчи мисралари ўрталаридаги ҳарфлардан тўққиз байтли иккинчи шеър, ҳар бир байт иккинчи мисраларининг ўрталаридаги ҳарфлардан етти байтли учинчи шеър ҳосил қилинган. Бундан ташқари ҳар икки-уч байтдаги усти чизилган (ёки бошқа рангдга сиёҳ билан ёзилган) сўзлардан яна бир байтдан, ҳаммаси бўлиб 59 байтли тўртинчи шеър ҳосил бўладики, бу янги тўрттала шеър билан асли қасиданинг вазилари, тўроқлари, қодфиялари ва радифлари тамоман бир-бирига ўхшайди. Мисол тариқасида сўнгги (тўртинчи) усулда бир байт ҳосил қилиб кўрайлик:

Сафойи сафавти рўят бирехт ашқи баҳор,  
Ҳавойи жаннатӣ кўят бибехт мушқи тотор.

Агар хабар эи сафойи ту гулистон дорад,  
Гул аз ҳаётӣ руҳат жонидон наерад бор!

(Мазмуни: юзинг соғлигининг сафоси баҳор кўз ёшларини (ёмғирини) тўқдирди, йўлинг боғининг ҳавоси энг тоза мушқини сонди. Агар гулистон сенинг соғлигиндан хабардор бўлса, гул юзингдан уялиб абадий мева бермай (очилмай, гулламай) қолади!)

Бу байтлардаги усти (бизда ости) чизилган сўзлардан яна икки мисра ҳосил қилимиз:

Сафойи сафавти рўят сафойи гулистон дорад,  
Ҳавойи жаннатӣ кўят ҳаётӣ жонидон дорад.

(Мазмуни: юзинг соғлигининг сафоси гулистондагина учрайдӣ, йўлинг боғининг ҳавоси абадий барҳаётдир.)

Лакнавада қот қилинган «Ҳафт қўлузм» муаллифининг кўрсатишича сўнгги (59 байтли) шеър ҳосил қилиш усули мувашшах санъатининг истихроҷ (чиқариб олиш, кўчириш) шакли ҳам дейилади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мувашшахнинг дастлабки мураккаб усуллари кейинчалик (XIII—XV асрларда) бир қадар соддалаштирилган ва натижада кенроқ тарқалган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакики, мувашшахнинг сўнгги кўриниши майдонга келгач, айрим шоирлар томонидан у сунистеъмол қилинди ва шаблонлаштириб юборилди. Ундан майда, баъкана мақсадлар йўлида фойдалана бошладилар ва натижада мувашшах усули ўз оригиналликни йўқотиб қўйди. Октябр инқилобидан кейин эса, ўзбек совет шоирлари асарларида мувашшах санъати ангина мазмун касб этди. Бу борада Мақсуд Шайхзода, Уяғун, Собир Абдулла, Сайфий, Улфат, Ёнгин Мирзо каби шоирларнинг хизматлари бор.

О. ВАЛИХОНОВ

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

Андижон

# ЖИЛВА

лат Ҳожинов, Ҳамид Дабобевлар ҳам ўз санъатларини намойиш қилганлар. Улар олтин, кумуш, бронза медаллари, зарбоф тўнлар билан мунофотланганлар. 1896 йилда Нижний Новгородда, 1902 йили Петербургда таъинланган Бутун Россия нурғазмаларида юртдошларини олиб борган ёғоч ўймакорлиги ва нақшошлик санъатининг энг яхши намуналари юнсақ баҳоланган.

Улуғ Октябр инқилобидан илгари ҳам Самарқанд усталари ўзлари яратган санъат асарларини ўлка ва жаҳон минифсидаги ҳунарманд-

чили нурғазмаларида кўриндан ўтказиб, катта истеъод эгалари эканликларини олам аҳлига намойиш қилиб навланганлар.

Совет даврида бадий нақшин ривожлантиришга янада катта эътибор берилди. Ўймакорликнинг жуда кўп турлари вужудга келди. Самарқандда ёғоч ўймакорлиги ва нақшошлик санъатининг асрий анъаналарини давом эттирган уста Ҳожи Соҳибов, уста Нурилла Нарзуллоев, уста Арзимурод Қосимов, уста Усмон Каримов сингари қўли гул санъаткорларини халқ ҳурмат би-

лан тилга олади. Улар лойқан анъанавий беинод этган буюмлар халққа манзур бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳар бозорларида кўплаб ҳафиз қилинган.

XX аср бошларида ижод этган ўймакор уста Соҳибовнинг ишларини давом эттирган ўғли Ҳожи Соҳибовнинг ҳузматида айниқса салмоқлидир. Уста Ҳожи ота насбига меҳр қўйди ва ўзи ҳам бош таърибга тўллади, ёғоч ўймакорлигининг янги бадий услубларини яратди. Уста асаган гўзал эшиклар, уй шифтлари, ҳам устунлардаги жозибадор нақшлар киши дилига сурур бағишлайди. Уста кўп ёшларда ўймакорлик ва бадий дурадгорлик ҳунарига ҳавас уйғотди. У қўл-

лаётган анъанавий беинод этган буюмлар халққа манзур бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳар бозорларида кўплаб ҳафиз қилинган.

XX аср бошларида ижод этган ўймакор уста Соҳибовнинг ишларини давом эттирган ўғли Ҳожи Соҳибовнинг ҳузматида айниқса салмоқлидир. Уста Ҳожи ота насбига меҳр қўйди ва ўзи ҳам бош таърибга тўллади, ёғоч ўймакорлигининг янги бадий услубларини яратди. Уста асаган гўзал эшиклар, уй шифтлари, ҳам устунлардаги жозибадор нақшлар киши дилига сурур бағишлайди. Уста кўп ёшларда ўймакорлик ва бадий дурадгорлик ҳунарига ҳавас уйғотди. У қўл-

лаётган анъанавий беинод этган буюмлар халққа манзур бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳар бозорларида кўплаб ҳафиз қилинган.

XX аср бошларида ижод этган ўймакор уста Соҳибовнинг ишларини давом эттирган ўғли Ҳожи Соҳибовнинг ҳузматида айниқса салмоқлидир. Уста Ҳожи ота насбига меҳр қўйди ва ўзи ҳам бош таърибга тўллади, ёғоч ўймакорлигининг янги бадий услубларини яратди. Уста асаган гўзал эшиклар, уй шифтлари, ҳам устунлардаги жозибадор нақшлар киши дилига сурур бағишлайди. Уста кўп ёшларда ўймакорлик ва бадий дурадгорлик ҳунарига ҳавас уйғотди. У қўл-

лаётган анъанавий беинод этган буюмлар халққа манзур бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳар бозорларида кўплаб ҳафиз қилинган.

XX аср бошларида ижод этган ўймакор уста Соҳибовнинг ишларини давом эттирган ўғли Ҳожи Соҳибовнинг ҳузматида айниқса салмоқлидир. Уста Ҳожи ота насбига меҳр қўйди ва ўзи ҳам бош таърибга тўллади, ёғоч ўймакорлигининг янги бадий услубларини яратди. Уста асаган гўзал эшиклар, уй шифтлари, ҳам устунлардаги жозибадор нақшлар киши дилига сурур бағишлайди. Уста кўп ёшларда ўймакорлик ва бадий дурадгорлик ҳунарига ҳавас уйғотди. У қўл-

лаётган анъанавий беинод этган буюмлар халққа манзур бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳар бозорларида кўплаб ҳафиз қилинган.

XX аср бошларида ижод этган ўймакор уста Соҳибовнинг ишларини давом эттирган ўғли Ҳожи Соҳибовнинг ҳузматида айниқса салмоқлидир. Уста Ҳожи ота насбига меҳр қўйди ва ўзи ҳам бош таърибга тўллади, ёғоч ўймакорлигининг янги бадий услубларини яратди. Уста асаган гўзал эшиклар, уй шифтлари, ҳам устунлардаги жозибадор нақшлар киши дилига сурур бағишлайди. Уста кўп ёшларда ўймакорлик ва бадий дурадгорлик ҳунарига ҳавас уйғотди. У қўл-

лаётган анъанавий беинод этган буюмлар халққа манзур бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз шаҳар бозорларида кўплаб ҳафиз қилинган.

Р. БАЙТУЛЛАЕВ

Ёғочга уйиб нақш солиш халқ амалий санъати тарихида мароқли соҳа. Самарқандлик усталар бу борада кўп асрли халқ миллий анъаналарини давом эттириб, бош таърибга тўллаганлар. Улар, айниқса, мадраса ва саройлар, муҳташам биналар қуришда ёғоч ўймакорлигини кенг фойдаланганлар. Айюв устунлари ва эшиклардан ташқари, уй-рўзгор буюмлари, кўрсичалар, нутчалар, китоб қўйилмадан лаҳзалар, турли панжара, сандиқ ва жапонларга нақш уйганлар. Ёғочга нақш уйишининг янги-янги бадий усулларини яратганлар. Бу усуллар бөгдоди, ислими ва парогӣ деб номланади. Ўз даврининг қўли гул

усталари Фулом Баҳриддинов, Қурбонбой Кенжаев, ана-уна Нарин ва Зариф Абдуллаевлар яратган парогӣ услубидаги нақшин шифт, эшик ва устунлар иморатларга улуғворлик бахш этган. Нақшошлар қимматбаҳо маҳаллий ёғочлардан турли ҳажмдаги нафис ва сифатли чорпоқ, кўрси, панжара, гўлдон, кўрси, қаламдон ва шу сингари зийнатли буюмлар ҳам асаганлар. Номил Муҳимбоев, Мирза Рўззобоев, Убайдулла Муллабоев каби нақшошлар 1890 йили Туркистон ўлкасида очилган нурғазмада совғабоп буюмлар билан иштирок этганлар. 1894 йилда Тошкентдаги ҳунармандчилик нурғазмасида Мулат Турсунбоев, Тошпў-



Истироҳат.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Мана энди куз ҳам авжига чиқмоқда. Қуёш билан Ер орасидаги ўзаро муносабат шундай ҳолатга етдики, офтоб нурларини обдан ўзига сингиргал тупроқ табиятнинг ажойиб мўъжизалари туйфайли турфа-турфа ноз-неъматларни етиштириб берди. Тоғ-тоғ пахта хирмонлари ҳам борган сари кўнка бўй чўзмоқда.

Бу ойнинг учинчи ўн кунлигида Қуёш Анраб бурж юлдузлари томон ўтади. Шунинг учун бу ойни бурж ҳисобида ақраб ойи ҳам деб атайдилар. Октябрьни баъзи халқлар унту-бар, тамбирнос, аб, октубар, тишрин 1, октобер, дузу деб атайдилар.

Бу ойда Венера, Марс, Юпитер ва Сатурн планеталарини бемалол кўриш мумкин. Айниқса, сайёралар маликаси Венера (Зухро, Чўлпон) ўзининг гўзал жамолини кўз-кўз қилиб турибди. У фақат оқшом ва саҳарда бир кўриниш беради. Шарқ рисолаларида айтилишича, Зухро гўё шому саҳар оқ уриб юрган ошиқ ёни маъшўналарга ҳамдард ва далда берувчи сайёрадир. Ленин Венера билан Қуёш ўша ошиқ-маъшўнлардан қолшишмади: улар ҳеч вақт бир-бирлари билан дийдор кўриша олмайдилар. Азалдан шундай.

Бу йилнинг биринчи палласида

Қуёш ботгандан сўнг осмонда пайдо бўлиб турган Зухро мана энди саҳар маҳали кoinотда сайр қилиб юрибди. Венера октябр ва ноябрь ойларида шарқ уфидан энг баландга кўтарилади.

Октябрда сайёралар Ойга яқинлашиб, уни «эйрат» қилиб ўтадилар: 3 октябрда — Венера, 6 октябрда — Марс, 13 октябрда — Юпитер, 25 октябрда — Сатурн.

Ой боши — 7 октябр, тўлиной — 22 октябр.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Тошкент абразив заводида сунъий олмос ва олмос асбоблари ишлаб чиқариш ўлаштирилди. Олмосозлик республикаимиз индустриясида юз биринчи соҳа бўлиб, у Урта Осиё республикаларини кесир олмос асбоблар билан таъминлаш имконини беради. Янги технологияни ўлаштиришда Москва, Киев, Ленинград олимлари ёрдамлашдилар.

Тармоқлари Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон территорияларига чўзилиб кетган Тиёншон тоғлари ўсишда давом этмоқда. Жумладан, Марказий ва Жанубий Тиёншон массивлари кейинги 12—14 минг йил ичида 800 метр кўтарилди. Ҳар йили тоғ тизмалари олти сантиметр ўсади.

Тува автоном республикасининг маркази Қизил шаҳардан 45 километр жанубда бўйи 1400, эни эса 500 метр Дусхоль кўли бор. У гайри табиий хусусиятга эга, кўлнинг юзасида сувнинг ҳарорати 23—26, остида 35—41 даража. Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, Дусхоль Кримдаги Сани ва Чокрак курортларидан қолшишмайди.

Миср олимларидан бир гуруҳи Қоҳира Миллий музейидаги фиръавнлар мумияларини текширдилар. Олимлар энг янги аппаратлар ёрдамида ўтмишдаги нишонлар физиологиясига оид қизиқарли кўп маълумотлар олшича, жумладан фиръавнлардан Тутанхамон ва Стехарнинг қон тариниби ва группасини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Қон группасининг аниқланиши тарихчиларнинг қадимги Мисрнинг бу икки подшоҳи ака-ука эди, деган илмий фаразини тасдиқлаш имконини берди.

ҲАР ТўғриДА БИР ШИНГИЛ

Тошкент яқинидан тупроқ остида қолиб кетган шаҳар топилди. Археологлар бу шаҳарни қадимги Шош давлатининг йирик маркази Чиначкет деб эътироф этмоқдалар. X аср географларининг таърифлашича, Чиначкет Яқин шарқни Жанубий-Шарқий Осиё ва Сибирь билан боғлайдиган нарвон йўлида жойлашган. Ўзбек олимлари қадимги шаҳарни ўрганганиши давом эттирмоқдалар.


Оғир юк ортилган автомобиль кўприкдан ўтиб бормоқда. Кўприкнинг қозғолдан қурилганини ҳисобга олганда, бунинг ҳеч таажубланарли жойи йўқ. Кўприк конструкциясида болтлар ҳам, миҳларчинлар ҳам йўқ: унинг ҳамма қисмлари махсус елим билан ёпиштирилган. Бўйи 11 метр ва эни 3,3 метр бўлган галати кўприк АҚШнинг Невраска штатидаги Оловли водий устига қурилган. Бу ишшоотнинг оғирлиги атғи 4 тонна ясалган, икки ой ичида ясалган ва вертолёт ёрдамида ўрнатилган. Кўприк ҳар бири 5,5 тонна оғирликдаги олти юк машинасини кўтара олади.

Маъшур япон олими П. Рикитакенинг таъкидлашича, Япония территорияси шарқдан ғарбга томон анча торайиб бормоқда. Аниқ геодезия асбоблар ёрдамида ўлчашларнинг кўрсатишича, масалан, Хонсю ороли бир йилда кўндалангига бир неча сантиметр энсизланади. Айни вақтда у шимолдан жанубга томон узайди. Рикитакенининг фикрича, бу ҳодиса энгилчаларнинг рўй бериши билан боғлиқ бўлган тектоник сурилмалар оқибатида.

Арманистондаги Севан кўли тағдидан «Юнон модели» топилди. Ундаги Ер тасвири ҳаво ва сув юзиқлари билан ўралган. Моделда Қуёшнинг тасвири ҳам бор. Қуёш билан Ер тасвири ўртасига Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурн жолаштирилган. Модель бронзадан ясалган. Олимлар, модель эрамиздан олдинги икки мингичи йилларда ясалган, деб ҳисобламоқдалар.

Италиялик кимёгар Карло Маццанти сунъий пичан тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу одатдаги чорва озуқасидан анча тўйимли ва арзон. «Маццанти пичани» озиқ-овқат нолдидлари ва эсин қозғолардан тайёрланмоқда. Тасма набирулонга ўраш мумини бўлган бу сунъий пичан узоқ сақлаш учун ҳам жуда кулай.

КРОССВОРД



1. Мавсум. 2. Силкиниш. 3. Чолғу асбоби. 4. Француз физиги.
5. Мева. 6. Билим манбаи. 7. Қуш. 8. Техника экинчи. 9. Унвои.
10. Қисса. 11. Жабдуқ. 12. Осмон жисмларидан бири. 13. Танҳо.
14. Сабзавот. 15. Яқин киши. 16. Рухоний. 17. Адабий жанр.
18. Навоийнинг замондоши. 19. Дарахт. 20. Шаҳар. 21. Емиш. 22. Иш қуроли. 23. Шаҳар. 24. Электр-магнит қурилма. 25. Томон.
26. Парранда. 27. Газ. 28. Ҳиндистондаги дарё. 29. Айлана элементи. 30. Математик термин. 31. Пойтахт. 32. Мантуб. 33. Геометрик шакл. 34. Кимёвий модда. 35. Техника мойи. 36. Веш асар. 37. Овқат. 38. Фан. 39. Ҳажм. 40. Вадаленз. 41. Металл. 42. Лаъазгли. 43. Жонивор. 44. Европадаги давлат пойтахти.

Фаргона Тузувчи Т. ҒАНИЕВ

9-сонда босилган чағирворднинг жавоби

1. Артек. 2. Калий. 3. Йўлчи. 4. Иртиш. 5. Шимол. 6. Ливан.
7. Нукус. 8. Сарғи. 9. Қозоқ. 10. Қовун. 11. Неман. 12. Нуқта. 13. Аския. 14. Янтоқ. 15. Қулоқ. 16. Қозон. 17. Нўхат. 18. Титов: 19. Волга. 20. Аргон. 21. Норак. 22. Кук. 23. Курск. 24. Керес. 25. Синус. 26. Силос. 27. Саида.

Муқовани расом В. ЕВЕНКО беаган.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редакцона жағия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмил РУЗИБОВЕВ (бош расом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адреси: 730000. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор—33-35-20; бош редактор ўринбосари—33-35-90; масъул секретарь — 33-35-19; ижтимоий-сиёсий бўлим—33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими—33-36-02; фан ва маданият бўлими—33-35-19; расомлар бўлими—33-36-59.

Босмаҳонага туширилди 12/Х-72 й. Восишга руҳсат этилди 10/Х-72 й. Қозоғ 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобоқ. Вуяортма 1039. Тиражи 167363. Нашр. В.—3468. Р-10699.



Соҳилдаги орзулар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Баҳоси 30 тийин.

Индекс 75233.

